

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ

ИСТЕЪДОДЛИ

ЁШЛАРИ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

(Илмий ишлар тўплами)

Биринчи китоб

1



ТОШКЕНТ
«ТА'ЛИМ НАШРИЙОТИ»
2020

УЎК 371.10

КБК 74.00


Я 61

Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари: илмий ишлар тўплами / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Тузувчи ва нашр учун масъуллар: О.Салимов, У.Бегимкулов, Қ.Қуронбоев, М.Бекмуродов, Н.Халилов. – Т.: «Та’лим nashriyoti», 2020. 320 б.

ISBN 978-9943-368-05-7

УЎК 371.10

КБК 74.00



271
9-81

Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном беришни таклиф этаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТАЪЛИМ ВА ФАН МАМЛАКАТ ҚУДРАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Шахсининг ижтимоий фаоллик даражаси, маданий юксалишини таъминловчи муҳим омил таълим ва тарбия ҳисобланади. Айни шу омиллар унинг покланишига, сохта идеаллар ва ғоявий иллюзиялардан халос бўлишига кўмаклашиши, ҳалоллик, эзгулик ва ҳақиқатнинг қарор толишига имконият яратиши мумкин.

Тарихий тажриба миллий омилларни тушунмаслик, уларни эътиборга олмаслик ёки уларга лоқайдлик, миллий ҳаётнинг янгилинишига оид догматик фикрлаш услуби, ушбу жараёнда мавжуд зиддиятларга эътиборсизлик, миллат ривожини йўлидаги сунъий тўсиқлар нафақат миллий ривожланиш учун, балки умуминсоний кадриятлар тараққиёти учун ҳам зарарли оқибатларга олиб келганлигини исботлади.

Дунёда ҳудудлар ва бойликларга эришиш учун эмас, балки «инсон онги» учун кураш авж олаётган бир даврда индивидуал ҳаракатлардан оммавий ҳаракатларга ўтиш йўллари топиш, индивидуалликни ижтимоийлик билан боғлаш усулини яратиш муҳим вазифага айланмоқда. Инсонни ҳозирги дунё воқелиги билан мос равишда яшашга ўргатиш – таълим тизимининг энг муҳим вазифаси. Мамлакат қудрати, аввало, таълим тизими билан белгиланади. Жамиятнинг таълим тизимига қараб унинг маърифатлилиқ даражаси ва келажаги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу боис, таълим ва тарбия тизимининг мутаносиблигини таъминлашда тизимли фаолият олиб бориш лозим.

Маънавий камолот ва ахлоқ, ақл-заковат ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш қобилиятини намоён қилиш, асосан, таълим жараёнида юз беради. Дунёнинг глобал муаммоларини бартараф этишга ҳаракат қилинаётган ҳозирги даврда таълимнинг сифати бу мақсадларга эришишда муҳим омилга айланади. Шу сабабли таълимнинг сифатини оширишга интилиш, интеграциялашаётган минтақалар учун таълим дастурлари ва андозаларини бирхиллаштириш, «бутун умр мобайнида узлуксиз таълим» стратегиясини амалга ошириш глобаллашув жараёнларининг янада чуқурлашуви ва такомиллашувида муҳим омилга айланмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти-

ни қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш» масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш масалаларини ҳам тўғри ҳал этиш ва қўйилган мақсадларни амалга ошириш белгилаб берилганлиги эътиборга молик.

Инсон фаолиятининг барча жабҳаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётган учинчи минг йилликда таълим тизимини такомиллаштириш, олий таълим соҳасида таълим стандартларини турли минтақавий давлатлараро бирлашмалар доирасида янада универсаллаштириш аксарият мамлакатлар, шу жумладан, ривожланаётган Ўзбекистон учун демократик ислохотларни давом эттиришнинг муҳим омилига айланмоқда. XXI асрда олий таълим инсоният ҳамжамиятини ривожлантирувчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда. Олий таълим тизимининг бош субъектлари эса – бу педагоглар ва талабалардир. Бугун педагогларнинг илмий ва ижтимоий фаоллигини намоён этишлари учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда талабаларнинг жаҳон андозалари асосида, хориж давлатлари билан академик мобилликнинг ташкил этилиши бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Зеро, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойилларида билимларнинг инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, шунингдек, таълимнинг миллийлик асосида йўналтирилганлиги, ҳар томонлама камол топган, маънавий бой инсонни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эга эканлиги, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш тамойилларига риоя қилишга асосланади.

Таълим ва фан бугунги кунда нафақат маданий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт омили, балки халқаро муносабатлар воситаси ҳамдир. Бу босқичда юқори малакали мутахассисларнинг истиқболли илмий йўналишларида ахборот алмашиши дунё мамлакатлари ютуқларининг асосий шarti ҳисобланади. Албатта, таълим илмий кашфиётлар сонини бевосита белгиламайди. Аммо таълим тизими, жамиятда илмий муаммоларни қўйиш ва ечиш, олинган натижалардан амалда фойдаланиш имконини берувчи интеллектуал муҳитни яратади. Айни шу сабабли таълим тизимига миллий даромадни истеъмол қилувчи тизим сифатидагина ёндашиш ўринли бўлмайди, зеро бу соҳада илмий-техник ва ижтимоий тараққиётга замин яратилади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистонда таълим тизимини барқарорлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш дастурини



ишлаб чиқиш вазифасининг қўйилганлиги таълим мамлакат тараққиёти-нинг муҳим омили эканлигидан далолат беради.

Бугун Ўзбекистоннинг интеллектуал мулки ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ошгани, уларнинг юртимизда кечаётган жараёнларга нисба-тан дахлдорлик туйғуси такомиллашгани, ўз фаолиятини сўз эркинлиги, ошкоралик каби демократик тамойиллар асосида ташкил этаётганлигини ғурур билан эътироф этиш лозим. Мактабгача таълим тизимининг туб-дан ўзгариши, ихтисослашган мактаблар, Президент мактаблари, Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш депертамен-тининг ташкил этилганлиги олий таълим тизимига ўз мақсадини аниқ билган, муайян фан соҳасида ижодий фаолият олиб бора оладиган, келгу-сида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини кўтаришга муно-сиб ҳисса қўшишни режалаштирган ёшларнинг ўқиши учун шароит деб баҳолаш мумкин. Ҳозирги кунда физика, биология, кимё, математика, тиббиёт, геология каби фундаментал, фалсафа, тарих, адабиёт каби ижти-моий-гуманитар фан соҳаларида ривожланган илмий мактабларда учин-чи – тўртинчи авлод мутахассислари шаклланмоқда. Илм-фан ривожини янги босқичга кўтариш у ёки бу соҳани чуқур ва кенг ўрганишга замин яратади.

Бугун тафаккур ўзгарди, одамларнинг эртанги кунга ишончи ортди, одамларда розилик кайфияти шаклланди.

Хўш, бу жараёнларга ёшлар қандай муносабат билдирмоқда? Улар-нинг дахлдорлик туйғуси нималарда намоён бўлмоқда? Шу нуқтаи на-зардан эътиборингизга такдим этилаётган ушбу тўпلامда ёшлар интел-лектуал элитасининг сиёсий маданияти, ижтимоий онги ва дунёқараши ўз ифодасини топган, десак, муболаға бўлмайди. Унда даврнинг руҳи акс эт-ган, танқидий мулоҳазалар баён этилган мақолалар билан бир қаторда, ўз соҳаси муаммолари билан боғлиқ профессионал мақолалар ҳам борлиги ёшларнинг жамиятдаги жараёнларга ҳам ижтимоий ва ҳам профессионал масъулият нуқтаи назаридан ёндашувининг ифодасидир.

Барча мақола муаллифларининг муҳокамага олиб чиқаётган масалалар доирасида нафақат чуқур билимга эгаллиги, балки мақолаларни жаҳон ан-дозалари даражасида расмийлаштириш маҳоратининг ҳам намоён бўли-ши юртимиз ёшларининг доимий изланишда эканлигининг ёрқин ифода-сидир.

Хуллас, бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган оқилона давлат сиёсати халқимизнинг миллий ўз-ўзини англаш ва ватанпарварлик туйғу-ларининг уйғонишига амалий асос бўлди, давлат ва халқнинг ижтимоий фаолиятида дахлдорлик туйғусини шакллантирди.

Шу нуқтаи назардан ушбу тўплам Ўзбекистоннинг иқтидорли талабалари ва ёш олимларининг миллий юксалиш жараёнларига дахлдорлик туйғусининг изхори сифатида янги авлод ёшлари онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳини тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонийлик фазилатлари ва ижтимоий ҳамда профессионал масъулиятни пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлишига ишонамиз.

Оқил САЛИМОВ



ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯ КЕЛАЖАККА КИРИТИЛГАН САРМОЯДИР

*Маджидов Ином Уришевич,
Олий ва ўрта махсус таълим вазири*

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги сифат босқичига кадам қўйди. Биз ўзимизга иқтисодиётнинг барча соҳаларини инновацион ривожлантириш бўйича устувор вазифларни белгиладик. Инновацион иқтисодиёт инновацион фикрлайдиган мутахассисларни талаб этади. Биз бундай юкори мақсадларга эришишимиз учун, авваламбор, инсон капиталини ривожлантириш зарур. Шунинг учун Ўзбекистонда халқаро андозаларга тўла мос келадиган мутлақо янги, узлуксиз таълим тизимини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг 34,0 млн. ли аҳолисининг қарийб 60 фоизи ёшлар эканлигини инобатга олсак, таълим-тарбия масалалари биз учун ниҳоятда муҳим эканлиги намоён бўлади. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт таълим-тарбия соҳасида ҳам олдимизга ўта мураккаб масалаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Юртимизда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Маърифатпарвар олим, юртимиздаги илк мактаб асосчиларидан бири Абдулла Авлоний ёшлар ҳақида «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган эди. Қарийб юз эллик йил илгари айтилган ушбу гаплар ҳар қандай давр ва ҳар қандай жамиятда ўз долзарб аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Мамлакат ёшларига берилган билим ҳамда тўғри тарбия мамлакат тараққиёти учун ҳар қандай моддий ресурсдан кўра кўпроқ хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни янги устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлат ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз».

Президентимизнинг маданият, санъат ва китобхонликни тарғиб этиш, таълим тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошираётган ташаббуслари ортида у кишининг таълим тизимида кўп йиллик ишлаш тажрибалари ҳам турибди. Президентимизнинг «Таълим – тараққиётнинг калити» деб қарашлари, айнан таълим соҳасига, инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш давлатнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги амалиётда исботини топмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Ташкил этилган вазирлик мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш каби вазифалар ижросини таъминлайди. Таълимда илк қадам ҳисобланган ушбу босқич фарзандларимизнинг келажакда эришишлари мумкин бўлган ютуқлар учун асосий пойдевор ҳисобланади.

Мактабгача таълим соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ҳамда 2030 йилга қадар мактабгача ёшдаги болаларнинг 80,8 фоизини қамраб олиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Халқ таълими тизимида ислохотларга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ёшларни халқаро олимпиадаларга мақсадли тайёрлаш янги тизими жорий этилиши натижасида, ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида медалларга сазовор бўлишмоқда.

Ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш мақсадида француз, немис, испан, хитой, япон ва корейс тилларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган мактабларнинг сони эса кўпайтирилди.

Ўзбекистон Республикасида касб-хунар таълимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда, таълим дастурлари



муддатларини табақалаштирган ҳолда касбий таълимни ташкил этиш мақсадида ихтисослашган таълим муассасалари тармоғи яратилмоқда.

Бунинг учун касб-ҳунар мактаблари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар тасарруфида фаолият кўрсатадиган коллежлар, Олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият кўрсатадиган техникумларидан иборат профессионал таълим тизими ташкил этилди.

Президентимиз томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» асосида Ўзбекистон олий таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ёшларни олий таълимга қамровини ошириш, таълим йўналишларини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда сўнгги уч йилда 36 та, жумладан, 15 та янги хорижий олий таълим муассасалари филиаллари ташкил этилди ва ҳозирда Республикада 117 та олий таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда, улардан 22 таси хорижий университетларнинг филиаллари ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа давлатларнинг етакчи университетлари филиаллари фаолият олиб бормоқда.

Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 55 та олий таълим муассасасида 21 та ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 20 фоизга оширилиб, олий таълим олаётган талабалар сони 298 мингтадан 468 мингтага оширилди.

Олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти охириги икки йилда сезиларли даражада ошди. Ўз навбатида, олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, профессор-ўқитувчиларимизнинг иш ҳақлари миқдори ўтган 2 йилда ўртача 2,5 бараварга оширилгани ҳам кадрли устозларимизга муносиб меҳнат шароитини яратиш ва уларнинг жамиятда мавқеи ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

Янги олий таълим муассасалари, хорижнинг етакчи университетлари филиаллари, буларнинг барчаси ёшларимиз учун амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ўқиб Америка Қўшма Штатлари университетининг дипломига эга бўлиш, яқин ўтмишда тушга ҳам қирмайдиган ўзгаришларнинг гувоҳига айланмоқдамиз.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ёшларга ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун кенг майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Биринчи ташаббус ёшларнинг санъатдаги иқтидорларини юзага чиқаришга хизмат қилса, иккинчи ташаббус спорт билан шуғулланадиган ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаради. Учинчи ташаббус замоннинг долзарб масалаларидан бўлган компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш масаласини ўзида акс эттирса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш навбатдаги ташаббусларнинг мақсади ҳисобланади. Юртимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этувчи аёллар ва уларнинг жамиятда тутган ролини ошириш масаласи ҳам юртбошимиз сиёсатининг диққат марказидаги масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу беш ташаббус ўз мазмун-моҳиятига кўра ёшлар ҳаётининг энг муҳим қирраларини акс эттирган бўлиб, уларни амалга ошириш ёшлар тарбиясидаги энг тўғри йўналишни белгилаб беради.

Мамлакатимизда миллий юксалиш даври бошланди. Янги давр шиддати таълим-тарбияга ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда. Тарбия таълим билан уйғун, аммо ўзига хос шарт-шароитни, узлуксизликни талаб қилувчи соҳа. Таълим билимдон ёшларни, тарбия иродаси кучли, ватанга содик, фидойи, меҳр-оқибатли ёшларни камол топтиради. Бу эса Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини янгиланган миллий ғоя негизида, миллий-замонавий, илмий-технологик асосда ислоҳ қилишни тақозо этади. Тарбия соҳасида эски – умумий, мавҳум, натижасиз ёндашувдан воз кечиб, аниқ, бугунги талабларга чидамли, таянч компетенциялар, фазилатлар асосида шаклланишни давр талаб этмоқда.

Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларга яратилаётган янги имкониятларни барча кўриб турибди. Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал захираси яқин йилларда дунё тамаддуини ўзгартирган Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Форобий, Ибн Сино сингари буюк алломаларнинг муносиб издошлари бўла оладиган ёшлар қиёфасида намоён бўлишига ишонамиз.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг ёшларимизнинг интеллектуал юксак, маънавий баркамол этиб тарбиялашга қаратилган шахсий эътиборининг яққол намунасидир.

Мана шундай эътиборга муносиб бўлиш учун ёшларимиз қандай бўлишлари керак? Авваламбор, таълим тизимида фаолият олиб бораётган барча ходимлар яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш-



лари зарур бўлади. Улар ҳар бир ёшни билим олишлари ва тарбиясига ўзларининг фарзандига бўлгани каби ёндашишлари лозим.

Ёшларимиз интеллектуал салоҳиятга эришишлари учун кўп меҳнат қилишлари, аввало, кўп ўқишлари, илмий изланишлари, ватанпарвар, халқига, элига, юртига фидойий инсонлар бўлиб етишишлари талаб этилади. Айниқса, вақтдан унумли фойдаланишлари, хорижий тилларни ўзлаштиришлари, компьютер технологияларини мукамал билишлари, китобхонлик маданиятини ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришлари, спорт билан фаол шуғулланишлари муҳим ҳисобланади.

Шундагина улар Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган, юртимизнинг халқаро нуфузини оширадиган кадрлар бўлиб етишадилар. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда давлатимиз томонидан ёшлар таълим-тарбиясига киритилаётган инвестициялар ўзини оқлайди.

Пировард натижада ёшларимиз ўзларига яратилаётган шароитлар ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаётгани, бунинг учун давлатимиз қанчадан-қанча ресурсларни сарфлаётгани, инсон капиталига киритилаётган инвестициялар қанчалик ўзини оқлаши учун қандай ишларни амалга оширишлари зарурлигини чуқур ҳис этишлари зарур.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳбарлик лавозимларида ишлаган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мамлакатимизда биринчи бўлиб 2020 йил учун QSнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари рейтингида қайд этилгани ҳам тасодиф эмас. Институтнинг QS рейтингида академик сўровнома, иш берувчиларнинг баҳоси ва илмий салоҳияти каби мезонларда Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари университетлари ўртасида ижобий кўрсаткичларни қайд этиб, энг кучли 350 та университетлар қаторидан жой олгани мазкур таълим даргоҳида йиллар давомида шаклланган илмий мактабнинг тўғри йўлга қўйилгани, инсон ресурсларини ривожлантиришга киритилган инвестицияларнинг самарасидир.

ЭНДЕМИК SISI МОДЕЛИНИНГ НОЧИЗИҚЛИ ДИНАМИК СИСТЕМАСИ

Шоймардонов Собиржон Комилжонович,
таянч докторант.
В.И.Романовский номидаги
Математика институти

Аннотация

Илмий изланишининг мақсади биологик организмларда, хусусан, инсонларда учрайдиган SISI эндемик касаллик моделининг параметрларига қўйилган маълум шартлар асосида динамикасини ўрганишдан иборатдир.

Калит сўзлар: *динамик система, қўзғалмас нуқта, тортувчи, итарувчи, симплекс, оператор, лимит нуқта.*

Аннотация

Целью исследования является изучение динамики модели эндемического заболевания SISI у биологических организмов, особенно у человека, при определенных условиях для параметров.

Ключевые слова: *Динамическая система, неподвижная точка, притягивающий, отталкивающий, симплекс, оператор, предельная точка.*

Abstract

The aim of the research is to study the dynamics of the SISI model of endemic disease in biological organisms, especially in humans, under certain conditions for parameters.

Key words: *Dynamical system, fixed point, attractor, repelling, simplex, operator, limit point.*

КИРИШ

Ҳаммамизга маълумки, сайёрамизда бугунги кунгача муаммоли масалалардан бири бўлиб келаётган юкумли касалликларни биологик жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш асосида уларнинг математик моделларини яратиш касалликлар олдини олишга қаратилаётган муҳим математик хулосаларни чиқариш имконини беради. Мисол учун, ҳозирги кунда бутун дунёни хавотирга солаётган «Корона вирус» балосига учраётган одамларга ташхис қўйиш ва даволаш масалалари дунё математик олимларини ҳам чуқур илмий изланишлар олиб боришга ундамоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби дунёга машҳур буюк аждодларимиз томонидан тамал тоши қўйилган математика фани жаҳон илм-фани ривожига, техника

тараққиётига, тиббиёт соҳаси йўналишлари келажагини таъминлашга ёрдам бермоқда. Шунингдек, коммуникация технологиялар улуши ҳам, тиббиёт, биология, рақамли иктисодиёт ва бошқа кўплаб соҳаларда ортиб бормоқда. Бугунги кунда Республикамизда математика соҳасида дунёга танилган илмий мактаблар фаолият юритиб, Ўзбекистон фанини жаҳонга танитиш ва юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш бўйича самарали ишлар олиб бормоқдалар. Айниқса, 2019 йилнинг 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор математик олимлар учун янада юқори имкониятлар яратди. Математика фанини ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш янги босқичга кўтарилди. Қисқа муддатда Математика институтининг янги замонавий биноси қуриб битказилди ва унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Муҳим таъриф ва тушунчалар. Бу мақолада биз узлуксиз вақтда қисман ўрганилган SIS₁ моделини дискрет вақтли динамикасини ўрганамиз. Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳати шундаки, организм икки марта бир хил касаллик билан касалланиши мумкин, яъни моделда биринчи марта касалдан буткул тузалган беморнинг касали қайталаниши ҳисобга олинган. Қуйидаги ўзгарувчиларни киритамиз: S – олдин касалланмаган инсонлар сони, I – биринчи марта касаллик юқтирган инсонлар сони, S_1 – касалликдан тузалганлар сони, I_1 – иккинчи марта касаллик юқтирган инсонлар сони, b – туғилиш тезлиги, μ – ўлиш тезлиги, α – тузалиш тезлиги, β_1 – бу S даги таъсирчанлик, β_2 – бу S_1 даги таъсирчанлик, k_1 – бу I даги инсонларнинг касаллик юқтириши, k_2 – бу I_1 даги инсонларнинг касаллик юқтириши. У ҳолда тўрт ўлчамли узлуксиз вақтли эндемик модел қуйидагича:

$$\begin{cases} dS/dt = b(S + I + S_1 + I_1) - \mu S - \beta_1 A(I, I_1)S \\ dI/dt = -\mu I + \beta_1 A(I, I_1)S - \alpha I \\ dS_1/dt = -\mu S_1 + \alpha I - \beta_2 A(I, I_1)S_1 \\ dI_1/dt = -\mu I_1 + \beta_2 A(I, I_1)S_1 \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда $A(I, I_1)$ – инфекция кучи деб аталади,

$$A(I, I_1) = (k_1 I + k_2 I_1) / P$$

ҳамда $P = S + I + S_1 + I_1$ умумий кўпайиш ҳажми.

Энди биз қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$x = \frac{S}{P}, u = \frac{I}{P}, y = \frac{S_1}{P}, v = \frac{I_1}{P}$$

Агар биз $b = \mu$ деб ҳисоблаб юқоридаги белгилашларни ҳисобга олсак, (1) система қуйидаги кўринишга келади:

$$\begin{cases} dx/dt = b - bx - \beta_1 A(u, v)x \\ du/dt = -bu + \beta_1 A(u, v)x - \alpha u \\ dy/dt = -by + \alpha u - \beta_2 A(u, v)y \\ dv/dt = -bv + \beta_2 A(u, v)y \end{cases} \quad (2)$$

Бу ерда барча параметрлар номанфий ва $\frac{d}{dt}(x+u+y+v) = 0$ эканлигидан умумий кўпайиш ҳажми P вақт ўтиши билан ўзгармас сон бўлади, умумийликка зиён етказмасдан биз уни $x+u+y+v=1$ деб оламиз. У ҳолда эволюцион оператор $V: S^3 \rightarrow R^4$ ёрдамида аниқланган (2) системага мос келувчи дискрет-вақтли модел:

$$V: \begin{cases} x^{(1)} = x + b - bx - \beta_1 A(u, v)x \\ u^{(1)} = u - bu + \beta_1 A(u, v)x - \alpha u \\ y^{(1)} = y - by + \alpha u - \beta_2 A(u, v)y \\ v^{(1)} = v - bv + \beta_2 A(u, v)y \end{cases} \quad (3)$$

Эслатиш жоизки, V – бу квадратик стохастик оператор, S^3 – стандарт симплекс.

Олинган натижалар. Қуйидаги биз квадратик стохастик оператор таърифи ва $x+u+y+v=1$ тенглик ёрдамида исботланадиган теоремани исботсиз келтирамиз.

1-теорема. Номанфий параметрлар $b, \alpha, \beta_1, \beta_2, k_1, k_2$ қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

$$\begin{aligned} \alpha + b \leq 1, \quad \beta_1 k_2 \leq 2, \quad \beta_2 k_1 \leq 2, \\ b + \beta_2 k_2 \leq 1, \quad |b - \beta_1 k_1| \leq 1, \quad |b - \beta_2 k_2| \leq 1, \\ |b - \beta_1 k_2| \leq 1, \quad |\alpha + b - \beta_1 k_1| \leq 1, \quad |\alpha - b - \beta_2 k_1| \leq 1 \end{aligned} \quad (4)$$

У ҳолда $V(S^3) \subset S^3$ (S^3 – тўпلام V операторга нисбатан инвариант) ҳамда V – квадратик стохастик оператор бўлади.

Энди биз операторнинг барча кўзгалмас нуқталарини, яъни $V(x) = x$ тенгламанинг ечимларини топамиз.

2-теорема. Оператор V параметрларга қўйилган (4) шартлар асосида қуйидаги кўзгалмас нуқталарга эга:



$$\lambda_1 = (1, 0, 0, 0)$$

$$\lambda_2 = (0, 0, 0, 1) \quad \text{агар } b = 0$$

$$\lambda_3 = (0, 0, 1, 0) \quad \text{агар } b = 0$$

$$\lambda_4 = (0, 1, 0, 0) \quad \text{агар } \alpha = 0, b = 0.$$

$$\lambda_5 = (x^*, 0, 1 - x^*, 0) \quad \text{агар } \alpha = 0, b = 0, \text{ бу ерда } \forall x^* \in (0, 1).$$

$$\lambda_6 = (x^*, 0, y^*, v^*) \quad \text{агар } \beta_1 = \beta_2 = 0, b = 0, \text{ бу ерда } \forall (x^*, y^*, v^*) \in S^2.$$

$$\lambda_7 = (x, u, y, v) \quad \text{агар } \alpha = b = k_1 = k_2 = 0, \text{ бу ерда } \forall (x, u, y, v) \in S^3.$$

$$\lambda_8 = \left(\frac{b}{\beta_1 k_1}, \frac{\beta_1 k_1 - b}{\beta_1 k_1}, 0, 0 \right) \quad \text{агар } b > 0, \alpha = 0, \beta_1 k_1 > b.$$

$$\lambda_9 = \left(\frac{b + \alpha}{\beta_1 k_1}, \frac{b(\beta_1 k_1 - b - \alpha)}{\beta_1 k_1 (b + \alpha)}, \frac{\alpha(\beta_1 k_1 - b - \alpha)}{\beta_1 k_1 (b + \alpha)}, 0 \right) \quad \text{агар}$$

$$b > 0, \alpha > 0, \beta_2 = 0, \beta_1 k_1 > b + \alpha.$$

$$\lambda_{10} = \left(\frac{b}{b + \beta_1 A}, \frac{b\beta_1 A}{(b + \beta_1 A)(b + \alpha)}, \frac{\alpha b\beta_1 A}{(b + \beta_1 A)(b + \beta_2 A)(b + \alpha)}, \frac{\alpha\beta_1\beta_2 A^2}{(b + \beta_1 A)(b + \beta_2 A)(b + \alpha)} \right)$$

агар $\alpha b\beta_1\beta_2 k_1 k_2 > 0$, бу ерда A

$$\frac{b\beta_1 k_1}{(b + \beta_1 A)(b + \alpha)} + \frac{\alpha\beta_1\beta_2 k_2 A}{(b + \beta_1 A)(b + \beta_2 A)(b + \alpha)} = 1$$

тенгламанинг мусбат илдизи.

Маълумки, математик биологиянинг асосий вазифаларидан бири лимит нукталар тўпламини ўрганишдан иборатдир. Энди биз параметрларга қўшимча шартлар асосида (3) оператор ҳосил қилувчи бошланғич нукта траекториясининг лимит нукталарини топамиз.

1-ҳол. Инфекция кучи ёки таъсирчанлик мавжуд эмас.

$$(\text{яъни } A(u, v) = 0 \text{ ёки } \beta_1 = \beta_2 = 0).$$

3-теорема. Берилган $\lambda^0 = (x^0, u^0, y^0, v^0) \in S^3$ бошланғич нукта учун (қўзғалмас нуктадан ташқари) траектория қуйидаги лимитга эга:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} V^{(n)}(\lambda^0) = \begin{cases} \lambda^0 & \text{агар } \alpha = b = 0 \\ \lambda_1 & \text{агар } b > 0, \alpha = 0 \\ (x^0, 0, 1 - x^0 - v^0, v^0) & \text{агар } b = 0, \alpha > 0 \\ \lambda_1 & \text{агар } b > 0, \alpha > 0 \end{cases}$$

Ушбу теоремани исботлашда дастлаб берилган шартларга мос равишда кетма-кетликларнинг ўзгармаслиги асосида оператор лимити мавжудлиги кўрсатилади, сўнгра бу лимит нуқталар 2-теоремадан фойдаланган ҳолда топилади.

2-ҳол. S даги инсонларнинг таъсирчанлиги мавжуд эмас ($\beta_1 = 0$).

4-теорема. Берилган $\lambda^0 = (x^0, u^0, y^0, v^0) \in S^3$ бошланғич нуқта учун (кўзғалмас нуқтадан ташқари) траектория қуйидаги лимитга эга:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} V^{(n)}(\lambda^0) = \begin{cases} \lambda^0 & \text{агар } \alpha = b = 0 \\ \lambda_1 & \text{агар } b > 0, \alpha = 0 \\ (x^0, 0, 0, 1 - x^0) & \text{агар } b = 0, \alpha > 0 \\ \lambda_1 & \text{агар } b > 0, \alpha > 0 \end{cases}$$

3-ҳол. Тузлиши (ўлиши) ва тузалиши тезликлари нолга тенг ($b = \alpha = 0$).

5-теорема. Берилган $\lambda^0 = (x^0, u^0, y^0, v^0) \in S^3$ бошланғич нуқта учун (кўзғалмас нуқтадан ташқари) траектория қуйидаги лимитга эга:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} V^{(n)}(\lambda^0) = \begin{cases} \lambda^0 & \text{агар } k_1 = k_2 = 0 \\ (x^0, u^0, 0, 1 - x^0 - u^0) & \text{агар } \beta_1 = 0, \beta_2 > 0, k_1 + k_2 > 0 \\ (0, 1 - y^0 - v^0, y^0, v^0) & \text{агар } \beta_1 > 0, \beta_2 = 0, k_1 + k_2 > 0 \\ (0, u^0, 0, 1 - u^0) & \text{агар } \beta_1 > 0, \beta_2 > 0, k_1 k_2 > 0 \end{cases}$$

Хулоса

Узлуксиз вақтли эндемик моделда (1) олинган натижалардан фарқли ўларок (3), операторнинг кўзғалмас нуқталари тўла топилди ва лимит нуқталар тўпламини ўрганишда уларнинг турларидан (тортувчи, итарувчи) фойдаланилди. Лимит нуқталарни ўрганишда олинган натижалар, ўз нав-

батида, биологик маънога эга, масалан, $\lim_{n \rightarrow \infty} V^{(n)}(\lambda^0) = (0, 1 - y^0 - v^0, y^0, v^0)$ натижнинг маъноси касалга чалинмаган инсонлар қолмайди дегани ва ҳ.к.

Адабиётлар рўйхати

1. Johannes Müller, Christina Kuttler. Methods and models in mathematical biology. Springer, 2015, 721 p.



2. R.L. Devaney, *An Introduction to Chaotic Dynamical System*. Westview Press, 2003, 336 p.
3. R.N. Ganikhodzhaev, Quadratic stochastic operators, Lyapunov functions and tournaments, *Russian Acad. Sci.Sb. Math.* 76 (1993), pp.489–506.
4. U.A. Rozikov, S.K. Shoyimardonov, Ocean ecosystem discrete time dynamics generated by I-Volterra operators. *Inter. Jour. Biomath.* 12(2) (2019) 24 pages.
5. U.A. Rozikov, A.Zada, On dynamics of I-Volterra quadratic stochastic operators. *Inter. Jour. Biomath.*, 3 (2010), pp.143–159.



МАҲАЛЛИЙ ВА ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР СОРБЕНТЛАР ОЛИШ

Тўхтаев Феруз Сағдуллаевич,
тадқиқотчи.

Тошкент давлат техника университети

Аннотация. Мақолада маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида композицион полимер сорбентлар олиш ва улар асосида кимё ва металлургия саноатидан ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалаш ҳамда улар таркибидан рангли ва қимматбаҳо металл ионларини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш келтирилган. Олинган композицион полимер сорбентларнинг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда сорбцион хусусиятлари стандарт усуллардан фойдаланиб аниқланган.

Калим сўзлар: композиция, сорбент, полианилин, полиакрил кислота-си, поликапроамид, полимер, термогравиметрия, деструкция, ҳарорат.

Аннотация. В статье приведено описание технологии получения композиционных полимерных сорбентов на основе местного и вторичного сырья и технология очистки сточных вод химической и металлургической промышленности и извлечения из них ионов цветных и благородных металлов. Физико-химические, физико-механические и сорбционные свойства полученных композиционных полимерных сорбентов определялись стандартными методами.

Ключевые слова: композиция, сорбент, полианилин, полиакриловая кислота, поликапроамид, полимер, термогравиметрия, деструкция, температура.

Annotation. The citing article describes the technology for producing composite polymer sorbents based on local and secondary raw materials and the technology for wastewater treatment in the chemical and metallurgical industries and extraction of non-ferrous and noble metal ions from them. Physicochemical, physicomechanical and sorption properties of the obtained composite polymer sorbents were determined by standard methods.

Key words: composition, sorbent, polyaniline, polyacrylic acid, polycapraamide, polymer, thermogravimetry, destruction, temperature.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида ноёб бўлмаган, нисбатан арзон хомашёлар асосида, сорбцион қобилияти ва физик-механик хусусиятлари юқори бўлган ҳамда фойдаланиш муддати узок бўлган композицион полимер материалларни ишлаб чиқиш ва улар асосида турли хил сорбентлар яратиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Ушбу соҳада дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан, маҳаллий хомашё ресурслари асосида композицион полимер сорбентларни олиш соҳасида турли чора-тадбирлар ўтказилмоқда ва бу борада маълум натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инновацион ютуқларни амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ушбу илмий йўналишни ривожлантиришда, кимё ва металлургия саноати ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган саноат оқова сувларини тозалаш ҳамда улардан рангли ва қимматбаҳо металл ионларини ажратиб олиш учун мўлжалланган маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида композицион полимер сорбентларнинг янги авлодини яратиш ва уларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сонли «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3382-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш тизимларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, композицион полимер материаллар устида олиб борилган тадқиқотлар асосида маълум натижаларга эришилди.

Мисол учун, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан фойдаланиб, полимер-полимер комплекслар синтез қилиб олинди ва органик минерал ингредиентлардан фойдаланиб, композицион полимер сорбентларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилди ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тури ва таркиби композицион полимер материалларнинг физик-механик ва кимёвий хоссаларига боғлиқлиги ўрганилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

Полимер-полимер комплекслар ва улар асосида сорбцион материалларни олишнинг асосий жараёнларини, уларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари, композицион полимер сорбент тузилишида комплекслар ҳосил бўлишининг самарали миқдори ҳосил бўлишига минерал тўлдирувчи концентрациясининг таъсири ҳамда ишлаб чиқилган композицион полимер сорбентларнинг самарали таркиблари ўрганилди.


Полианилин ва полиакрил кислота ҳамда полианилин ва поликапроамид асосидаги полимер-полимер комплексларнинг кинетикаси, шунингдек, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ИҚ спектроскопия усулида ўрганилди.

ИҚ спектроскопияси тадқиқоти натижалари дастлабки компонентлар ва олинган полимер-полимер комплексларнинг ИҚ спектрлари тегишли функционал гуруҳлар билан тўғри келишини, мисол учун, полианилиннинг ИҚ спектрлари 3330 см^{-1} ; 1305 см^{-1} валент тебранишларида C-N гуруҳига, 3085 ; 2750 ; 910 см^{-1} валент тебранишларида CH_2 гуруҳига, 1600 – 1580 см^{-1} валент тебранишларида бензол ҳалқасига, валент тебранишларда C-N гуруҳига, 3500 ; 3200 ; 1360 ; 1180 ; 960 ; 690 см^{-1} валент тебранишларида NH гуруҳига, полиакрил кислотасининг ИҚ спектрлари 1720 ; 1735 см^{-1} , 1700 ; 1150 см^{-1} валент тебранишларида карбоксил гуруҳларига, шунингдек, поликапроамиднинг ИҚ спектрлари 3500 ; 960 ; 690 см^{-1} валент тебранишларида NH гуруҳига тегишли эканлигини кўрсатди.


Бундан ташқари, термогравиметрик таҳлил усули билан 15°C дан 500°C гача бўлган ҳарорат оралиғида полимер-полимер комплексларининг вазни йўқолиши ўрганилди. Девиватограммалардан олинган таҳлил натижалари, полианилинда 70 – 80°C гача бўлган ҳароратда, полиакрил кислотасида 90 – 105°C гача бўлган ҳароратда, поликапроамидда 110 – 115°C гача бўлган ҳароратда ва полимер-полимер комплексларда 190 – 300°C гача бўлган ҳароратда масса йўқолиши кузатилмади. Полимерларда масса йўқолиши: полианилинда 80°C ҳароратдан, полиакрил кислотасида 105°C ҳароратдан, поликапроамидда 115°C ҳароратдан, полимер-полимер комплексларда масса йўқолиши: ПАНИ-ПАҚда 300°C ҳароратдан, ПАНИ-ПКАда 330°C ҳароратдан оширилганда сезила бошлади. Полианилинда ҳароратни 210°C дан, полиакрил кислотасида ҳароратни 220°C дан, поликапроамидда ҳароратни 250°C дан, ПАНИ-ПАҚда ҳароратни 450°C дан, ПАНИ-ПКАда ҳароратни 495°C дан оширганда кескин масса йўқолишини кўрсатди, буни полимер-полимер комплексларнинг деструкцияси билан боғлаш мумкин бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари композицион полимер сорбентларнинг структуравий тузулишини белгилаб берди. Қуйидаги 1-2-схемада полимер-полимер комплекс ҳосил бўлиш механизми келтирилган.






1-схема. ПАНИ-ПАК комплексининг ҳосил бўлиши



2-схема. ПАНИ-ПКА комплексининг ҳосил бўлиши

Олиб борилган физик-кимёвий тадқиқотлар маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги полимер-полимер комплекслар ва органик минерал ингредиентлардан фойдаланиб, сорбцион қобилияти ва физик-механик хусусиятлари, мустаҳкамликда даражаси юқори бўлган композицион полимер сорбентларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилишига эришилди.

Яратилган композицион полимер материаллар асосидаги сорбентлар юқори сорбцион хусусиятга эга эканлиги билан саноат оқова сувлари таркибида мавжуд металл ионлари билан ўзаро таъсирлашганда, уларни самарали сорбциялай олиши аниқланди. Қуйидаги 3-4-схемада полимер – полимер комплексларнинг мис металл ионлари билан комплекс бирикма ҳосил қилиш механизми келтирилган.



3-схема. ПАНИ-ПАК комплексининг мис ионлари билан комплекс бирикма ҳосил қилиши

Юқоридаги 1-расмда композицион полимер сорбент олиш технологияси келтирилган.

Композицион полимер сорбентлар орқали рангли ва қимматбаҳо металлларни олиш ва саноат оқова сувларини тозалаш, юқори физик-механик ва сорбцион хусусиятлари ҳамда улардан кўп бора фойдаланиш имкониятининг самарали технологик жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Композицион полимер материалларнинг сорбцион ва физик-механик хоссаларини асосий ўзгариш қонуниятлари полимер боғловчилар ва органик минерал тўлдирувчиларнинг тури ва таркибига боғлиқлиги ўрганилди.

Ушбу яратилган сорбентдан фойдаланиб, кимё ва металлургия саноати корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни тозалаш ҳамда улардан рангли ва қимматбаҳо металл ионларни ажратиб олишга эришилди, шунингдек, сорбентлар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, саноат чиқиндиларидан полимер-полимер комплекс ва органик минерал ингредиентлар тури ва таркибига таъсирининг қонуниятларини аниқлаш йўли билан композицион полимер материалларнинг мустаҳкамлиги ва сорбцион хоссалари белгиланди, кимё ва металлургия саноати оқова сувларини тозалаш ҳамда рангли ва қимматбаҳо металл ионларини ажратишда композицион полимер сорбентларни олиш принциплари назарий асосланиши билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тухтаев Ф.С., Каримова Д.А., Негматов С.С., Бакоев Х.Ю., Бабаханова М.Г., Ахмедова Д.У. Разработка эффективных композиционных полимерных сорбентов для извлечения цветных и драгоценных металлов из сточных вод металлургической промышленности //Композиционные материалы. – Ташкент. № 2. 2016. – С.39–41. (02.00.00; № 4)
2. Тухтаев Ф.С., Каримова Д.А., Жумаева Э.Ш. Объемметрические исследования в термодинамике адсорбции жидких растворов твердыми телами //Universum: Химия и биология. – Россия. Январь, №1(31). 2017. – С.57–60. (02.00.00; № 2)
3. Тухтаев Ф.С., Каримова Д.А., Жумаева Э.Ш. Динамика безнагревных циклических адсорбционных процессов //Композиционные материалы. –Ташкент. № 3. 2017. – С.80–81. (02.00.00; № 4)
4. Тухтаев Ф.С., Каримова Д.А. Совместная адсорбция цветных, тяжелых и благородных металлов из сточных вод //Вестник Национального университета Узбекистана. – Ташкент. № 3/2. 2017. – С.484–486. (02.00.00; № 12)
5. Тухтаев Ф.С., Каримова Д.А., Жумаева Э.Ш. Электронно-микроскопическое исследование полимер-полимерных композиций на основе полианилина

и поликислот //Композиционные материалы. – Ташкент. № 4. 2017. – С.47–48. (02.00.00; № 4)

6. Тўхтаев Ф.С., Каримова Д.А. Полианилин ва турли хил поликислоталар асосида полимер-полимер композиция структурасини ультрабинафша ва ядро магнит резонанс спектроскопия методида ўрганиш //ЎзМУ хабарномаси. – Тошкент. № 4. 2017. – Б.124–129. (02.00.00; № 11)

7. Тўхтаев Ф.С., Каримова Д.А., Жумаева Э.Ш., Каримова З.У. Разработка оптимальных составов композиционных полимер-полимерных сорбентов и технология их получения //Universum: технические науки. – Россия. Декабрь, № 12(45). 2017. – С.51–53. (02.00.00; № 1)

8. Тўхтаев Ф.С., Негматов С.С., Каримова Д.А. Исследование реологических свойств полимер-полимерных композиций полианилина с линейными и сшитыми поликислотами //Доклады Академии наук Республики Узбекистан. – Ташкент. № 1. 2018. – С.70–72. (02.00.00; № 8)

9. Tukhtaev F.S., Negmatova K.S., Negmatov S.S., Karimova D.A. Research of magnetic characteristics electro conductive composition polymeric sorbent //Austrian Journal of technical and natural sciences. № 5–6. May-June. – Austria. 2019. – P.58–60. (02.00.00; № 2)



СТРУКТУРНО-СОДЕРЖАТЕЛЬНАЯ МОДЕЛЬ ПРОЦЕССА ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

*Ш. Мирзиёева,
соискатель.*

Головного научно-методического центра при МВССО

Аннотация

Рассматривается структура и содержание разработанной модели процесса формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций. По результатам исследований выявлены следующие основные направления формирования и развития инновационной компетентности: переподготовка и повышение квалификации, методическое и информационное сопровождение, создание и поддержание цифровой инновационной развивающей среды. Определены принципы и организационно-педагогические условия формирования и развития инновационной компетентности.

Ключевые слова: *модель, компетентность, структурные компоненты инновационной компетентности, принципы и организационно-педагогические условия формирования инновационной компетентности руководителя дошкольной образовательной организации.*

Abstract

The subject of study is the structure and content of the developed model of the process of formation and development of innovative competence of heads of preschool educational organizations. According to the research results, the following main directions of innovative competence formation and development have been identified: retraining and professional development, methodological and information support, creation and maintenance of a digital innovation developing environment. The principles as well as organizational and pedagogical conditions for the formation and development of innovative competence are defined.

Key words: *model, competence, structural components of innovative competence, principles and organizational and pedagogical conditions for formation of innovative competence of the head of a preschool educational organization.*

Анализ современной дошкольной образовательной практики, научной литературы по исследуемой проблеме показывает, что важной предпосылкой эффективного формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций является разработка структурно-содержательной модели данного процесса.

По результатам анализа сущности и функций моделирования как метода теории познания Н.Б. Ершова сформулировала соответствующие требо-

вания, которые целесообразно учитывать при разработке модели процесса подготовки:

- модель должна отражать целостность процесса и взаимосвязь основных его функций;

- соответствовать реальным свойствам структурных элементов смоделированного процесса;

- иметь воспроизводимый характер для реализации возможности ее экспериментальной проверки, воплощения в практике [1].

По мнению Т.А. Романовой, модель процесса подготовки по своей структуре должна содержать образные структурно-логические компоненты, например:

- целевой;

- содержательный;

- результативный.

В частности, целевой должен охватывать основные идеи содержания и основные позиции, а также программу выполнения определенных действий. То есть целевой структурный компонент определяет цели, задачи, последовательность соответствующих действий. Содержательный структурный компонент является основным. Его содержание преимущественно должно быть представлено новой информацией, которой должны овладеть. Результативный структурный компонент модели обеспечивает определение уровня соответствия происходящих изменений. С его помощью осуществляется необходимая коррекция как целевого, так и содержательного структурного компонента [2].

Основываясь на вышеизложенном анализе и придерживаясь позиции относительно структурно-логического моделирования, раскроем основные структурные элементы модели с учетом наших исследований.

Так, целью моделирования процесса формирования и развития является разработка такой модели, которая будет обеспечивать необходимый уровень инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций в соответствии с современными требованиями дошкольной образовательной практики.

В качестве объекта моделирования выделяем процесс формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций.

Под самой моделью целесообразно понимать образное представление, описание и теоретическое обоснование структурно-содержательных элементов процесса формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций.

По своей сущности, модель процесса формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций разрабатывалась как совокупность определенных структур-



но-содержательных элементов (направлений формирования и развития, организационно-педагогических условий, структурных составляющих инновационной компетентности и др.) и соответствующего содержательного наполнения к ним (см. схему).

ЦЕЛЕВОЙ КОМПОНЕНТ

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ

переподготовка
и повышение
квалификации

методическое
и информационное
сопровождение

создание и поддержание
цифровой инновационной
развивающей среды

СОДЕРЖАТЕЛЬНЫЙ КОМПОНЕНТ

ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ	принцип доступности	условия интеграции обучения и практики	ОРГАНИЗАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ
	принцип системности	нормативно-правовые условия	
	принцип научности и инновационности	условия кадрового обеспечения	
	принцип конкурентоспособности	материально-технические условия	
	принцип развития	условия стимулирования лично-ориентированной направленности	

РЕЗУЛЬТАТИВНЫЙ КОМПОНЕНТ

мотивационно-
целевая
структурная
составляющая

информационная
структурная
составляющая

функциональная
структурная
составляющая

аналитическая
структурная
составляющая

Структурно-содержательная модель процесса формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций

При рассмотрении разработанной модели в традиционной форме, несмотря, на то, что процесс формирования и развития инновационной

компетентности руководителя дошкольной образовательной организации является комплексным, охватывающим различные направления подготовки в рамках непрерывного образования в целом, видно, что он индивидуализирован и структурирован, т.е. предусматривает следующие условно выделяемые, взаимосвязанные и в некоторых случаях циклические структурные компоненты:

- целевой компонент;
- содержательный компонент;
- результативный компонент.

Так, целевой структурный компонент модели предопределяется соответствующими противоречиями, которые имеют место в современной педагогической теории и практике:

- между современными требованиями к инновационной подготовке руководителей дошкольных образовательных организаций и недостаточным уровнем их инновационной компетентности, которая требует развития;
- потребностью в формировании и развитии руководителя дошкольной образовательной организации, способного эффективно внедрять и применять инновационные технологии в дошкольной образовательной практике, управлять ими и развивать их;
- приобретенными на этапах непрерывного образования соответствующими знаниями об инновациях и недостаточной инновационно-практической ориентированностью руководителей дошкольных образовательных организаций;
- недостаточной реализацией творческого потенциала руководителей в дошкольной образовательной практике и задачами подготовки специалистов нового, современного поколения.

Таким образом, главной целью является формирование и развитие инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций. При этом уровень инновационной компетентности должен обеспечивать эффективное внедрение и применение руководителем инновационных технологий в дошкольной образовательной практике.

Конкретизируя цель указанного процесса подготовки, полагается целесообразным выделить следующие задачи:

- формулирование ясной и достигаемой цели, этапов её достижения;
Имкониятлар ва имтиёзлар яратилаётган бир пайтда Республикамизда суғориладиган майдонлар 4,3 миллион гектарни ташкил этади. Экин экиладиган қисми эса 3,2 миллион гектарни ташкил этади. Қарийб 1,1 миллион гектар ер фойдаланишдан чиқиб кетган. Шунинг билан бирга, ушбу майдонларнинг жойлашган жойи, суғориш тармоғига уланганлиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолати турлича. Ўрганишлардан кўришимиз мумкинки, баъзи майдонларга сув табиий равишда, баъзиларига эса сунъий равишда, яъни суғориш каналлари, насос станциялари ва махсус қувурлар ёрдамида сув ресурслари етказилади.



Шундай ер майдонлари борки, тупроғи унумдор, бироқ жойлашган жойидаги суғориш тармоқлари эскирган ёки суғориш тармоғи етиб бормаган. Эскирган суғориш тармоғида ушбу майдонларни тўлиқ сув билан таъминлаб бўлмайди. Ушбу ер майдонларни сув билан таъминлашда бошқа сув манбаларидан (сув омборлари, суғориш қудуклари) фойдаланиш кўпроқ самара беради. Сув ресурсларини самарали бошқариш, сувга эҳтиёж туғилган даврда экинларнинг сувга бўлган талабини қондиришда суғориш қудукларининг ҳам аҳамияти катта. Айни вақтда сув хўжалиги ташкилотлари тасарруфида 4 мингта суғориш қудуғи мавжуд. Битта қудуқ 30 гектар майдонга хизмат кўрсатиб, йилига 40–50 миллион сўмгача харажат қилинмоқда. Суғоришда қудуқ сувини одатдагидек ишлатиш оқибатида ер ости суви борган сари камаймоқда¹.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар сирасига ер ости суви мониторингини автоматлаштириш, ер ости сувидан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ер ости сув ресурсларини баҳолаш, математик моделлаштириш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларини қўшишимиз мумкин, лекин ушбу амалий тадбирлар билан ер ости сувларини тежаб ишлатиш, исрофининг олдини олиш, ер ости сувларидан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш бироз қийин жараён ҳисобланади.

Шу сабабли, ер ости сувларидан фойдаланиш даражасини назорат қилиш, ер ости сувларининг минерал ҳолатини доимий таҳлил этиш учун замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш ва ушбу сув манбаларидан фойдаланаётган фермер хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар сув тежовчи технологиялардан фойдаланишлари учун ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослар яратиб бериш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, ғўзани оддий усулда суғорганда сув сарфи гектарига ўртача 5500 м³ ни, томчилатиб суғорганда эса, 2750 м³ ни ташкил этиб, сув сарфи 2 баробарга, ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи эса 2,7 мартага қисқаради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 10 гектар майдонга сув тежовчи технологияларни жорий этиш харажатлари қарийб 133 миллион сўмни ташкил этади².

Фермер хўжаликда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш орқали пахта ҳосилдорлиги 27 центнердан 35–45 центнергача ошади. Бундан ташқари, сув сарфи (30–50%), электр қуввати (10–15%), дизел ёқилғиси (25–30%), минерал ўғитлар (20%) тежалишига эришилади. Тежалган ресурслар, ҳосилдорлик ошиши эвазига самарадорлик даражаси янада ортади ҳамда сув тежовчи тизимни жорий қилиш харажатлари

¹ <http://www.water.gov.uz/uz/posts/1545735855/270>

² «Tomchi» mobil ilovasi ma'lumotlari asosida.

қопланади ва 5–6 йиллардан бошлаб кўшимча иқтисодий фойдага эришиш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар ва маълумотларга асосланиб, қуйидаги тақлифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

➤ қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологиялардан фойдаланишда экин тури, табиий иқлим шароитлари, тупроқ таркиби, агротехника тадбирларни қўллаш шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда оптимал суғориш усулини танлаш;

➤ экин майдонларига жорий этилаётган сув тежовчи суғориш тизими жорий этишдан олдин самарадорлик даражасини техник ва иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш;

➤ экин турига қараб, сув тежовчи суғориш тизими жорий қилинган ер майдони учун давлат томонидан берилаётган субсидиялардан фойдаланиш, мазкур тизимларни ўрнатиш учун керак бўладиган технологияларни ишлаб чиқарувчиларга (маҳаллий) яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш;

➤ истеъмолчиларни сув ресурслари билан таъминлашда иштирок этадиган барча ташкилотлар фаолиятини, самарадорлиги паст бўлган мавжуд каналлар, насос станциялари ва суғориш тармоқларига самарадорликни оширишга хизмат қиладиган техника-технологияларни жорий этиш ва фаолиятини янада такомиллаштириш;

➤ сувни нархлаш сиёсати. Сувни тежаш ва фойдаланиш самарадорлигини оширади, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг даромадлар тақсимоти ва кўшимча даромадларни шакллантиришга, шунингдек, янги сув лойиҳаларининг яратилишига, мавжудларини амалга оширишга ва сақлашга ёрдам беради;

➤ қишлоқ хўжалигида сув ресурслари етиб бормайдиган, лекин фойдаланиш учун ярқли бўлган ер майдонларидан фойдаланиш учун бошқа сув манбаларини, яъни сув омборлари, суғориш қудуқларини барпо этиш, ушбу сув манбаларидан фойдаланилиб, суғорилиши режалаштирилган ер майдонларига сув тежовчи тизимларни жорий этишни қатъий қилиб белгилаш ҳамда сув манбаларининг ва сув тежовчи тизимларнинг ишлаш жараёнида муқобил электр манбаидан фойдаланиш орқали тежамкорлик, ҳосилдорликнинг ошиши ва иқтисодий самарадорликка олиб келади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сув хўжалиги учун эски техника-технологияларнинг даври ўтди. Демак, иқтисодиёт соҳаларида сув ресурслари бошқарувини тубдан такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сув тежамкор технологияларни қўллаш тизимини янада ривожлантириш, сув ресурсларига бўлган муносабатни ижобий томонга йўналтириш сув тақчиллигига мослашиш



ва истеъмолчиларни кафолатланган сув билан таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Мамлакатимизда сув хўжалигида замонавий технологияларнинг кенг жорий қилиниши, давлат томонидан яратилаётган қулайликлардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5418-сонли «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

2. *А.С. Султонов, Ў.П. Умурзоқов, Ж.Х. Рашидов.* Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик, Т., 2008.

3. *А.К. Ахмедов.* «Қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш». Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти автореферати, Тошкент, 2018.

4. *Р.А. Мамутов, Ш.З. Қўчқоров ва Т.З. Султанов.* «Сув хўжалигида сувни тежовчи технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар», «Irrigatsiya va melioratsiya» журнали, № 3 (13). 2018.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа иқтисодий комиссияси Атроф-муҳит сиёсати кўмитасининг «Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон» иккинчи шарҳи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк ва Женева, 2010.

ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА НИТРАГИН ШТАММИНИНГ СОЯ УРУҒИ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Рахимова Холисхон Мақсудовна,
таянч докторант.

Урганч давлат университети

Аннотация

Ушбу мақолада Хоразм вилояти ўртача шўрланган тупроқларида соя навлари уруғларига Нитрофикс-П штаммини қўллаш натижасида илдизларда тугунаклар ҳосил бўлиши, ўсимликнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: соя, нав, нитрагин, тугунак, ўсимлик, уруғ, тупроқ, шўрланган.

Аннотация

В данной статье приведены данные о влиянии Нитрофикса-П на формирование корней, рост и продуктивность сортов сои в условиях умеренно засоленных почв Хорезмской области.

Ключевые слова: соя, сорт, нитрагин, клубень, растения, семена, почва, засоленные почвы.

Abstract

This article presents data on the processing of Nitropix – P soybean seeds and the effect of its growth, plant development, and also the yield of soybean seeds in the medium saline soils of the Khorezm region.

Key words: soybean, variety, nitragin, nodules, plants, seeds, soil, saline.

КИРИШ

Республикада демографик муаммолар ва дунёда кузатилаётган глобал исиш жараёни мамлакат деҳқончилигида экиладиган экинлар турини танлаб экишни такозо қилмоқда. Аҳолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш бугун кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, ўртача шўрланган тупроқларда инсонларнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган ва кун сайин структураси ёмонлашиб бораётган тупроқ унумдорлигини шу ҳолатида сақлаб қолиши мумкин бўлган ўсимликларни танлаб экиш пайти келди. Хоразм вилоятининг тупроқларида Орол денгизининг қуриб бориши сабабли хлорли, сульфатли тузлар миқдори ошиб бормоқда.



Тупроқда туз микдорининг кўпайиб бориши туфайли йиллар давомида экилиб келинаётган экинлар ҳосилдорлиги камайиб бормоқда. Маданий экинлар ҳосилдорлигининг камайиши тупроқдаги тузларнинг таркибига боғлиқ. Тупроқ таркибидаги тузлар ўсимликларнинг хужайраларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Масалан, хлорли тузлар билан шўрланган ерларда ўсимликларда галоссуккулентлик аломати ривожланади, яъни ўсимлик хужайраси йириклашади, қуёшдан органик моддаларни ўзлаштирувчи барглари юзаси қалинлашади, баргда томирлар сони камаяди, натижада ўсимликларнинг сув сўриш ва ажратиш жараёни сусаяди. Агар тупроқда сульфатли тузлар кўпайган бўлса, ўсимликда хужайралар кичиклашади, барг юзасида томирлари кўпаяди, натижада транспирация интенсивлиги ортади. Тупроқда тузларнинг кўпайиб бориши натижасида сув сарфлаш қобиляти бузилади, бунинг оқибатида ўсимликда борадиган фотосинтез жараёни ўзгаради. Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг қуриган юзасидан учиб, яқин атрофга тарқалаётган тузлар жуда тезлик билан унумдор, юқори ҳосил берадиган экин майдонларини яроқсиз ҳолга олиб келмоқда. Хоразм вилоятининг тупроқлари энг қадимги деҳқончилик маркази ва агрокимёвий таркиби билан юқори сифатли маҳсулотларни инсониятга етказиб берганлиги ҳақида академик Н.И. Вавилов [2] ўзининг «Беш қитъа» китобида Хоразмда бўлгани ва қадимги деҳқончилик тарихи ҳақида ёзиб қолдиради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг барча тупроқлари ўртача ва кучли шўрланган тупроқлар гуруҳига кириб, айрим майдонлар мутлақо маданий экинларни экишга яроқсиз ҳолга келган. Соя ўсимлигининг тупроқ унумдорлигига ижобий таъсири борлиги учун вилоятда ушбу ўсимлик навларининг тупроқда биологик азот тўплашини аниқлаш мақсадида уруғлар орқали тупроққа азот тўпловчи бактериялар киритишга ва тупроқдаги микробиологик жараёнларни биров бўлса ҳам яхшилашга уриндик. Л.М. Доросинский маълумотига кўра, тугунак бактериялар ўсимлик пишиб етилган пайтда секин-аста тупроққа ўтади ва ўзлари сапрофит ҳолда яшай бошлайди. Тупроқда ушбу бактериялар ўз «эгасини», яъни соя бактериялари сояни, нўхат бактериялари нўхат ўсимлигини кутади, уларнинг ўз асл «эгалари» келмаса, секин-аста ҳалок бўла бошлаган. Академик Д.Н. Прянишников дуккакли экинларни беминнат қуёш энергиясидан фойдаланиб, азот етказиб берадиган заводга тенглаштиради.

Биз Хоразм вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида маҳаллий ва хориждан келтирилган ўртапишар соя навлари уруғларини нитрагин штамми билан ишлаб, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўргандик. Тажрибаларда Қозоғистон селекциясига оид ўртапишар «Эврика»,

Краснодар селекциясига оид «Селекта», маҳаллий соя навларидан «Парвоз» ва стандарт нав сифатида «Нафис» навлари ўрганилди.

Тажрибалар Хоразм вилояти Пахтачилик тажриба қўрғони далаларида олиб борилди. Тажрибалар тўрт қайтариқли, икки ярусли бўлиб, соя навларини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатишлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы изучения биологический фиксации азота воздуха» каби услубий қўланмалар асосида кузатишлар бажарилди.

Соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва юқори ҳосил беришида тупроқ таркибидаги тузлар таъсирининг ўзига хос жиҳатларини бир қатор олимлар, хусусан, Россияда С.В. Зеленцов, Е.В. Мошненко, В.Ф. Кузин, В.С. Петибская, И.В. Шведов, Ўзбекистонда Д.Ё. Ёрматова, Х.Н. Атабаева, Тожикистонда Р.С. Мирзоев ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг фикрича, тупроқ таркиби ва ризобиум бактериялари соя навларининг фенологик фазалари шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳар бир нав учун маълум тупроқ – иқлим шароити унинг ўсиш даври давомийлигидан келиб чиқиб белгиланади. Тажрибаларимиз кўрсатишича, хорижда яратилган ўртапишар навлар бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизда ўсиб-ривожланиши ва ҳосили пишиши учун зарур бўлган фойдали ҳароратни тўплаши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нав ўсиб, ҳосил бергунча маълум миқдорда фойдали ҳароратни олиши зарур.

«Нафис» ва «Парвоз» нави ўртапишар бўлиб, бу навларнинг униб чиқиб донининг пишиб етилиши учун ўсиш даврида 2200–2300°C ҳарорат зарур. Республикамизда асосий муддатларда экиш учун яратилган «Парвоз» ва стандарт нав сифатида «Нафис» навлари, Краснодардан келтирилган ўртапишар «Селекта 302» ва «Эврика 357» навлари Россиянинг жанубий, иқлими иссиқ ҳудудлари учун мўлжалланган бўлиб, аслида ўртапишар, аммо бизнинг шароитда самарали ҳароратни тезда олгани учун асосий ва такрорий экилганда ўсиш даври 10–12 кунга қисқариб борди.

Хоразм вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида соя навларини нитрагин штамми билан ишлаб экиш борасида тажрибалар деярли олиб борилмаган. Тажрибада ўртача шўрланган тупроқларда Нитрофикс-П штаммининг қўлланилиши соя навларининг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Соя навларини экиш 2018–2019 йил баҳорида ўтказилиб, экишдан олдин соя уруғлари нитрагин штамми билан ишланди. Бунинг учун бир гектарга экиладиган соя уруғига 200 грамм нитрагин штамми аралаштирилиб, 1 литр сувда эритилди ва қуёш тушмайдиган салқин жойда бир-бир ярим соат давомида ўраб қўйилди. Нитрагин штамми билан ишланган соя уруғига қуёш нури тушмаслиги лозим, акс ҳолда *rizobium*



japonika бактериялар нобуд бўлади. Чунки шўрланган тупроқларда соя илдизларида азот тўпловчи тугунаклар ҳосил бўладими-йўқми, бу ҳақда маълумот йўқ эди. Вилоятнинг тупроқлари шўрланганлиги ҳисобга олиниб, биологик азот тўпловчи тугунаклар ҳосил бўлиши тажрибада аниқланди. Тажрибаларимизда кузатишлардан маълум бўлдики, соя илдизларида соя майсалар униб чиққанидан кейинги 12–14 кунда соя илдизларида дастлабки тугунакларнинг ҳосил бўлиши маълум бўлди.

Ўсимлик шохлаш фазасига кирганида илдизларда тугунаклар сони 6–8 донагача бўлди. Дастлаб илдизда озгина шиш пайдо бўлади, кейинчалик эса шу шишган жойдан тугунак шаклланади. Тажрибамиз давомиданавларнинг илдизларида тугунакларнинг жойлашиш географияси, яъни илдизнинг вертикал ва горизонтал қисмларида қанча яқинликда жойлашиши ўрганилди.

Маълум бўлишича, тугунаклар асосан соя илдизидан 12–15 см чуқурликда ҳосил бўлди. Ўсимлик илдизлари тупроқнинг пастки қатламига тушгани сари тугунаклар сони камайиб борди, яъни 20–23 см да тугунаклар сони 3–4 тани ташкил этса, 23–28 см да 1–2 дона тугунак шаклланганлиги маълум бўлди. Илдиздаги тугунаклар ён томонга қараб тарқалишини ўрганганимизда яна бошқача ҳолатга дуч келинди. Дастлабки ривожланиш фазаларида соя ўсимлигини суғоришда ҳар бир қаторда сув қўйилди, аммо гуллаш фазасидан бошлаб жўяклардан бир қатор ташлаб суғорилди. Соя илдизларида дастлаб тугунаклар сони ҳар икки томонида бир хил 5–8 тадан ҳосил бўлган эди. Гуллаш фазасидан бошлаб тугунакларнинг шаклланиши бир томонлама бўлиб қолганлиги маълум бўлди. Шу ўринда «Селекта 357» навида ҳосил бўлган тугунакларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишига эътибор қаратсак. Соя навлари илдизидан тугунаклар сони 34–56 тагача бўлди, лекин сув қўйилган жўяк томонда тугунаклар кўпроқ ривожланди, сув оқмаган томонда соя навлари илдизларида тугунаклар сони кам ҳосил бўлди. «Селекта» нави илдизларида тугунаклар бир томонлама ҳосил бўлгани тугунаклар тупроқнинг намлик юқори бўлган томонидагина яхши шаклланиши маълум бўлди. Яъни асосий илдиздан сув оққан томонга шаклланиш ёки илдизлар асосан бир томонлама ҳосил бўлган. Ён илдизлар фақат бир томонга қараб ўсди. Тугунакларнинг ҳажми ҳар хил катталиқда бўлди, айримлари нўхатдек бўлса, айримлари мошдек, аммо тугунаклар асосан 0–22 сантиметрли қатламда ҳосил бўлган.

Соянинг тўрт нави уруғига Нитропикс-П штаммини қўлламасдан экилганда, бу майдонларда бир дона ҳам тугунаклар ҳосил бўлмади. Бунга сабаб соя вилоят дехқончилигида янги ўсимлик бўлгани учун тупроқда доимий ҳолда *rizobium japonika* бактериялари учрамайди. Соя донларини экишдан олдин штамм орқали бактериялар тупроққа киритилади ва улар қулай шароитда тупроқда 15–17 йилгача сақланиб қолади.

Соя навлари илдизларида ҳосил бўлган тугунакларни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, Нитропикс-П штамми ҳар хил соя навида турлича миқдорда тугунаклар ҳосил қилди. Шохлаш фазасида илдизларда вертикал ҳолатда тугунаклар сони 5–7 дона бўлса, горизонтал илдизларда тугунаклар сони 3–5 донагача бўлди. Тугунаклар соя навлари илдизларида гуллаш фазасининг охиригача ҳосил бўлди, бу вақтда бир туп ўсимлик пишиш фазасига келганда соя навлари илдизларида тугунаклар сониди катта ўзгариш сезилмади. Гуллаш фазасининг охири ва пишиш фазасида тугунаклар сониди ўзгариш 3–5 донага ошганлиги маълум бўлди. Соя навлари ҳосилдорлиги гектарига «Нафис» навида 23,7, «Парвоз» навида 36,8, «Селекта – 302» навида 27,2 ва «Эврика – 357» навида дон ҳосилдорлиги 29,3 центнерни ташкил қилган.

Соя навлари уруғлари нитрагинланганда илдизларида тугунакларнинг ҳосил бўлиши (2018–2019 йй.)

Соя навлари	Шохлаш фазасида			Гуллашнинг боши		Гуллашнинг охири		Пишиш фазаси
	Вертикал	Горизонтал	Вертикал	Горизонтал	Вертикал	Горизонтал	Вертикал	Горизонтал
Нафис – st	5	3	13	6	21	10	26	14
Парвоз	7	4	15	9	29	16	31	19
Селекта – 302	7	5	14	8	22	14	26	17
Эврика – 357	6	4	14	7	24	14	27	14
Нитрагинсиз экилганда тугунаклар ҳосил бўлмади								

Ўрганилган соя навларидан «Парвоз» нави энг серҳосил эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Соя ўсимлиги илдизларида тугунакларнинг ҳосил бўлиши биологик жиҳатдан ижобий ҳисобланади, чунки барча дуккакли ўсимликларга хос равишда гуллаш фазасидан бошлаб, ўзини азотли ўғит билан таъминлайди ва кейинги йил экиладиган экин учун ҳам тупроқда маълум миқдорда азот қолдириб кетади. Олимларнинг фикрича, соядан кейин экилганда пахтанинг ҳосили 6–7 центнер, ғаллада 8–10, картошкада 35–37 центнерга ошганлиги маълум бўлган.

Хулоса ўрнида айтганда, соя оқсили, мойи ҳамда изолятидан республикада қайта ишлаш саноатида экологик тоза бир қатор маҳсулотлар тайёрланиши мумкин ва ушбу маҳсулотлар сифатли ва оқсилли бўлиб, инсон соғлиги учун зарарли моддалар сақламайди. Сояли маҳсулотларни кўпайтириш инсонларни экологик тоза озиқ-овқатлар билан таъ-



минланишига олиб келади, аммо бу борада янги технологиялар ва инвестициялар олиб кириш, озиқ-овқат саноатини арзон хомашё билан таъминлашга эришиш борасида катта изланишлар олиб бориш зарур.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Вавилов Н.И.* Пять континентов. – М.: Наука, – 1988.
2. *Ёрматова Д.Ё.* Мойли экинларни етиштиришнинг инновацион технологияси. Тошкент. Фан ва технология. 2019 й. 96 б.
3. *Доросинский Л.М.* Повышение продуктивности бобовых культур и улучшение их качества. // Минеральный и биологический азот в земледелии СССР. – М: Наука. – 1985 г. – С.142–150.
4. *Мирзоев Р.С.* Сезонные изменения интенсивности фотосинтеза различных генотипов сои. Тезисы докладов IV республиканской конференции. Баку, 1988 г. – С. 78.

МИРЗАЧЎЛНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ОҒИР ГИПСЛИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ

Махкамова Дилафруз Юлдашевна,
тадқиқотчи.
Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация

Ушбу мақолада турли даражада шўрланган тупроқларда микробиологик фаолликнинг мавсумий ўзгариши ўрганилган, микроорганизм гуруҳининг юқори миқдори кам ва ўртача шўрланган, кам миқдори эса юқори шўрланган тупроқларда эканлиги аниқланган. Микроорганизмларнинг баҳор фаслида ортиб бориши, ёз фаслида камайиши ва куз фаслида ортиши қайд қилинди.

Таянч сўзлар: тупроқ, шўрланиш, гипс, микроорганизм, мелиорация, биологик фаоллик, мавсумий динамика.

Аннотация

В данной статье исследуются сезонные колебания микробиологических процессов в почвах с разным типом засоления. Зимой наблюдалось увеличение количества микроорганизмов в почве, летом – уменьшение, а осенью – вновь увеличение.

Ключевые слова: почва, засоление, гипс, микроорганизм, мелиорация, биологическая активность, сезонная динамика.

Abstract

This article examines the seasonal variations in microbiological activity in various saline soils with a high content of microorganisms in soils with low and medium salinity. An increase in the number of microorganisms was observed in spring, a decrease in summer and an increase in autumn.

Key words: soil, salinization, gypsum, microorganism, reclamation, biological activity, seasonal dynamics.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёда гипсли тупроқлар 66 560 км² майдонни, шундан Африкада 5 774 км² (54,6 %), Марказий Осиёда 16 616 км² (25,3%), Европада 230 км² (0,4%), Америкада 78 км² (0,1%) ни ташкил этади. Гипсли тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва тупроқ қопламани ҳимоя қилиш эса, ўз навбатида, илмий асосланган ҳолда иш юритишни тақозо этади. Ушбу ер майдонларининг катта қисми мелиорация нуқтаи назаридан ишлов бериш қийин бўлган, яъни таркибида гипс мавжуд бўлган тупроқ тоифасига киритилади. Тупроқнинг гипсланиши ерларнинг



қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқсиз ҳолга келиш муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида, жумладан, унумдорлиги паст, мелиоратив ҳолати оғир тупроқларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, сўнги йилларда 240 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқишни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу борада тупроқдан оқилона фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан экологик соф мўл ҳосил олишда тупроқнинг биологик хоссаларини илмий асосланган ҳолда иш юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда гипсли тупроқнинг генезиси (келиб чиқиши), хосса-хусусиятларини аниқлаш ва гипсли тупроқнинг миқдорини ўрганиш бўйича устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: суғориш жараёнида тупроқ қопламида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш; гипсли тупроқни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаган ҳолда тупроқда бўладиган салбий таъсирни бартараф этиш; тупроқдаги гипс миқдори, гипсли қатламнинг жойлашиш чуқурлиги ва қалинлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиш ва ривожланишига таъсирини камайтириш технологиялари устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сонли «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4974-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақоладаги илмий натижалар муайян даражада хизмат қилади. Маълумки, тупроқ унумдорлиги ошишида ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида иштирок этувчи микроорганизмларнинг аммонификатор гуруҳлари катта роль ўйнайди. Бунда, айниқса, ўсимликларнинг ўсиши ва тупроқ унумдорлигининг ошиши учун зарур бўлган озиқа моддаларининг ҳосил бўлиш жараёнлари муҳим хи-

собланади. Микроорганизмлар миқдори бўйича ўрганилган тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини ва унда кечаётган биологик жараёнлар йўналишини тавсифлаш мумкин.

Гипсли тупроқнинг биологик фаоллигидан олинган маълумотлар келгусида қиёсий таққослаш, бундан ташқари, гипсли тупроқ деградацияси индикатор кўрсаткичларини ўрганиш, гипсли тупроқдан тўғри фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Тадқиқотнинг мақсади. Унумдорлиги паст, мелиоратив ҳолати оғир гипсли тупроқнинг биологик фаоллигининг мавсумий динамикасини комплекс равишда аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида тарқалган турли даражада гипсли бўз, ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ ва шўрхоқ ер танланган.

Тадқиқот усуллари. Жиззах вилояти Зарбдор тумани ҳудудида тарқалган гипсли-шўрланган ернинг 0–15, 15–30 ва 30–50 см қатламида таркибида азот ва углерод тутувчи моддаларнинг парчаланиши ва ўзгаришида иштирок этувчи бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар миқдорий жиҳатдан ўрганилди. Бунда микробиологик таҳлилларни амалга ошириш учун тупроқ синов намуналари белгиланган чуқурликлардан олинди.

• Гўшт – пептонли озуқа муҳитида органик шаклдаги азотни ўзлаштирувчи микроорганизмларнинг (аммонификаторлар) умумий миқдори;

• Крахмал – аммиакли озуқа муҳитида актиномицетлар миқдори;

• Чапек озуқа муҳитида микроскопик замбруғлар миқдорини аниқлаш;

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Микроорганизмлар табиий муҳит таркибида барча жойларда учрайди, бироқ нисбатан кўп миқдорда тупроқнинг юқори қатламларида ҳаёт кечериши қайд қилинади. Тупроқ таркибида бактерия ҳужайраларининг ўртача оғирлик миқдори $7-9 \cdot 10^{14}$ г ни ташкил қилишига қарамадан, уларнинг биомассаси 1 гектар майдонга 3–5 ц миқдорида баҳоланади, маданийлаштирилган тупроқ қатлами таркибида 2–5 т микроорганизмлар мавжудлиги қайд қилинади [2, 3].

Тадқиқот иши амалга оширилган Зарбдор туманидаги гипсли тупроқнинг табиий шароитларини тавсифлашда ушбу ер кимёвий, агрокимёвий ва физик кўрсаткичлари бўйича бўз тупроқли минтақадан кескин фарқланиши келтирилган. Жумладан, бу ҳудудда чегаравий даражадаги ноқулай иқлим шароитлари – яъни, ёз фаслида ҳароратнинг юқори бўлиши, ҳавонинг нисбий намлиги даражаси пастлиги, тупроқдан намликнинг буғланиш даражаси юқорилиги ва тупроқ таркибида органик моддалар миқдорининг камлиги таъсирида ушбу тупроқнинг микробиологик фаоллиги даражасининг паст бўлиши қайд қилинади. МПА озиқа муҳитида ўстирилган





шароитда аммонификацияловчи бактериялар нисбатан кўп миқдорда бўз тупроқли қатламда қайд қилинади ва уларнинг сон миқдори миллионлар билан ўлчанади.

Шунингдек, баҳор фасли давомида тупроқ таркибида аммонификаторлар сон миқдори нисбатан юқори бўлиши қайд қилинади, бунда уларнинг сон миқдори 600 000 дан 1800 000/1 г гача бўлиши аниқланди, ёз фаслида эса – яъни, ҳаво ва тупроқ ҳароратининг қиймати ортиши билан, бу кўрсаткич қиймати 500 000–1710 000/1 г гача камайиши кузатилди, нихоят, куз фаслида ёмғир ва тупроқ қатламига ўсимликларнинг янги қолдиқлари тушиши ҳисобига уларнинг сон миқдори яна қайтадан 1 г тупроқда 550 000 тадан 1780 000 тагача кўпайди. Ўрганиб чиқиладиган микроорганизмлар гуруҳи сон миқдори бўйича иккинчи ўринни бўз-ўтлоқ тупроқ эгаллайди. Бу тупроқ қатлами таркибида ушбу микроорганизмларнинг сон миқдори тупроқ кесимининг юқори қисмида юқори чегаравий даражада 760 000–1500 000/1 г ни ташкил қилди, шунингдек, энг пастки қиймати 300 000–550 000/1 г га тенг. Бунда ўрганиладиган бактериялар сон миқдори қонуният тарзида тупроқ қатламида чуқур қатламларга томон камайиб боради, яъни уларнинг сон миқдори тупроқнинг юқори қаватлари (0–15 см) таркибида нисбатан кўп миқдорда бўлиши ва пастки қаватлари (15–30, 30–50 см) таркибида сезиларли даражада камайиши кузатилди.

Тупроқ кесими бўйлаб аммонификаторларнинг бу кўринишдаги тақсимланиши, биринчи навбатда, тупроқда азот тутувчи органик моддаларнинг миқдори ва ўсимликлар қолдиқлари миқдори ўзгариши билан боғлиқ. Ушбу нуқтаи назардан, таркиби камбағал ҳисобланган тупроқлар – ўтлоқ-шўрҳок гипс миқдори ўртача тупроқ бўлиб, унинг таркибида юқори қатламларда аммонификатор микроорганизмларнинг сон миқдори 230 000 дан 420 000/1 г гача оралиқда тебранишга эгаллиги, тупроқнинг пастки қатламларида эса камайиб бориши ва 100 000–290 000 дан 60 000–90 000/1 г гача миқдорни ташкил қилиши аниқланди.

Таркибида аммонификатор бактерияларнинг сон миқдори бўйича оралиқ ҳолатни гипс миқдори ўртача – ва кучли ўтлоқ тупроқ эгаллайди. Ушбу тупроқ кесимида уларнинг сон миқдори 220 000 дан 670 000/г гача оралиқда тебранади. Шунингдек, аммонификатор бактерияларнинг сон миқдори баҳор фаслида нисбатан энг юқори қийматда бўлиши, аксинча ёз фасли давомида нисбатан кам миқдорда бўлиши кузатилди (1-диаграмма).

Тупроқ таркибида актиномицетларнинг ривожланиши таҳлил қилинадиган тупроқнинг минерал озика элементлари билан таъминланиши, шўрланиш даражасига боғлиқ равишда ўзгариши, трансформацияланиш жараёнида иштирок этиши, турли хил ферментлар, биологик фаол моддаларни синтезлаши аниқланган.



1-диаграмма. Жиззах чўли худудида тарқалган тупроқ қатламида аммонификацияловчи бактериялар сон миқдорининг мавсумий динамикаси

Тупроқ таркибида намлик миқдорининг минимал даражада бўлиши шароитида, яъни бактерияларнинг фаоллиги тўхташи қайд қилинувчи шароитда актиномицетлар ҳаёт фаолияти давом этади. Кўпгина тадқиқотчилар томонидан келтирилган маълумотларга кўра, актиномицетлар ёз фаслида ҳам жуда яхши ривожлана олади.


Ўрганилган тупроқ қатламларида актиномицетларнинг сон миқдори таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, уларнинг сон миқдори аммонификаторларга нисбатан солиштирилганда сезиларли даражада кам бўлади.

Бўз ер қатлами таркибида актиномицетларнинг сон миқдори 1 грамм тупроққа нисбатан 60 000 дан 180 000 тани ташкил қилди. Ушбу микроорганизмларнинг сон миқдори қиймати бўйича иккинчи ўринни бўз-ўтлоқи тупроқ эгаллайди, яъни бунинг таркибида уларнинг сон миқдори максимал даражада 1 грамм тупроққа нисбатан 50 000 дан 150 000 донагача, минимал қийматда эса – 14 000–80 000/1 г ни ташкил қилди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, ўрганилган тупроқда актиномицетларнинг сон миқдори бошқа микроорганизмлар турлари каби тупроқнинг юқори горизонтдан пастки чуқур горизонтга томон йўналишда камайиб боради.

Ўтлоқи-шўрҳок, гипс миқдори ўртача тупроқ таркибида актиномицетлар энг кам миқдорда бўлиши аниқланди, яъни юқори қатлами таркибида уларнинг сон миқдори 31 000 дан 52 000/1 г гачани ташкил қилади ва тупроқ кесими бўйлаб чуқур қатламларга томон ҳаракатланиш давомида 4000–20 000/1 г гача камайиб бориши аниқланди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, ўтлоқи-шўрҳок, гипс миқдори ўртача тупроқнинг пастки қаватлари (30–50 см) таркибида кўрсатиб ўтилган ушбу микроорганизмлар гуруҳи аниқланмади, эҳтимол, бу ҳолат уларнинг ташқи муҳитнинг экстримал шароитларига (тузларнинг юқори даражада бўлиши, намлик миқдори паст бўлиши, ҳароратнинг кўтарилиши ва

бошқ.) нисбатан юқори даражада сезгирликка эгалиги билан боғлиқ бўлиши мумкин (2-диаграмма).



2-диаграмма. Жиззах чўли тупроғи таркибида актиномицетлар сон миқдорининг мавсумий динамикаси



Олинган натижаларнинг кўрсатишича, тупроқ таркибида актиномицетларнинг сон миқдори гипс даражасига, тупроқ горизонтларининг жойлашиш чуқурлигига, йил мавсумларига боғлиқ бўлади. Жумладан, актиномицетлар бўз тупроқ таркибида нисбатан кўп миқдорда бўлиши аниқланди, бу ҳолат ушбу тупроқда гумус ва озика элементларининг нисбатан кўп бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тупроқ замбуруғлари нафақат тупроқ қатламида амалга ошувчи биологик жараёнларда сезиларли даражада роль ўйнайди, балки ўсимликлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Замбуруғлар флорасининг табиат ва одамнинг хўжалик фаолиятидаги аҳамияти ҳам катта ҳисобланади.

Тупроқ замбуруғлари кўп миқдорда доривор моддаларни, яъни антибиотиклар, ферментларни синтезлайди, бу моддалар ҳайвонлар ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг бир қатор касалликларига қарши даволовчи таъсир кўрсатиши аниқланган. Тупроқ замбуруғларини ўрганиш илмий жиҳатдан уларни тушунишдан ташқари, амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Замбуруғлар метатроф сапрофит ўсимликлар бўлиб, ўсимликлар ва ҳайвонлар организми томонидан синтезланган, тайёр ҳолатдаги органик моддалар билан озикланади.


Микромицетларнинг бўз, гипс миқдори кучсиз ва бўз-ўтлоқи тупроқ таркибида нисбатан кўплиги қайд қилинди. Жумладан, бўз, гипс миқдори кучсиз тупроқ таркибида микромицетларнинг сон миқдори 62 000 дан 82 000 /1 г ни ташкил қилиши аниқланди, шунингдек, бўз-ўтлоқи тупроқ таркибида уларнинг сон миқдори бироз паст бўлиши, яъни 60 000 дан 75 000/1 г ни ташкил қилиши қайд қилинди. Ушбу кўрсаткич қиймати бўйича навбатдаги ўринни ўтлоқи тупроқ эгаллайди, яъни бу тупроқ таркибида уларнинг сон миқдори 35 000 дан 50 000/1 г ни ташкил қилди. Микромицетлар сон миқдори бўйича энг камбағал тупроқ сифатида ўт-

локи-шўрхоқ, гипс миқдори ўртача тупроқ аниқланиб, унинг қатлами таркибида ҳар 1 грамм тупроққа нисбатан микромицетларнинг сон миқдори 3 000 дан 30 000 донагача оралиқни ташкил қилиши аниқланди, бунда тупроқнинг чуқур қатламларида микромицетлар учрамаслиги кузатилди (3-диаграмма).

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, тупроқ қатлами таркибида микромицетларнинг сон миқдори тупроқнинг типига, гипс миқдорига, шунингдек, тупроқ горизонтининг жойлашиш чуқурлигига боғлиқлиги аниқланди.



3-диаграмма. Жиззах чўли тупроғида микромицетларнинг сон миқдорининг мавсумий динамикаси



1-расм. Тупроқда микроорганизмларнинг қатор физиологик гуруҳларини лаборатория шароитида олинган натижаларининг фотолавласи

Жумладан, микромицетлар шўрланмаган бўз тупроқ қатламида энг кўп миқдорда бўлиши аниқланди, эҳтимол, бу ҳолат ушбу тупроқ таркибида гумус ва озика элементлари миқдорининг нисбатан кўплиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, амалга оширилган микробиологик таҳлиллар натижаларининг кўрсатишича, ўрганилган тупроқларда гипс миқдори, шўрланиш даражаси тупроқнинг микробиологик фаоллиги даражасига таъсир кўрсатади. Гипс миқдори кучсиз, шўрланмаган, бўз тупроқда гипс миқдори ўртача ва кучли, турли даражада шўрланишга эга бўлган ўтлоқи тупроқ, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-шўрҳок тупроққа нисбатан солиштирилганда микроорганизмларнинг фаоллик даражаси юқори бўлиши кузатилди. Шунингдек, ўрганилган тупроқларнинг таркиби гумус ва озика элементлари миқдори бўйича ҳам камбағал тавсифга эга бўлиб, ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, биологик фаоллик даражаси ҳам паст ҳисобланади. Барча ўрганилган тупроқ қатламларида микроорганизмлар нисбатан кўп миқдорда тупроқлар юқори горизонтида қайд қилинди, пастки горизонт томон уларнинг сон миқдори кескин тарзда камайиб боради.

Ўрганилган микроорганизмлар гуруҳлари ичида аммонификаторларнинг устунлиги кузатилди, сон миқдори бўйича иккинчи ўринни актиномицетлар ва замбуруғлар эгаллади. Микроорганизмлар миқдорининг йил мавсумлари, тупроқ типчалари ва қатлам чуқурлиги бўйича ўзгаришини тупроқда намликнинг етарли эмаслиги ҳамда органик моддаларнинг профил бўйлаб кам тўпланиши билан изоҳлаш мумкин.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т: «Маънавият», 2017.

2. Вальков В.Ф., Казадаев А.А., Гайдамакина Л.Ф. и др. Биологическая характеристика чернозема обыкновенного//Почвоведение. – 1989. – № 7. – С. 64–69.

3. Вальков В.Ф., Казиев К.Ш. и др. Почвоведение. – М.: Ростов-на-Дону, – 2006. – С. 495.

4. Гафурова Л.А., Саидова М.Э. Почвы Приаралья и их биологическая активность: Монография. – Ташкент, 2015. – С. 53–54.

5. Гафурова Л., Ахмедов А., Ямнова И., Рамазанов А. – Особенности засоления гипсированных почв подгорной равнины Голодной степи. // «Вестник аграрной науки Узбекистан», № 1–2. – Т., 2007. – С. 24–29.

6. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие. – Т.:, 1995. – С. 331–351.

БЕНТОНИТ ЛОЙҚАСИ ҚЎЛЛАШНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*Акрамова Мохинур Музаффар қизи,
талаба.*

*Тошкент давлат аграр университети
Андижон филиали*

*Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича
устувор вазифа – аввало, ер ва сув ресурсларидан
оқилона фойдаланишидир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аннотация

*Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида, уруғ экиш-
дан олдин, ҳайдов остига калий ва фосфор маъданли ўғитлар билан
бирга 1500-3000-4500 кг/га миқдорда бентонит лойқаси қўлланилиб,
кузги буғдойнинг маъдан ўғитлар меъёрларига ҳамда сугориш тартиби-
га бўлган талаби ўрганилди.*

Калит сўзлар: *типик бўз тупроқ, кузги буғдой, бентонит лойқаси,
маъданли ўғитлар, тупроқ намлиги, ЧДНС, вегетация даври, униб чиқиш,
кўчат қалинлиги, умумий поя, маҳсулдор поя, дон ҳосили.*

Аннотация

*В статье изучена потребность озимой пшеницы в минеральном пи-
тании через внесение калийных и фосфорных удобрений вместе с бен-
тонитовой глиной в количестве 1500–3000–4500 кг/га в период орошения в
условиях типичных серозёмных почв Ташкентской области.*

Ключевые слова: *типичные серозёмные почвы, озимая пшеница, бен-
тонитовая глина, минеральные удобрения, влажность почвы, предель-
но-полевая влагоёмкость, вегетационный период, всхожесть, густота
посадки, общее количество стеблей, плодородные стебли, урожаем зерна.*

Abstract

*The article studies need of winter wheat to the norms of mineral fertilizers
and the irrigation regime for the INTRODUCTION of potash and phosphorus
fertilizers together with bentonite clay in the amount of 1500-3000-4500 kg /
ha, under plowing before sowing seeds, in conditions of typical serozem soils
of the Tashkent region was studied.*

Key words: *typical sierozem soils, winter wheat, bentonite clay, mineral
fertilizers, soil moisture, maximum field moisture capacity, vegetation period,
germination capacity, stand density, total number of stems, productive branches,
grain yield.*



КИРИШ

Кузги буғдой ўсимлиги етиштириладиган тупроқ иқлим шароитига, маҳаллий ва минерал ўғитларга ҳамда намликка талабчан экин ҳисобланиб, унинг потенциал ҳосилдорлиги, етиштириладиган шароитларга ҳамда қўлланиладиган агротехнологияларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради, аммо ҳосилдорликни белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу экиладиган уруғнинг сифати ва унувчанлиги, экиш муддати ва меъёри, тупроқнинг унумдорлик қобилияти ва мелиоратив ҳолати, кўчат қалинлиги ҳамда маҳсулдор поялар сонидир.

Бугунги кунда маҳаллий ўғитларнинг тўлақонли етишмовчилиги сабабли, тупроқ унумдорлиги пасайиб, мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда, аммо кузги ҳайдов остига маҳаллий ўғитлар ўрнини босувчи ноанъанавий агрорудаларни ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитида, ҳар хил меъёрларда қўллаш ўзининг яхши натижаларини бермоқда.

Ноанъанавий агрорудалар таркибида кўплаб микроэлементлар борлиги туфайли тупроқнинг озика унсурларга бўлган танқислигини маълум даражада тўлдириб, тупроққа солинган минерал ўғитларнинг ўсимлик томонидан яхши ўзлаштирилишига ёрдам бериши билан бирга тупроқ ва ўсимлик ўртасида катализатор вазифасини бажаради.

Шу ўринда етакчи олимлар Р.С. Назаров, Д.А. Тунгушова, Л.Н. Слесарова, Е.М. Белоусов ва С.О. Абдурахмонов, С.М. Болтаев ноанъанавий агрорудалардан – фосфорит, бентонит ҳамда глауконит қумларини тупроққа солиш, тупроқнинг агрофизик хоссалари яхшиланишига, тупроқ унумдорлиги сақланишига ва шу билан бирга, ғўза ўсимлигининг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир этиб, ҳосилдорликни 6,3 центнергача, қўлланиладиган минерал ўғитлар миқдорини эса 25% гача, сарфланадиган сув меъёрини эса 850 м³/га гача камайтириш имкони борлиги ҳақида хулосалар беришган. Аммо Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бентонит лойқасини ғалла экиладиган майдонларга ҳар хил меъёрларда ҳайдов остига қўллаб, унинг кузги буғдойдаги самарадорлиги тўлалигича ўрганиб чиқилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бентонит лойқаси ҳар хил меъёрларда ҳайдов остига қўлланилганда, кузги буғдойнинг минерал ўғитлар меъёрларига ҳамда суғориш тартибларига бўлган талабини ўрганиб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Тадқиқотда С.Болтаев, А.Хайитмуродов, Н.Ибрагимов, Ш.Ҳакимов, Л.Мирзаевнинг мақолалари ва илмий ишланмаларидан фойдаланилди. Тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил методлари қўлланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқотлар Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба даласида, типик бўз тупроқ шароитида 2009–2012 йиллар давомида ўтказилди.

Тажриба тизими 16 та вариант, 3 такрорланишда, бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида экинлар қатор оралиғи 60 см, эгат узунлиги 100 м. Ҳар бир бўлакчалар майдони 480 м², ҳисобга олинди-ган майдон 240 м². Тажрибанинг умумий майдони 2,5 гектарни ташкил қилади.

Тажриба тизими

№	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %.		Ўғитларнинг йиллик миқдори. кг/га			
			Бентонит лойқаси	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
1.	60–70–60	70–80–70	–	200	140	100
2.			–	150	105	75
3.			1500	200	140	100
4.			1500	150	105	75
5.			3000	200	140	100
6.			3000	150	105	75
7.			4500	200	140	100
8.			4500	150	105	75

Эслатма: Тажриба тизимида кўрсатилган бентонит лойқалари меъёрлари ҳар йили 1:1 (ғўза:буғдой) тизимда экиш олдида хайдов остига солинади ҳамда таъсири вегетация даври давомида ўрганилади.

Кузги буғдойнинг униб чиқиши кўп жиҳатдан намликка ҳамда қўлланилган озиқа унсурларга боғлиқдир.

Кузги буғдойни бентонит лойқаси ва маъдан ўғитлар меъёри ҳамда суғориш тартибига бўлган талабини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлардан олинган маълумотларда ҳам юқорида кўрсатилган қонуниятлар ўз исботини топди.

Жумладан, тажрибанинг 2009–2010 йилги вегетация даврида олинган маълумотларга қараганда, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N₂₀₀P₁₄₀K₁₀₀ кг/га меъёрлари қўлланилиши белгиланган назорат 1-вариантида кўчатларнинг униб чиқиши 1 м² да ўртача 317 донани кўрсатган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган 3–5–7-вариантларда бу кўрсаткич ўртача 332–347–354 донага тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 15–30–37 дона кўчат кўп униб чиққанлиги маълум бўлди.



Шу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилиши белгиланган назорат 2-вариантда кўчатларнинг униб чиқиши 1 м^2 да ўртача 292 донани қайд этиб, бу кўрсаткич ушбу маъданли ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда кўчатларнинг униб чиқиши 325–344–351 дона кўрсатиб, назорат вариантыга нисбатан униб чиққан кўчатлар сони 33–52–59 донага юқори эканлиги кузатилди.


Суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрлари қўлланилиши белгиланган назорат 9-вариантда кўчатлар 1 м^2 да ўртача 325 дона униб чиққанлиги аниқланган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган 11–13–15-вариантларда 341–354–360 дона кўчатлар униб чиққанлиги қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан униб чиққан кўчатлар сони 16–29–35 донага юқори эканлиги аниқланди.

Шу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитлар $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилиши белгиланган назорат 10-вариантида кўчатларнинг униб чиқиши 1 м^2 да ўртача 302 донани кўрсатган бўлса, бу кўрсаткич ушбу маъданли ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда 332–351–358 донани ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан кўчатлар 30–49–56 донага кўчатлар кўп униб чиққанлиги аниқланди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, маъданли ўғитларга қўшимча равишда гектарига ҳар хил меъёрларда бентонит лойқаси қўлланилиши кўчатларнинг униб чиқишига ҳам ижобий таъсир этган.

Вегетация даври охирига бориб, вариантлар кесимида ҳақиқий кўчат қалинлиги ҳисобланганида куйидагича, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда қўлланилган назорат 1-вариантда ҳақиқий кўчат сони $278 \text{ м}^2/\text{донани}$ кўрсатган бўлса, маъданли ўғитларга қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган 3–5–7-вариантларда ҳақиқий кўчат сони $296–317–326 \text{ м}^2/\text{донага}$ тенг бўлиб, назоратга нисбатан $18–39–48 \text{ м}^2/\text{донага}$ юқори эканлиги аниқланди. Шу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган назорат 2-вариантнинг ҳақиқий кўчат қалинлиги аниқланганида ўртача $249 \text{ м}^2/\text{донани}$ ташкил этган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган 4–6–8-вариантларда вегетация охирида кўчат қалинлиги $285–308–319 \text{ м}^2/\text{донани}$ қайд этиб, назоратга нисбатан $36–59–70 \text{ м}^2/\text{донага}$ юқори бўлганлиги кузатилди.

Иккинчи суғориш тартибида ҳам юқоридаги қонуниятлар кузатилиб, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган назорат 9-вариантда ҳақиқий кўчат қалинлиги 281 м²/донага тенг бўлган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган 11–13–15-вариантларда ҳақиқий кўчат сони 299–320–328 м²/донани ташкил этиб, назоратга нисбатан 18–39–47 м²/донага кўп эканлигини кўрсатди. Шу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган назорат 10-вариант таҳлил қилинганда, ҳақиқий кўчат қалинлиги ўртача 257 м²/донани кўрсатган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрларига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг миқдорида бентонит лойқаси қўлланилган 12–14–16-вариантларда ҳақиқий кўчат қалинлиги 286–311–323 м²/донага тенг бўлиб, назоратга нисбатан 29–54–66 м²/донага юқори эканлиги аниқланди.




1-диаграмма. Тажрибадаги бентонит лойқасини кузги буғдой навининг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсири, 2010 йил.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, кузги буғдой кўчатларининг бутун вегетация даври давомида нобуд бўлиши, ўсимликнинг намлик ва озика унсурлари билан таъминланиш даражасига боғлиқлиги ўз исботини топди.

Тажрибада қўлланилган омилларга боғлиқ ҳолда кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги вариантлар кесимида ўрганиб чиқилди.

Бунга кўра суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60–70–60% суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитлар NPK: 200–140–100 кг/га меъёрда қўлланган назорат вариантда уч йилда ўртача 46,4 ц/га ҳосил олинган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг бентонит лойқаси қўлланилган (3–5–7-вариантлар)да уч йилда мос равишда ўртача 53,3–55,2–56,5 ц/га ҳосил олинди, назоратга нисбатан 6,9–8,8–10,1 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги аниқланди. Ушбу тупроқ намлигида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг NPK: 150–105–75 кг/га меъёрлари қўлланилган назорат вариантдан уч йилда ўртача 41,5 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, бу кўрсаткич ушбу маъданли ўғитлар меъёрига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг бентонит лойқаси қўлланилган (4–6–8) вариантлардан ўртача 52,8–54,9–56,2 ц/га ни кўрсатиб, назорат вариантга нисбатан дон ҳосили 11,3–13,4–14,7 ц/га юқори бўлди.



2-диаграмма. Кузги бугдойнинг дон ҳосилдорлиги

Иккинчи суғориш тартиби (суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70%) дан олинган маълумотларда ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорланиб, маъданли ўғитларнинг NPK: 200–140–100 кг/га меъёри қўлланган назорат 9-вариантда дон ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 48,9 ц/га ҳосил олинган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг бентонит лойқаси қўлланилган вариантларда, дон ҳосилдорлиги мос равишда, 54,5–57,1–58,9 ц/га ни кўрсатиб, назоратга нисбатан 5,6–8,2–10,0 ц/га юқори ҳосилдорликка эришилди. Маъданли ўғитлар NPK: 150–105–75 кг/га меъёрда қўлланилган назорат 10-вариантдан уч йилда ўртача 44,9 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, ушбу маъданли ўғитлар меъёрига қўшимча равишда гектарига 1500–3000–4500 кг бентонит лойқаси қўлланилган 12–14–16-вариантлардан 54,3–56,8–58,5 ц/га дон ҳосили

олиниб, назорат вариантга нисбатан 9,4–11,9–13,6 ц/га кўшимча ҳосил олинганлиги кузатилди. Тажрибада сомон ҳосилдорлиги ҳам дон ҳосилдорлигига мос равишда олиниб, қонуният сақланиб қолинганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Бентонит лойқасини кишлок хўжалик экинларига инновацион қўллаш технологияси натижасида республикамизнинг бугунги аграр сиёсатида сувдан ҳамда минерал ўғитлардан самарали фойдаланишдек ўз ечимини кутиб ётган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қила олади. Чунки бентонит лойқасининг ўзида намликни ушлаб туриш қобилияти ҳамда ўсимликларга қўлланилган минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффицентини оширувчи катализаторлик хусусияти натижасида республикамиз кишлок хўжалигида пахта ва ғалла экинларига сарфланаётган ўғитлар миқдорини 25 фоизгача, суғоришга сарфланаётган сув миқдорини эса 20 фоизгача тежаб қолиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, кишлок хўжалик экинларининг фосфорли ва калийли ўғитларга бўлган эhtiёжини қондиришдек долзарб муаммони ҳал этишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Чунки 1 тонна бентонит лойқаси билан бирга тупроққа соф ҳолда ўсимлик ўзлаштира оладиган шаклда ўртача 30 кг фосфор ва 50 кг калий ҳамда 50 дан ортик микроэлементлар тушади. Бу эса бугунги кунда кишлок хўжалик экинларининг минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси азотли ўғитлар бўйича 98 фоиз, фосфорли ўғитлар билан 56 фоиз, калийли ўғитлар билан эса 24 фоизни ташкил этиб турган бир вақтда ушбу хомашё муҳим манба ҳисобланади. Республикамизда жуда катта захирага эга бўлган бентонит лойқалари, глауконитли қумлар, донатор фосфоритлар, вермикулит каби агрорудаларнинг табиий конлари мавжуд. Биргина бентонит лойқалари захиралари 2 млрд тоннани ташкил қилади. Ушбу экологик жиҳатдан соф ва арзон хомашё бўлган ноанъанавий агрорудалардан кишлок хўжалигида кенг миқёсда фойдаланиш республикамиз иқтисодиётини кўтариш билан бирга, Президентимиз томонидан инновацион ресурс тежамкор агротехнологияларни кишлок хўжалигида қўллаш бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижросини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Болтаев С., Ҳайитмуродов А. (2014). «Озуқа берганга, озика берайлик».* Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг «Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари» номли республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. II қисм. – Т., 117–118-бетлар.



2. *Ибрагимов Н.М., Ҳакимов Ш.З., Мирзаев Л.А. (2007).* «Минерал ўғит меъёрларининг кузги буғдой NPK ни ўзлаштириши ва ерусти биомассасига таъсири». Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти. «Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари» номли халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосида мақолалар тўплами (I қисм). – Т., 234–236-бетлар.

3. *Тунгушова Д.А., Белоусов Е.М., Абдурахмонов С.О., Болтаев С.* Эффективность применения нетрадиционных агрономических руд в хлопковом комплексе. – Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти. «Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари» номли халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами (I қисм). – Т., 2007.



ИПАК ҚУРТИ УРУҒЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲИНДИСТОН ТАЖРИБАСИ

*Муратбаева Замира Шарапатдиновна,
ассистент.*

*Тошкент давлат аграр университети
Нукус филиали*

Аннотация

Мақолада ипак қурти уруги ишлаб чиқариш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилган ва уларнинг ижобий жиҳатларини республикамиз шароитида кенг жорий этиши имкониятлари ёритилган.

***Калит сўзлар:** пилла, уруг, тармоқ, хусусият, тажриба, салоҳият, ресурс.*

Аннотация

В статье исследуется опыт зарубежных стран по производству семян шелкопряда, а также возможности их широкого внедрения в стране.

***Ключевые слова:** кокон, семена, ветвь, функция, опыт, потенциал, ресурс.*

Abstract

The article explores the experience of foreign countries in the production of silkworm seeds and the possibility of their widespread adoption in the country.

***Key words:** cocoon, seeds, network, function, experience, potential, resource.*

КИРИШ

Таъкидлаш жоизки, пахта, дон маҳсулотлари, мева ва сабзавотчиликда бўлгани каби пиллачилик тармоғида ҳам уруғчилик тизими ва таъминоти даражаси бирламчи аҳамиятга эга. Пиллачилик тармоғида уруғчилик тизимининг алоҳида ўзига хос жиҳати шундаки, уруғ ишлаб чиқариш бир неча босқичда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тамойилларига асосланади. Бугунги кунда республикамизда пилла уруғчилиги тизимининг ривожланиш даражаси мавжуд ресурс ва салоҳият даражасида деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маълумотларига кўра, республикамизда ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тахлили шуни кўрсатмоқдаки, 2006 йилда 311676 қути, 2010 йилда 318439,2 қути ва 2014 йилда 246545 қути ипак қурти уруғи



етиштирилган. Аммо таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич ўтган 3–4 йилда яна пасайган. Жумладан, 2015 йилда 183965 қути, 2017 йилда 70453 қути, 2018 йилда эса 100300 қути ипак қурти уруғи ишлаб чиқарилган, холос. Натижада бугунги кунда республикада боқилаётган пилланинг дурагай уруғлар миқдори импорт ҳисобига валютага кириб келмоқда. Пилла уруғчилик тизимида юзага келган бундай ҳолатни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 616-сонли «2017–2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан, тармоқда пилла уруғчилигини ривожлантириш, аввало, республикамиз пиллакорларининг сифатли пилла уруғига бўлган талабини ички ресурслар ҳисобига тўлиқ қондириш ва яқин келажакда уни қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишдек катта вазифалар белгилаб берилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш бевосита пиллачилик тармоғи ривожланган, жумладан, ипак қурти уруғчилиги тизимини самарали ташкил этган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни талаб этади.

Дунё бўйича қарийб 50 та мамлакатда тут ипак қурти етиштирилади ва жами ишлаб чиқарилаётган пилланинг ўртача 96 фоизи Хитой (80 %) ва Ҳиндистон (16 %) давлатлари зиммасига тўғри келади. Шу боисдан ҳам бу давлатларда тут ипак қурти уруғчилигини ташкил қилиш бўйича етарлича тажриба тўпланган.

Жумладан, пиллачилик Ҳиндистон иқтисодиётининг меҳнат сиғими юқори бўлган тармоқларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ўзаро интеграциясида муҳим ўрин тутади. Ҳиндистоннинг 60 мингдан ортиқ қишлоқ ҳудудларида пилла етиштирилади ва пиллачилик соҳаси 6 миллион қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Соҳада бир гектар майдонда тут етиштиришдан ипак тўқишнинг якуний босқичига қадар 1000 кишилик кунлик меҳнат фаолияти таъминланади. Ҳиндистонда пиллачилик энг кам моддий-техника базасига эга юқори рентабелли тармоқ ҳисобланади ва бошқа тармоқларга нисбатан анча яхши даромад келтиради. Ипак қурти уруғини етиштиришдан мақсад қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- паст нархларда сифатли уруғлик ишлаб чиқариш;
- етарли ҳажмлардаги уруғликни ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш;
- ҳосилдорлик, пилла ҳосилдорлиги ва қайтимини таъминлаш;
- ҳар бир майдон бирлигига тўғри келадиган пилла ва ипак ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Ушбу давлатда ипак қурти уруғлари ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган бўлиб, уруғнинг сифатини белгиловчи тадбирлар кетма-кетлиги асосий эътибор қаратилади, яъни сифатли ипак қурти уруғликларини етиштириш учун ҳосилдор тут кўчатларини кўпайтириш ва тўйимли тут баргларидан фойдаланиш, дезинфекция ва гигиена, ҳарорат ва нисбий намликни сақлаш, уруғ етиштириш техникаларини такомиллаштириш, сақлаш ва пиллани нобудгарчиликсиз ташиш каби тадбирлар сифатли ва ўз муддатида амалга оширилади. Етиштирилган уруғлик пиллалар қатъий текширувдан ўтказилади ва фақат белгиланган стандарт талабларига жавоб берадиган уруғлик пиллалардангина ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Юқори ҳосилли сифатли уруғ олиш учун табиий морфологик ривожланишни таъминлаш мақсадида уруғлик пилланинг сифати барқарор сақланиши талаб этилади. Бу талабларни назорат қилиш Миллий ипак қурти уруғчилиги ташкилоти, мамлакат штатларида ташкил этилган пиллачилик департаментлари ҳамда лицензияланган (хусусий) уруғ ишлаб чиқарувчилар зиммасига юклатилган.

Шунингдек, ушбу мамлакатда ипак қурти уруғи икки турга ажратилади:

– репродуктив уруғлар давлат тасарруфидаги базавий (таянч) уруғчилик хўжаликларида тайёрланади;

– гибрид саноат уруғлари ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда тайёрланади. Бундай уруғлар тадрижий кўпайтириш учун фойдаланилади, шунингдек, олинган пилла ҳосили ипак маҳсулотлари олиш учун ишлатилади.

Ҳиндистонда ипак қурти уруғи сифатига таъсир қилувчи куйидаги омиллардан комплекс тарзда фойдаланиш чора-тадбирларига асосий эътибор қаратилади:

– қулай инфратузилма ва унинг ўзаро алоқадор субъектларини ташкил қилиш;

– зотлар хилма-хиллигини яратиш;

– малакали ишчи-ходим ҳамда мутахассислар тайёрлаш;

– барча бўғинларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини ташкил қилиш;

– оқилона бошқариш тизимини шакллантириш.

Ипак қурти боқиладиган хоналар ва уларда зарурий шароитларнинг белгиланган меъёрларда бўлиши, лабораторияларнинг керакли жиҳозлар билан тўлик таъминланиши, транспорт, электр, сув таъминоти каби масалаларга инфратузилманинг муҳим элементлари ва вазифалари сифатида қаралади. Соҳада наслчилик ва селекция ишларини оқилона ташкил қилиш, тола сифатининг рақобатбардошлигини таъминлаш, касалликларга,



турли нокулай шароитларга чидамли юқори маҳсулдор зотлар ва дурагайлар яратиш ипак курти уруғчилигидаги муҳим омиллар сифатида барча пиллачилик субъектларининг доимий диққат марказида бўлади. Шунингдек, ушбу давлатда барча бўғинлардаги ишчи-ходимлар ҳамда мутахассисларнинг билим ва кўникмалари, малакасини доимий равишда ошириб бориш, янги зот ва дурагайларни парваришлашда янги технологиялар, лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш кўникмаларини мунтазам равишда такомиллаштириш тадбирларига ҳам юқори даражада эътибор қаратилади.

Ипак курти уруғи етиштириш билан алоқадор барча бўғинлар – зот ва дурагайлар яратувчи муассасалар, уруғчилик билан шуғулланувчи ташкилотлар, ипак курти боқувчилар, бирламчи қайта ишловчилар ўртасида узок муддатли доимий муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги уруғ сифатини таъминлашда муҳим омил бўлади. Ушбу ташкилотлар кўп ҳолларда ўзаро кооперация ёки кластер тамойиллари асосида фаолият юритади. Шу боис, ипак курти уруғи ишлаб чиқаришда оқилона бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади ва бу тизим:

– барча жараёнлардаги техник амалиётларни назорат қилишда ёрдам беради;

– махсулот сифатига жавобгарликни ўз зиммасига олади;

– барча бўғиндаги ишчи-ходимларнинг лаёқатлилиги ва юқори малакасини таъминлайди;

– ишчиларни рағбатлантиради;

– молиявий интизомни таъминлайди;

– йўқотишларни камайтиради;

– мижозларнинг шикоятларини ҳисобга олади, умумлаштиради;

– пировард натижада, ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорликни оширади.

Таъкидлаш ўринлики, Ҳиндистонда ипак курти уруғи етиштириш, тайёрлаш ва етказиб беришни оқилона режалаштириш тизими ҳам ўз навбатида муҳим аҳамият касб этади, чунки бу босқичда ипак курти парваришловчи фермерлар талабидан келиб чиққан ҳолда, уларга етказиб бериладиган ипак курти уруғларининг йиллик ва ойлик режалари ишлаб чиқилади. Ушбу режадан келиб чиққан ҳолда, уруғлик пиллани ойлар бўйича ишлаб чиқариш режаси ва иш жараёнига тегишли бўлган бошқа режалар тузиб олинади. Ташкилий жиҳатдан Ҳиндистонда ипак курти уруғини тайёрлаш ва етказиб бериш икки босқичли (даражали) тизимдан иборат. Яъни юқори даражада уруғлик ядроси, ота-оналик қўймалари давлат та-сарруфидаги уруғчилик ташкилотларида тайёрланади, кейинчалик ота-

оналик уруғлар F_1 авлоди уруғлар олиш учун ва фермер хўжаликлариغا сотиш учун тижорат уруғчилик корхоналарига етказиб берилади. Тижорат уруғчилик корхоналари ўзлари тайёрлаган F_1 авлодли уруғларни товар пилла етиштириш учун хўжаликларга етказиб беришади. Уруғлик сифатига фақат уруғчилик билан шуғулланувчи ташкилотлар тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

Ҳиндистонда пиллачилик ва ипак қурти уруғчилиги тизимини ривожлантиришда мамлакат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишда SWOT таҳлил усулидан фойдаланиш яхши самара беради (1-расм).



1-расм. Ҳиндистон пиллачилик ва ипак қурти уруғчилиги соҳаси ривожланишининг SWOT таҳлили¹.

¹ D.Bharati. Sericulture Industry in India – A source of Employment Generation. International Journal of Advanced Engineering Research and Science (IJAERS), <http://dx.doi.org/10.22161/ijaers/31023>, p. 144–147; Social Issues and Environmental Problems, Vol. 3(Iss.9:SE). <http://www.granthaalayah.com>, p.1–4 маълумотлари асосида тузилган.



Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда тармоқни ривожлантириш учун давлат дастурлари, иқтисодий-ижтимоий чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан олдин бевосита тармоқдаги мавжуд муаммолар, таҳдидлар, имкониятлар, тўпланган мавжуд тажрибалар ва заиф жиҳатларни таҳлил қилиш ва унинг натижаларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Ҳиндистон пиллачилик ва ипак курти уруғчилиги соҳаси ривожланиши бўйича амалга оширилган SWOT таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мазкур йўналишларни ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– республикада пиллачилик ва ипак курти уруғчилиги тизими самардорлигини оширишда интенсив усуллардан кенг микёсда фойдаланиш;
– уруғ сифатини яхшилаш ва уларнинг бозордаги нархлари мутаносиблигини таъминлаш ҳамда замонавий маркетинг усулларини жорий қилиш;

– мазкур соҳа субъектларини малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш ва семинар-тренингларни жорий қилиш;

– мамлакатда пиллачилик ва уруғчилик соҳасида фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот институтларида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар самардорлигини янада ошириш;

– пиллачилик тармоғида фан ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида консалтинг хизмати (экстеншн тизими)ни ташкил этиш ва ривожлантириш;

– тармоқни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;

– давлат-хусусий шериклиги асосида уруғчилик тизимини ривожлантириш;

– кооперация ва интеграция тамойилларига асосланган хўжалик юриштиш ва бошқаришнинг кооператив ва кластер шаклларини, улар таркибига кирувчи таъсисчи (иштирокчи)лар ўртасидаги муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларига мос ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маълумотлари.

2. D. Bharati. Sericulture Industry in India – A source of Employment Generation. International Journal of Advanced Engineering Research and Science (IJAERS), <http://dx.doi.org/10.22161/ijaers/31023>, p. 144-147; Social Issues and Environmental Problems, Vol. 3(Iss.9:SE). <http://www.granthaalayah.com>, p.1–4.

БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ НЕТРАДИЦИОННЫХ КУЛЬТУР *INDIGOFERA TINCTORIA* L. КЫЗЫЛКУМСКОГО РЕГИОНА

Уринова Хулкар Шокировна,
соискатель.
Навоийский государственный
горный институт

Аннотация

*В статье приведены исследования об улучшении мелиоративного состояния орошаемых земель Кызылкумского региона, выращивании нетрадиционной культуры *Indigofera tinctoria* L., которая улучшает плодородие деградированных земель, подверженных засолению. Это исследование в определенной степени служит выполнению задач Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах № УП-4947 от 7 февраля 2017 года.*

Ключевые слова: *биология, экология, почва, Кызылкум, пески, физическое здоровье.*

Аннотация

*Мақолада Қизилқум ҳудудидаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишга мойил бўлган деградацияга учраган ерларнинг унумдорлигини оширувчи анъанавий бўлмаган *Indigofera tinctoria* L. экинлар борасидаги тадқиқотлар келтирилган. Ушбу тадқиқот маълум даражада 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг вазифаларини бажаришга хизмат қилади.*

Калит сўзлар: *Индигофер, биоэкологик хусусиятлар, таназзулга учраган ерларнинг мелиоратив ҳолати, органик ўғитлар.*

Abstract

*The article presents studies on improving the reclamation state of irrigated lands of the Kyzylkum region, growing non-traditional crops *Indigofera tinctoria* L., which improves the fertility of degraded lands prone to salinization. This study, to a certain extent, serves the fulfillment of tasks No. UP-4947 dated February 7, 2017, «Strategy of actions in five priority areas of the development of the Republic of Uzbekistan in 2017–2021».*

Key words: *Indigofer, bioecological properties, land reclamation of degraded lands, organic fertilizers.*



ВВЕДЕНИЕ

В мире существует множество факторов, определяющих потенциал государства и общества, власть страны. Но ни один из них не может сравниться с всесторонне развитым, духовно зрелым, физически здоровым и гармонично развитым поколением. На сегодняшний день Глава государства уделяет особое внимание молодежи. Будущее нашей страны и нашего народа, достойная репутация нашего государства в мировом сообществе зависят от образования и воспитания молодого поколения. Эти благородные цели были определены в качестве приоритетных направлений государственной политики, которые отражены в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы и других постановлениях [1].

В результате этих усилий в стране в настоящее время проводится сильная молодежная политика, которая имеет прочную правовую основу. Обеспечение активного участия молодежи в масштабных реформах, проводимых в стране, предусматривает последовательную и полноценную государственную политику, направленную на воспитание независимого и свободомыслящего, здорового и гармонично развитого поколения с высокой духовностью, осваивающего достижения современной науки.

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

В условиях современной глобализации сельского хозяйства использование изучения экологических, биологических свойств и рекомендации по районированию, выращиванию перспективных и полезных растений в различных средах является самой актуальной проблемой для национальной экономики. В статье изучены биоэкологические свойства устойчивости растений индигоферы к засолению и засолению почвы. На основе результатов полевых исследований районирования растений индигоферы в условиях выращивания в регионах Кызылкума определена важность их применения в народном хозяйстве. С середины XX века глобальной проблемой является опустынивание в Центральноазиатском регионе, включая деградацию почв. Деградация почвы не только снизила продуктивность сельскохозяйственных угодий, но также и уровень социально-экономической жизни населения и экологические проблемы. В Декларации об окружающей среде и развитии, принятой на Конференции Организации Объединенных Наций в Рио-де-Жанейро (1992 г.), подчеркивается, что деградация почв является очень важной проблемой нашего времени [2]. В этой Декларации подчеркивается необходимость дальнейшей эффективной работы по сохранению почвы и земельных ресурсов для борьбы с деградацией земель.

Республика Узбекистан расположена в аридной климатической зоне Центральной Азии, и сегодня сталкивается с экологическими проблемами глобального изменения климата, трансграничного загрязнения атмосферного воздуха, опустынивания и деградации земель. Увеличение доли сельскохозяйственного производства в экономике республики является одним из основных направлений преодоления экономического кризиса. В целях улучшения мелиорации деградировавших земель был разработан ряд рекомендаций по улучшению ирригационных и дренажных систем, целевому выщелачиванию, использованию органических удобрений и применению бобовых. В то же время одним из способов улучшения мелиорации земель в сельском хозяйстве, уменьшения деградации почв, восстановления плодородия почв, стимулирования экономики сектора и обеспечения дополнительного дохода является выращивание нетрадиционных культур *Indigofera tinctoria* L. в аллювиальных почвах Навоийской области, эти культуры до сих пор не изучены в этих районах. Целью наших исследований является исследование растений *Indigofera tinctoria* L. на деградировавших луговых аллювиальных почвах в Навоийской области в качестве вторичного и посевного посева пшеницы и влияние применения органических и минеральных удобрений на рост, развитие, накопление биомассы и их продуктивность.

Краткая физико-географическая характеристика района исследований

Географическое расположение

Кызылкум расположен на Туранской плите. Фундамент плиты образован палеозойскими кристаллическими породами (кристаллический сланец, гранит, известняки и др. породы), которые покрыты породами более поздних периодов: песчаниками, мергелями, глинами, песками, конгломератами. До палеогенового периода Кызылкум находился под водой моря Тетис, но палеозойские горы образовали острова. В неогеновом периоде море отступило, и территория Кызылкума превратилась в сушу [3].

Климат Кызылкумского физико-географического района резко континентальный, пустынный. Характерным для него являются высокая температура летом и очень малое количество годовых осадков, большая амплитуда суточных и годовых температур.

Зима в Кызылкуме холодная. Причиной этого являются частые вторжения с севера сухих и холодных арктических воздушных масс и сибирского антициклона. В такие дни температура воздуха резко понижается до $-31^{\circ}\dots-35^{\circ}\text{C}$. Западные воздушные массы приносят с собой осадки и незначительное повышение температуры.






Рис. 1. Фото и карта расположения Кызылкумского региона

Климатическая характеристика

Средняя температура января на севере Кызылкума $-5^{\circ}\dots -10^{\circ}\text{C}$, в средней части $-2^{\circ}\dots -4^{\circ}\text{C}$, на юге $-1^{\circ}\dots -2^{\circ}\text{C}$.

Средняя температура июля на юге и в центральной части округа $+30^{\circ}$, на севере $+26^{\circ}\dots +28^{\circ}\text{C}$, в отдельные дни температура достигает $+48^{\circ}\text{C}$. В это время пески прогреваются до $+75^{\circ}\dots +80^{\circ}\text{C}$.

Осадков выпадает мало (до 75–150 мм в год), и распределяются они по временам года неравномерно. Обсуждение и результаты годового количества осадков приходятся на весенний период (до 48%) и зимний (30%), однако потенциальная испаряемость достигает 1000–1500 мм. В Кызылкуме нет ни одного постоянного водотока. Только по юго-западной границе округа проходит транзитная река Амударья. Однако весной в результате весенних дождей и таяния снега на склонах низких гор образуются временные потоки, которые быстро высыхают. Округ обладает значительным запасом подземных вод. Динамические запасы подземных вод составляют 58–60 куб. м/сек. Грунтовые воды соленые. В толщах мезозойских и палеогеновых отложений имеются пресные артезианские воды. Также в палеозойских отложениях обнаружены термальные минеральные воды.

В Кызылкуме на равнине распространены песчаные и супесчаные почвы, в предгорьях и на склонах низкогорий – серо-бурые почвы, а в котловинах – солончаковые, солончаково-болотные почвы.

В Кызылкумском округе произрастает более 600 видов растений. Среди них преобладают эфемеры и эфемероиды с коротким весенним вегетационным периодом: мятлик луковичный, осока, костер Дантония, тюльпаны, подснежники, иксиолирион, кузиния мелкоплодная. С наступлением жары они засыхают. Приспособленные к засухе и соли в почве растения продолжают вегетацию и летом.

На закрепленных песках произрастают джужгун, белый саксаул, селин, песчаная акация, кандым. На серо-бурых почвах распространены польнь, бурьян [3].

Биоэкологические особенности растений

Indigofera tinctoria L.

Описание материала исследований

Для исследования выбрали солеустойчивое растение в пустынных и засоленных почвах Кызылкума – культуру *Indigofera tinctoria* L.

Indigofera tinctoria L. относится к семейству бобовых, является однолетним полукустарниковым растением высотой 1–1,5 метра. Листья индигоферы непарноперистые, эллиптические, с 4–7 парами листочков на основном черешке. Содержат бесцветный гликозид, который расщепляется на глюкозу и агликон индоксил.



Рис. 2. Общий вид *Indigofera tinctoria* L.

Окисляясь на воздухе, агликон приобретает сине-фиолетовый оттенок. Именно порошок из листьев индигоферы с древних времен используют для получения красителя – индиго.

Цветки – мотылькового типа, обоеполые, собраны в небольшие пазушные кисти. У некоторых сортов цветоносы достигают в длину 30 см. Встречаются розовой и фиолетовой окраски. Начинают цвести преимущественно в июле, заканчивают – с первыми заморозками, теряя не только соцветия, но и листву.

Листорасположение очередное. Листья – непарноперистые сложные, с 4–7 парами листьев на основном черешке, листочки эллиптические, супротивные, на коротких черешках, сверху голые, снизу волосистые.

Соцветие – пазушные кисти. Цветки – розовые или фиолетовые, мотылькового типа. Чашечка – колокольчатая, маленькая.

Плоды – белоопушённые линейно-цилиндрические бобы с 4–6 семенами. Разводят посевом семян, а также зелёными черенками в июне-июле. Еще одна биологическая особенность растения, на которую стоит обратить внимание, – это то, что до периода зрелости бобов и семян рост в высоту и образование листьев происходят активным образом. После начала периода зрелости бобов образование листьев резко сокращается. После зрелости бобов листья желтеют и опадают. Данное свойство растения очень важно и связано с целями выращивания: будь то получение семян или получение биомассы листьев. Корень индигоферы имеет прямую форму и после появления ростков из семени рост корня активизируется, и в период образования первых листков, после появления уж 6–8 листьев, длина корневой части в 3 раза превышает длину верхней части растения. В период развития растения рост корня замедляется, он расширяется, и проявляются боковые корни. До конца периода роста длина корня составляет в среднем 15–20 см.

Условия роста растений и развития

Впервые индигофера была высажена на площади 500 м² 29 апреля 2016 года на опытной площадке Навоийского горного института. Первое прорастание произошло через 8–10 дней. В период посева и прорастания средняя температура почвы составляла 16–18 °С.

Наблюдения проводились с мая до конца сентября. Этот период составляет 130–140 дней, а весь вегетационный период составляет 100–110 дней (полное прорастание). Вспашка была осуществлена в марте с глубиной 25–35 см. Высота подъема грядок – 30–40 см, расстояние между рядами – 90 см.

Высокая температура ускоряет его рост вверх. Одновременно продолжается образование боковых веток. В этот период цветки растения опыляются, активизируется образование бобов. После развития растения рост замедляется, что продолжается до конца периода его роста. Высота растения в конце периода может достигать 140–150 см.

В связи с тем, что индигофера является кустообразным растением, боковые ветки в основном растут и развиваются в нижней части стебля. Эти ветки образуются при достижении роста растения 20–30 см и растут вверх вместе со стеблем. Однако листья более поздних боковых веток имеют меньший размер, и семенные бобы полностью созревают. Высота растения и количество боковых веток в основном зависят от густоты посадки. При густой посадке саженцев количество боковых веток не превышает 3–4, формируясь не полностью, т.к. основной стебель растет выше. Наоборот, при более редкой посадке кусты не растут выше и составляют 90 см, таким образом целесообразно наличие в среднем 20–25 кустов на одном погонном метре. При такой густоте на один гектар приходится

в среднем 220–250 тысяч единиц кустов. При проведенном в 2016 году опыте первая масса урожая от посаженных в апреле посевов была убрана в конце августа, и после этого до середины октября продолжались ирригация, возделывание и удобрение посевов.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

По результатам исследований полевых исследований районирования растений индигоферы в условиях выращивания в Кызылкумском регионе изучены биоэкологические и фенологические свойства (сезонный рост, развитие, прорастание, цветение, прорастание семян) индигоферы. При разных условиях фенологические периоды растения также меняются в течение всего сезона. Выращивание индигоферы красильной (*Indigofera tinctoria*) на опытной площадке вполне успешно можно культивировать в условиях засоленных деградированных земель. Эта культура обладает многими полезными свойствами: благодаря клубеньковым бактериям, расположенным на корнях, фиксирует из воздуха свободный азот и обогащает им почву; хорошо произрастает на засоленных деградированных землях.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах.
2. Махмудов М., Махмудова Г. Пустыня Кызылкум и её экологическая характеристика // Экологический вестник, № 2 (119) – 2011 – С. 50–52.
3. Якушкин Н.И. Физиология растений. – М.: 1980. – С. 302.
4. Эргашев А., Эшчанов Р. // Культивирование растения индигоферы, биотехнология натурального красителя и улучшение деградированных земель // Учебно-практическое пособие для фермеров. – Ташкент – Ургенч, 2012. – С. 32.
5. Международная экологическая конференция ООН по окружающей среде и развитию. Рио-де-Жанейровская декларация по окружающей среде и развитию, 3–14 июня 1992 года.



TOMORQA XO'JALIKLARIDA KARTOSHKKA YETISHTIRISHDA RESURSLARDAN SAMARALI FOYDALANISHDA YANGICHA YONDASHUV

*Nomozova Madina Nurmat qizi,
talaba.*

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarqand
filiali*

Annotatsiya

Mazkur ilmiy maqolada aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish, qishloq aholisi daromadlarini oshirishda tomorqa xo'jaliklarida resurslardan foydalanish holati va uning texnik samaradorligi o'rganilgan. Tahlil jarayonlarida tomorqa xo'jaliklaridagi kartoshkachilikda ishlab chiqarishda qatnashgan resurs (yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, urug'lik va mehnat sarfi)ning miqdor ko'rsatkichlari so'rovnomma usulidagi DEAP 2.1 dasturlash paketidan foydalanilgan. Tahlil jarayonlarida kartoshkachilikda marjinal hosildorlikka ega bo'lishda resurslardan foydalanish holati, ularning ishlab chiqarishdagi hissasi va muhimligi ko'rsatib o'tilgan.

***Kalit so'zlar:** «Ma'lumotlar muhiti tahlili» (Data Envelopment Analysis, DEA) modeli, «Hududdan olinadigan o'zgarmas qaytim» (CRS – Constant returns to scale), resurslar hissasi, resurslar samaradorligi, texnik samaradorlik.*

Аннотация

В данной статье рассматривается эффективность использования приусадебных земель для удовлетворения спроса населения на продукты питания и для увеличения доходов сельского населения. При анализе были использованы количественные показатели ресурсов (земли, воды, минеральных и органических удобрений, семян и рабочей силы), используемых для производства картофеля в домашних хозяйствах с использованием пакета программ DEAP 2.1. Анализ показывает эффективность использования ресурсов, вклад в производство и их важность в достижении предельной продуктивности картофеля.

***Ключевые слова:** Анализ среды функционирования (Data Envelopment Analysis, DEA), отдача от масштаба (CRS – constant returns to scale), ресурсоэффективность, техническая эффективность.*

Abstract

This article discusses the state of the use of resources and the technical efficiency of household plots to meet the population's demand for food, to increase the income of the rural population. The analysis used quantitative

indicators of resources (land, water, mineral and organic fertilizers, seeds, and labor) used for potato production in households using the DEAP 2.1 software package. The analysis shows the use of resources, their contribution to production and their importance in achieving maximum potato productivity.

Key words: *Data Envelopment Analysis (DEA) Model, Resident Constant Resource Contribution (CRS – Constant returns to scale), Resource Efficiency, Technical Efficiency.*

KIRISH

2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq, respublikamizda qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini oshirish, resurslardan samarali foydalanishga alohida e‘tibor qaratilgan. Mamlakatimizda qishloq xo‘jaligining o‘ziga xos tomoni shundan iboratki, mamlakat aholisining 49 foizi qishloq hududlarida istiqomat qiladi¹ hamda barcha turdagi qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda respublika iqtisodiyotida band bo‘lgan mehnat resurslarining 28 foizga yaqini qatnashadi. Shuning uchun qishloq xo‘jaligi qishloq aholisining asosiy daromad manbayi hisoblanadi. Qishloq xo‘jaligida mulk shaklining o‘zgartirilishi, asosan, resurslardan samarali foydalanishga, qishloq xo‘jaligida umumiy ekin maydonlari tarkibida ekinlarning ulushi o‘zgarishiga, qishloq xo‘jalik mahsulotlari hajmimi oshirish orqali mamlakat aholisining oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan talabini qondirishga e‘tibor qaratilishi bilan bog‘liq.

Mamlakat aholisining yillik o‘shish sur‘ati so‘nggi 10 yilda o‘rtacha yillik 1,3 foizni tashkil etishi mavjud tabiiy resurslarning holatini inobatga olgan holda qishloq xo‘jaligini tarkibiy o‘zgartirish, ya‘ni paxta ekin maydonlarini optimallashtirish va boshoqli don ekinlari, sabzavotchilik, bog‘dorchilik, uzumchilik uchun ajratilgan maydonlarni kengaytirish² hisobidan ekin maydonlari tarkibida o‘zgarishlar amalga oshirilmoqda. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarish natijasi tarmoqqa kiritilayotgan resurslardan, ya‘ni yer-suv, mehnat va kapitaldan samarali foydalanishga bog‘liq³. Qishloq xo‘jaligining barqaror rivojlanishini ta‘minlamalik, avvalo, qishloq xo‘jaligi uchun asosiy ishlab chiqarish vositasi hisoblanadigan yer resurslari unumdorligining pasayishi, sho‘rlanishi va ifloslanishi, suv resurslaridan foydalanishda tanqisliklarni keltirib chiqaradi.

Mamlakatimizda 1 kishiga 0,11 gektar sug‘orilib dehqonchilik qilinadigan ekin maydonlari to‘g‘ri kelsa, mamlakatimiz aholisi 60 mln kishiga yetganda

¹ <http://news.uzreport.uz> – Uzreport axborot agentligi.

² <http://www.press-service.uz> – O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot sayti.

³ *Hasanov Sh.* Cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligining metodologik masalalari. Monografiya. –T.: «Fan», 2013. – 166-b.



bir kishiga to'g'ri keladigan ekin maydoni 0,05 gektarga kamayadi. Bunda o'rtaicha bir kishi hisobiga qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqarish miqdori 2 barobarga kamayadi. Bunda mahsulot miqdorini kamaytirmaslik uchun resurslardan samarali foydalanish, uning texnik samaradorligini oshirish talab etiladi.

Ilmiy ishning maqsadi. Tomorqa xo'jaliklarida resurslardan optimal foydalanish, hosildorlikni oshirish qay darajada muhimligini baholash bo'yicha ilmiy xulosa va takliflar berish.

Ilmiy ishda quyidagi vazifalar bajariladi:

- tomorqa xo'jaliklarida resurslardan foydalanish holatini tahlil etish va baholash;
- tomorqa yerlaridan optimal foydalanishni boshqarishda qaror qabul qilish variantlari va ularning texnik samaradorligini tahlil etish;
- tomorqa xo'jaliklarida resurslardan optimal foydalanishda ilmiy xulosa va takliflar berish.

MATERIAL VA METODLAR

Mazkur ilmiy ishimizning obyekti Samarqand viloyati Urgut tumani hisoblanib, tuman Samarqand viloyatining janubi-sharqiy qismida joylashgan. Tuman Zarafshon tog' tizmalarining davomi bo'lgan Chaqilikalon va Qoratepa tog'larining yonbag'irlarida joylashgan. Sharqiy, janubiy va g'arbiy qismlari past-baland tekislik bo'lib, bir qancha soyliklar bor. Iqlimi keskin kontinental¹. Ilmiy ishni yozishda mavzuga tegishli, qishloq xo'jaligida suv va tuproq resurslaridan foydalanishning huquqiy asoslari va boshqa me'yoriy hujjatlar, agrar sohada iqtisodchi olimlarning asarlari, maqolalar, tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi, birlamchi uchyot hamda tahlil ma'lumotlaridan, mutaxassislarning xulosalaridan foydalanildi. Shuningdek, Urgut tumanida 15 ta tomorqa xo'jaligida kartoshka yetishtirishdagi resurslar sarfi va olingan natija yalpi hosilni so'rovnoma usulidan foydalanilgan holda ma'lumotlar ba'zasi shakllantirildi (1-jadval).

Tomorqa xo'jaliklarida eng ko'p kartoshka ekin maydoni 10 sotixni tashkil etgan. Ushbu kartoshka yetishtirishda olingan natija yalpi hosil, ishlab chiqarishga sarflangan resurslar sifatida yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, urug'lik hamda mehnat sarfi olingan. So'rovnoma usulida olingan ma'lumotlar «Ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA)» modelidan foydalanilgan holda tahlil qilindi.

Tomorqa xo'jaliklarida kartoshka ishlab chiqarishga sarflangan resurs (yer, suv, organik va mineral o'g'itlar, YMM, mehnat va urug'lik sarfi)lar va ulardan olinadigan kartoshka mahsulotining texnik samaradorligi va resurslarda

¹ <https://samarkand.uz> – Samarqand viloyat hokimining rasmiy veb-sayti.

optimal foydalanish holatini tahlil etishda «Ma'lumotlar muhiti tahlili» (Data Envelopment Analysis, DEA) modelidan foydalanildi. DEA modelining afzalligi qaror qabul qiluvchi subyektlar uchun ishlab chiqarishga kiritiladigan resurslar va ishlab chiqarilgan mahsulot o'rtasidagi munosabatlarni, samaradorligini va resurslardan optimal foydalanishni aniqlashda qo'llaniladi.

Ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA)¹ modelida «Hududdan olinadigan o'zgarimas qaytim» (CRS – Constant returns to scale) ishlab chiqarish holatida so'rovnomma ma'lumotlari asosida tomorqa xo'jaliklarida kartoshka ishlab chiqarishining texnikaviy samaradorligi va ishlab chiqarish omillarini o'zgarishi tahlil etildi.

1-jadval

**Tomorqa xo'jaliklarida kartoshka yetishtirishdan olingan
natija va resurslar sarfi***

Tomorqa xo'jaliklari	Yalpi hosil, kg	Ekin maydoni, sotix	Suv sarfi, m ³	Organik o'g'it, kg	Mimeral o'g'it, kg	Mehnat sarfi, kishi/soat	Urug'lik, kg
1	420	1	50	1000	15	84	50
2	740	2	110	1800	20	150	95
3	3500	8	620	4500	50	480	350
4	2150	5	310	2500	45	370	220
5	4200	10	535	4800	50	510	450
6	980	3	130	1400	20	150	125
7	380	1	45	800	20	60	40
8	650	2	110	1200	20	130	60
9	800	2	90	1550	20	120	80
10	3950	9	450	4500	50	550	400
11	1900	5	260	2300	40	280	200
12	350	1	45	750	10	65	35
13	480	1	60	1000	15	50	45
14	2500	7	350	4000	50	460	300
15	1550	4	180	3700	35	270	150

*Manba: muallifning so'rovnomma usulida to'plagan ma'lumotlari.

Bunda 15 ta tomorqa xo'jaliklari yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, urug'lik sarfi va mehnat resurslaridan foydalanib kartoshka ishlab chiqarish holati o'rganilgan. Barcha N sondagi tomorqa xo'jaliklarning K*N ishlab chiqarish resurslari matritsasini Y bilan belgilaymiz. Ma'lumotlar muhiti

¹ William W. Cooper, Lawrence M. Seiford, Joe Zhu. Data Envelopment Analysis: History, Models, and Interpretations. Handbook on Data Envelopment Analysis, 2nd ed. USA: Springer; 2011. P. 1–39, 497(2).

modelining maqsadi ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig'ida va uning atrofida yotgan nuqtalardan iborat noparametrik nuqtalar muhiti chizig'i (izokvanta) ni yaratishdir. Ya'ni ushbu chiziq ishlab chiqarish to'plamiga kiritilgan barcha resurs (yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, urug'lik, mehnat sarfi)lar kartoshka mahsuloti kombinatsiyalaridan tashkil topadi va uning asosida ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig'i yaratiladi.

Ilmiy tadqiqot ishimizda tuman tomorqa xo'jaliklarida kartoshka ekin maydonlaridan foydalanishning texnik samaradorligini tahlil etishda natural (miqdor) ko'rinishdagi iqtisodiy ko'rsatkichlardan foydalanildi. Ishlab chiqarilgan mahsulotlar miqdori sifatida yalpi hosil hamda ishlab chiqarishga sarflangan resurslar soni 6 ta, ya'ni yer, suv, organik va mineral o'g'itlar, urug'lik va mehnat sarfi olindi. Tomorqa xo'jaliklarida olingan so'rovnomalardan suv resurslaridan foydalanishda kartoshka ekinini sug'orishlar soni va mahalla hamda qishloqlarda suv resursi bilan ta'minlanishda yoki undan foydalanishda holatlar yuzasidan so'rovlar ham olib borildi. Olingan so'rov natijalarini kartoshka ekin maydonini sug'orishda 1 gektarga sarflanadigan me'yor olindi.

2-jadval

1 sotix tomorqa ekin maydonidan kartoshka yetishtirishda olingan natija va resurslar sarfi*

Tomorqa xo'jaliklari	Yalpi hosil, kg	Suv sarfi, m ³	Organik o'g'it, kg	Mineral o'g'it, kg	Mehnat sarfi, kishi/ soat	Urug'lik, kg
1	420	50	1000	15	84	50
2	370	55	900	10	75	48
3	438	78	563	6	60	44
4	430	62	500	9	74	44
5	420	54	480	5	51	45
6	327	43	467	7	50	42
7	380	45	800	20	60	40
8	325	55	600	10	65	30
9	400	45	775	10	60	40
10	439	50	500	6	61	44
11	380	52	460	8	56	40
12	350	45	750	10	65	35
13	480	60	1000	15	50	45
14	357	50	571	7	66	43
15	388	45	925	9	68	38


* Manba: muallifning so'rovnoma usulida to'plagan ma'lumotlari tahlili.

Bunda tomorqa xo‘jaliklarida suv resurslaridan bir xilda foydalanmaslik va suv sarfini aniqlashning imkoni bo‘lmaganligi uchun yuqorida ta’kidlangan yondashuv nisbatan to‘g‘riroq¹, deb aytishimiz mumkin. Umumiy olingan barcha ma’lumotlarni bir xil muhitga keltirgandan so‘ng DEAP 2.1 dasturiy paketi²dan foydalangan holda ma’lumotlar tahlil etildi. DEAP 2.1 dasturlash paketidan foydalanishda tomorqa xo‘jaliklarida kartoshka yetishtirishda jami olingan natija va unga sarflangan resurslarni bir sotix hisobiga olingan kartoshka hosildorligi va unga sarflangan suv, urug‘lik, mineral va organik o‘g‘itlar hamda mehnat sarfi aniqlandi (2-jadval).

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Tomorqa xo‘jaliklarida kartoshka yetishtirishda olingan natija va sarflangan resurslar olinganda undagi texnik samaradorlik birga teng bo‘lsa, resurslardan samarali foydalanilgan hisoblanadi va aksincha. O‘rganilgan tomorqa xo‘jaliklarida kartoshkachilikda texnik samaradorlik o‘rtacha 0,950 koeffitsiyentni tashkil qilgan (1-chizma).

Kelgusida ushbu tomorqa xo‘jaliklarida o‘rtacha resurslar sarfini 5,0% ga kamaytirsam ham joriy yilda erishilgan natijaga erishish mumkin. Tomorqa xo‘jaliklarida kartoshkachilikda resurs sarfi hisobiga eng yuqori natijaga ega bo‘lgan tomorqa xo‘jaliklari, ya’ni texnik samaradorligi birga teng bo‘lgan tomorqa xo‘jaliklari soni 7 tani tashkil etadi.



1-chizma. Kartoshkachilikda texnik samaradorlik tahlili*.

* Manha: muallifning so‘rovnoma usulidan foydalanilgan holda olingan ma’lumotlar asosida.

Izoh: TS – texnik samaradorlik, Or.res – ortiqcha resurs sarfi.

¹ Muratov Sh. Technical Efficiency of using water and soil resources in Samarkand. A Case Study of Samarkand region, in Uzbekistan. A thesis presented to graduate school of the Tokyo University of Agriculture and Technology of the requirements for the degree of master of Agriculture. Japan, 2016.

² Coelli T.J. Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) Working Papers. №. 8/96, CEPA Working Papers Department of Econometrics University of New England Armidale, NSW 2351, Australia.



Ushbu tomorqa xo'jaliklari resurslardan samarali foydalanilgan tomorqa xo'jaliklari hisoblanadi. Qolgan tomorqa xo'jaliklari kartoshka yetishtirishda texnik samaradorligi birga teng bo'lishi uchun birga teng bo'lgan tomorqa xo'jaliklari faoliyati taklif etiladi. Tomorqa xo'jaliklarida ushbu birga teng bo'lgan tomorqa xo'jaliklariga qaysi tomorqa xo'jaliklarining resurslar sarfi yoki resurs imkoniyati yaqin bo'lsa, ushbu tomorqa xo'jaliklari tanloviga ega bo'ladi. Bunda biror-bir texnik samaradorligi birga teng bo'lmagan tomorqa xo'jaligi birga teng bo'lgan 7 ta tomorqa xo'jaliklari tanloviga ega bo'lmagan. Aksariyat tomorqa xo'jaliklarida 2-3 ta tomorqa xo'jaliklarining texnik samaradorligi birga teng bo'lgan tanlovlar mavjuddir.

Tomorqa xo'jaliklarida kartoshka ekin maydonlarining 0,082 gektarga, sarflangan suv resurslarining 5,9 m³ga, organik o'g'itlarni 51,2 kg.ga, mineral o'g'itlarni 3,4 kg ga, mehnat sarfini 12,4 kishi-soatga va urug'lik 1,36 kg kamaytirsam ham joriy natijaga erishish mumkin. Tomorqa xo'jaliklarida kartoshkachilikda texnik samaradorlik tahlili (3-jadval)da minimum tomorqa xo'jaligida resurslar sarfini 20 % ga kamaytirsam ham joriy yilda erishilgan kartoshkaga ega bo'lish mumkin. Ya'ni xo'jalik resurslarda optimal foydalanish hisobiga joriy natijaga yoki undan-da yuqori natijaga erishish mumkin. Shuningdek, tomorqa xo'jaliklarida resurslardan optimal foydalanish hisobiga yuqori natijaga erishiladi. Bunda joriy yildagi resurs sarfini 5 % ga kamaytirish hisobiga erishish mumkin.

3-jadval

Tomorqa xo'jaliklarida kartoshkachilikda texnik samaradorlik tahlili

Tomorqa xo'jaliklari	Haqiqatda							TS
	Yalpi hosil, kg	Ekin maydoni, sotix	Suv sarfi, m ³	Organik o'g'it, kg	Mineral o'g'it, kg	Mehnat sarfi, kishi/soat	Urug'lik, kg	
1	420	1	50	1000	15	84	50	0,95
2	740	2	110	1800	20	150	95	0,8
3	3500	8	620	4500	50	480	350	1
4	2150	5	310	2500	45	370	220	0,98
5	4200	10	535	4800	50	510	450	1
6	980	3	130	1400	20	150	125	0,87
7	380	1	45	800	20	60	40	0,95
8	650	2	110	1200	20	130	60	1
9	800	2	90	1550	20	120	80	1
10	3950	9	450	4500	50	550	400	1
11	1900	5	260	2300	40	280	200	0,95
12	350	1	45	750	10	65	35	0,95
13	480	1	60	1000	15	50	45	1
14	2500	7	350	4000	50	460	300	0,83
15	1550	4	180	3700	35	270	150	1

Maks.	4200	10	620	4800	50	550	450	1
Min.	350	1	45	750	10	50	35	0,800
O'rtacha	1637	4	223	2387	31	249	173	0,952
TS			Tomorqa xo'jaliklari, %					
=1			46					
≥0.96, ≤0.99			7					
≥0.95, ≤0.91			27					
≤0.90			20					

* Manba: muallifning so'rovnoma usulida olingan ma'lumotlar tahlili natijalari.


O'rganilgan tomorqa xo'jaliklarining 46% da kartoshkachilikda resurs sarfi hisobiga optimal yechimga yoki texnik samaradorlikka erishgan bo'lsa, 20% tomorqa xo'jaligida texnik samaradorlik yoki optimal foydalanish 10% dan kamni tashkil etadi. Kelgusida ushbu xo'jaliklar kartoshka yetishtirishda resurs sarfini 10%ga kamaytirs, optimal yechimga ega bo'lishi mumkin. Yoki boshqa resurslarning oshishi hisobiga bundan-da yuqori natijaga erishish mumkin. Unda ishlab chiqarishga sarflanadigan resurslarning bashorat miqdorini 4-jadvalda ko'rib chiqamiz.

Kartoshkachilikda ishlab chiqarishga sarflangan resurslarning bashorat miqdori (4-jadval) o'rtacha tomorqa xo'jaliklariga nisbatan tomorqa ekin maydoni 3,82 gektarni, suv resurslari 209,16 m³ ni, organik o'g'itlar sarfi 2239,57 kg ni, mineral o'g'itlar sarfi 25,91 kg ni, mehnat sarfi 226,1 kishi/soatni va urug'lik sarfi 165,21 kg ni tashkil etsa, texnik samaradorlik birga teng bo'ladi. Kartoshkachilikda o'rtacha ekin maydonidan optimal foydalanishda (texnik samaradorlik) o'rtacha 1 gektar hisobiga qilingan xarajatlarning bashorat miqdori suv resurslari sarfi 53 m³, organik o'g'itlar sarfi 662,5 kg, mineral o'g'itlar sarfi 8,3 kg, mehnat sarfi 59,4 kishi/soat va urug'lik sarfi 42,4 kg dan sarflangan bo'lishi lozim.

4-jadval

Kartoshkachilikda resurslardan optimal foydalanishda bashorat miqdori

Tomorqa xo'jaliklari	Ekin maydoni, sotix	Suv sarfi, m ³	Organik o'g'it, kg	Mineral o'g'it, kg	Mehnat sarfi, kishi/soat	Urug'lik, kg
1	0,95	47,8	478,4	5,3	58,5	42,5
2	1,62	88,3	1187,4	16,1	90,2	72,2
3	8	620	4500	50	480	350
4	4,9	246,6	2470,9	27,7	301,2	217,4
5	10	535	4800	50	510	450
6	2,2	113,7	1225,3	14,5	131,2	98,7
7	0,95	42,75	736,2	9,5	57	38
8	2	110	1200	20	130	60



9	2	90	1550	20	120	80
10	9	450	4500	50	550	400
11	4,3	219,7	2206,5	25,1	268,1	191,8
12	0,78	42,8	714,4	9,5	43,8	33,3
13	1	60	1000	15	50	45
14	5,6	290,8	3324,5	41	331,3	249,3
15	4	180	3700	35	270	150
O'rtacha	3,82	209,16	2239,57	25,91	226,09	165,21

* Manba: muallifning so'rovnomasi usulida olingan ma'lumotlar tahlili natijalari.

Tomorqa xo'jaliklarida kartoshka ekin maydonlaridan optimal foydalanish resurslar sarfiga bog'liqdir. O'rganilgan xo'jaliklarda kartoshka ekin maydoniga resurs sarfi ko'pligini ko'rishimiz mumkin. Bunda asosiy sabab sifatida tomorqa xo'jaliklarida qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirish boshqa xo'jalik shakliga nisbatan moddiy manfaatdorligining yuqoriligi bilan baholash mumkin. Ya'ni (5-jadval) tomorqa xo'jaliklarida kartoshka ekin maydonlarini 9,5 % ga kamaytirish hisobiga va shuningdek, boshqa resurs sarflarini 7-33 % gacha kamaytirish hisobiga yuqori natijaga erishish mumkin.

Tomorqa xo'jaligida kartoshka ekin maydonlaridan optimal foydalanishni boshqarishda resurslar sarfini kamaytirish borasida qaror qabul qilish yoki ekin maydonini oshirish hisobiga yuqori natijaga erishish mumkinligini ayta olamiz.

Mazkur tomorqa xo'jaligida tomorqa yer egasi uchun kartoshka ekin maydonidan optimal foydalanishni boshqarishda, ya'ni kartoshka ekin maydonini 2 sotixdan 0,38 sotixga kamaytirish hisobiga hosildorligi o'zgarmagan holda, o'tgan yilgi natijaga yoki ekin maydoni o'zgarmagan holda, 457 kg sotixidan kartoshka hosilini olishga erishish mumkin.

O'rganilgan har bir obyekt uchun kartoshkachilikda resurslardan optimal foydalanish hisobiga samaradorlikni aniqlash va bu borada tomorqa yer egalari uchun resurslarni boshqarishda qaror qabul qilish uchun dastlabki dastak bo'ladi. «2-tomorqa xo'jaligi»da kartoshka yetishtirishda 2 turdagi variantlar mavjud.

XULOSA

Mamlakatimiz aholisining o'sib borayotgan ehtiyojini maksimal darajada qondirish mavjud resurslardan samarali foydalanish yo'llarini topishni talab etadi. Bunda qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda, avvalo, mamlakat aholisining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish bo'lsa, boshqa tomonda ishlab chiqarish resurslaridan, ya'ni yer, suv, kapital va mehnat resurslaridan oqilona foydalanilgan holda, samaradorlikni oshirishga qaratilgan. Bir so'z bilan aytganda, qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish samaradorligini oshirish mavjud resurslardan samarali foydalanishga

bog'liqdir. Tomorqa xo'jaliklari ekin maydonlaridan qishloq xo'jalik mahsulotlarining ko'p qismi yetishtirilishi, bir tomondan, ijobiy holat bo'lsa, ikkinchi tomondan, hozirgi kunda tomorqa ekin maydonlarining qariyb 450 ming gektaridan ortig'i ekin maydonlaridan samarasiz foydalanish qishloq aholisi daromadining kamayishiga sabab bo'lmoqda. Urgut tumanida tomorqa yer egalari somi 66125 kishi bo'lib, o'rtacha ekin maydoni 6 sotixni tashkil etadi. Tomorqa xo'jaliklarida resurslardan optimal foydalanish hisobiga kartoshkachilikdan yuqori natijaga erishishi mumkin. O'rganilgan obyektlar (kartoshkachilik)da resurslar sarfini o'rtacha 5 % ga kamaytirish hisobiga kartoshka ekin maydonlaridan optimal foydalanish hisobiga kartoshka hosildorligini 9,5 % ga oshirish, resurslar sarfini kamaytirish hisobiga kartoshkachilikda samaradorlikka erishish mumkin. Shuningdek, joriy yilda olingan kartoshka hosildorligini o'zgartirmagan holda, kartoshka ekin maydonlarining kamayishi hisobiga boshqa turdagi qishloq xo'jalik ekinlarini yetishtirish aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish bilan bir qatorda qishloq aholisi daromadining oshishiga erishish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-apreldagi PQ-3680-sonli «Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari faoliyatini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5199-sonli «Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari huuqqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, qishloq xo'jaligi ekin maydonlaridan samarali foydalanish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni. // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – № 11. – 2017.

3. *Hasanov Sh.* Cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligining metodologik masalalari. Monografiya. – T.: «Fan», 2013.

4. *Muratov Sh.* Technical Efficiency of using water and soil resources in Samarkand. A Case Study of Samarkand region, in Uzbekistan. A thesis presented to graduate school of the Tokyo University of Agriculture and Technology of the requirements for the degree of master of Agriculture. Japan, 2016.

5. *William W. Cooper, Lawrence M. Seiford, Joe Zhu.* Data Envelopment Analysis: History, Models, and Interpretations. Handbook on Data Envelopment Analysis, 2nd ed. 2011. USA: Springer.

6. Urgut tumani pasporti, qishloq xo'jaligi bo'limi hamda statistika bo'limining ma'lumotlari.

7. *Coelli T.J.* Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) Working Papers. №. 8/96, CEPA Working Papers Department of Econometrics University of New England Armidale, NSW 2351, Australia.



**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ШЎРЛАНИШ ШАРОИТИДА
ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИНИНГ
ФИТОГОРМОНЛАР БИЛАН СУПРАМОЛЕКУЛЯР
КОМПЛЕКСЛАРИНИ ҒЎЗАНИНГ
(*Gossypium hirsutum* L.)
УНИШ БОСҚИЧИДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

*Джурсаев Тўлқин Арзиқулович,
тадқиқотчи.*

Гулистон давлат университети

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида яна кўп гапиришимиз мумкин. Лекин ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш, хотиржамликка берилиш бизга ярашмайди. Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам жуда кўплигини барчамиз яхши биламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аннотация

*Ушбу тадқиқот ишида ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизидан ажратиб олинган глицирризин кислотаси (ГК)нинг фитогормонлар (ФГ) (ИСК, НСК, ИМК, кинетин) билан супрамолекуляр комплекслари синтез қилинган-кимёвий идентификацияланган ва уларнинг ғўзанинг (*Gossypium hirsutum* L.) «Султон» навини унинг кўрсаткичларига таъсири ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** глицирризин кислота, фитогормон, супрамолекуляр комплекс, чигит, унувчанлик, ғўза, унинг энергияси.*

Аннотация

В этой исследовательской работе описан процесс синтеза супрамолекулярных комплексов глицирризиновой кислоты с фитогормонами, выделенными из корня солодки, а также изучено их влияние на показатели культивирования сорта хлопчатника «Султан».

***Ключевые слова:** глицирризиновая кислота, фитогормон, супрамолекулярный комплекс, семена хлопчатника, плодородие, энергия роста.*

Abstract

In this research work were synthesized supramolecular complexes of glycyrrhizic acid with the plant hormones, extracted from licorice root, is chemically identified and studied their influence on the performance of breeding varieties of cotton «Sultan».

***Key words:** glycyrrhizic acid, phytohormone, supramolecular complex, cotton seeds, fertility, growth energy*

КИРИШ

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ўсимликларни биотик омиллари-га чидамлилигини нанотехнологик усуллар ёрдамида ошириш бўйича инновацион ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда ташқи стресс омилларга таъсирини молекуляр-генетик усуллар асосида бошқариш борасида натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Шунга кўра, мамлакатимизда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган буғдойнинг замбуруғли фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини табиий физиологик фаол моддалар ёрдамида оширишнинг молекуляр механизмини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сонли «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2016 йил 7 февралдаги «2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни 2016 йилда амалда жорий этишнинг йўл харитаси», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш асосида яратилган шароит хориждан келтириладиётган маҳсулотларнинг ўрнини боса оладиган маҳсулот ва технологиялар яратиш имкониятини юзага келтирди. Шунга кўра, ушбу тадқиқот иши асосида маҳаллий хомашё асосида яратилган препаратнинг ғўза ва донли экинларнинг ўсиши ва ривожланишида қўлланилиши йўлга қўйилиши маҳаллий препаратларнинг янги авлодини яратилишида алоҳида улуш бўлиб қўшилди.

Ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) дунё микёсида турли хил мақсадларда ва кенг спектрда фойдаланиш имкониятига эга бўлган хомашё олинувчи қимматли қишлоқ хўжалиги экин турларидан бири сифатида эътироф этилади [1]. Маълумки, саноатда фойдаланиладиган табиий толанинг 60 фоизини пахта толаси ташкил қилади. Шу сабабли дунёда юқори си-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.



фатли пахта толаси етиштиришга алоҳида эътибор берилади. Ғўза парваришида ташки стресс омиллар таъсирини бошқариш, ҳосил ва ҳосил сифатини ошириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ташки таъсир этувчи стресс омилларга ғўза ниҳолларининг чидамлилигини ошириш ва авж олиб ривожланиши ҳамда нобуд бўлишини олдини олишда илғор агротехнологиялардан фойдаланиш билан бирга, табиий бирикмалардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Охирги йилларда ўсимликларни ўсиш-ривожланишида ташки омиллар ва улар таъсирини физиологик фаол моддалар ёрдамида бошқариш Sergey Shabala, Leonard ва Szabo, Takeuchi, Hirai, Kamuro, Kopdo, Glastron, Радюкина, Шакирова, Кинтя томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларида ўз аксини топган. Шунингдек, стероидли гликозидларнинг ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, сув алмашинуви ҳамда фотосинтез ва нафас олиши, ҳосилдорлиги, патоген ва ташки экстремал омилларга чидамлилигига таъсири каби физиологик хусусиятлари Жакотэ, Кирилов, Шишкану томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланган.

Бугунги кунда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиш босқичларида ташки омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда чидамлилигини ошириш энг долзарб масалалардан биридир. Шунга кўра, ушбу тадқиқотнинг мақсади глицирризин кислота ва айрим фитогормонлар супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида ғўзани (*Gossypium hirsutum* L.) «Султон» навининг униш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқот материаллари ва услублари

Тадқиқотда ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг биологик фаоллигини таҳлил қилишда объект сифатида ғўзанинг (*Gossypium hirsutum* L.) «Султон» нави танлаб олинди.

Тезпишар ва нисбатан ҳосилдор «Султон» нави Ўзбекистон иқлим – тупроқ шароитида истикболли навлардан бири бўлиб, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида Намазов Ш. ва бошқалар томонидан турлараро дурагайлаш йўли яратилган ва 2011 йилда амалиётга жорий қилинган, вегетация даври 115–120 кун; поясининг бўйи 130–140 см; 1000 дона чигитнинг оғирлиги 130–135 г; ҳосилдорлиги республикамиз шароитида 40–48,3 ц/га га тенг ҳисобланади.

Ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг лаборатория шароитида ундириш стандарт услуб ёрдамида бажарилди, бунда чигит этанол эритмасида (70% ли) 3 дақиқа давомида стерилизацияланиб, дистилланган сувда ювилди ва этанол эритмасида (70% ли) стерилизацияланган Петри чашкаси диаметрига тенг ўлчамда кесилган «Ватман №1» («Sigma–Aldrich»; Германия) ва дистилланган сув (10 мл) шимдирилган филтър қоғози усти-

да, термостатда $+25\pm 2^{\circ}\text{C}$ ҳарорат шароитида ундирилди. Тажрибаларда экспериментал шўрланиш модели NaCl («Sigma–Aldrich»; Германия) эритмаси (200 мм) ёрдамида юзага келтирилди ва назорат гуруҳида дистилланган сувдан фойдаланилди. Тажрибаларда ғўза чигитининг униш даражаси ва униш энергияси таҳлил қилинди. *Униш даражаси* – умумий тажрибада фойдаланилган уруғлар сонига нисбатан меъёрий даражада унган уруғларнинг улушини (%) ифодалайди. *Униш энергияси* – ўтган вақт давомида меъёрий даражада унган чигитнинг умумий уруғлар сонига нисбатан улушини (%) ифодалайди. Ғўза чигитининг униш даражаси қуйидаги формула (1) ёрдамида ҳисобланди:

$$\text{Униш даражаси} = \frac{n}{N} \times 100 \quad (1)$$

Бу ерда: n – унган уруғларнинг сони (дона); N – Петри чашкасидаги умумий уруғларнинг сонини ифодалайди (дона).

Петри чашкасида чигит (100 дона) униш жараёни давомида дистилланган сув ёрдамида намлантириб турилди ва 48 соатдан (2 сутка) кейин униш даражаси (%), 10 суткадан кейин поя ва илдиз узунлиги (см), шунингдек, биомассанинг нам ва курук ҳолатдаги оғирлиги (г) қайд қилинди.

Олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш стандарт биометрик услублар асосида, OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, АҚШ) махсус дастур пакети ёрдамида математик-статистик қайта ишланди.


Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Тажрибаларда маҳаллий ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) ўсимлиги илдизи экстрактини тайёрлаш ва унинг таркибидан ГК ни ажратиб олиш, кимёвий идентификациялаш стандарт услублар ёрдамида амалга оширилди.

Тажрибаларда ширинмия ўсимлиги (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизидан ГК ни ажратиб олиш; унинг фитогормонлар билан супрамолекуляр комплексларини синтез қилиш, уларни кимёвий идентификациялаш $4000\text{--}400\text{ см}^{-1}$ ютилиш диапазонида «Shimadzu» ИК–Фурье спектрофотометри қурилмаси (Япония) ва «Perkin–Elmer Spectrum IR» – 10.6.1 (АҚШ) ёрдамида амалга оширилди. Қуйидаги расмда ГК нинг β -индолил-3-сирка кислотаси (ИСК) билан 4:1 нисбатдаги супрамолекуляр комплексининг ИК–Фурье спектрлари келтирилган (1-расм).

Тажрибаларда стандарт ИСК («Eastman Kodak», АҚШ) фойдаланилди. ИК–Фурье спектрлари $4000\text{--}400\text{ см}^{-1}$ ютилиш диапазонида ИК–Фурье спектрофотометри қурилмаси («Perkin–Elmer Spectrum IR» – 10.6.1; АҚШ) ёрдамида қайд қилинди. Спектрлар $>4\text{ см}^{-1}$ руҳсат этилиш қиймати шароитида аниқланди. Синов-намуналари таркибидаги намликни адсорбциялаш учун вакуум шароитида (0,1–0,05 мм с.у.) спектрал тоза ҳолатдаги КВг («Merck», Германия) таблеткаси шаклида прессланди.





1-расм. ГК:β – Индолил – 3-сирка кислота (ИСК) супрамолекуляр комплексининг ИК – Фурье спектрлари.

Ушбу келтирилган услуб ёрдамида ГК ва НСК, ИМК, кинетин супрамолекуляр комплекслари синтез қилинди ва кимёвий тавсифланди. Қуйидаги жадвалда ГК ва ИСК, НСК, ИМК, кинетин супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Султон» навининг (*Gossypium hirsutum* L.) униш кўрсаткичларига таъсири бўйича олинган экспериментал натижалар келтирилган (1-жадвал). Олинган натижалардан кўриш мумкинки, ГК:ФГ(ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) таъсирида назоратга нисбатан лаборатория шароитида «Султон» нави (*Gossypium hirsutum* L.) поясининг узунлиги (см), илдизнинг узунлиги (см) ва унган биомассанинг оғирлиги (г) сезиларли даражада ортиши аниқланди.

1-жадвал


ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг лаборатория шароитида «Султон» гўза нави (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг униш кўрсаткичларига таъсири ($M \pm m$)

Тажриба вариантлари	Поянинг узунлиги (см)	Илдизнинг узунлиги (см)	Унган биомассанинг оғирлиги (г)	
			Нам ҳолатда	Курук ҳолатда
Назорат (дистилянган сув)	5,4±0,08	3,2±0,04	2,34±0,06	0,45±0,02
ГК (100 мкМ)	4,6±0,04	2,8±0,03	2,12±0,04	0,36±0,02
ИСК (100 мкМ)	7,3±0,05	4,7±0,02	4,25±0,05	0,54±0,03
ГК:ИСК (4:1) 100 мкМ	7,6±0,04	5,2±0,01	5,05±0,03	0,63±0,02
ГК:НСК (4:1) 100 мкМ	3,7±0,01	3,7±0,02	3,39±0,03	0,44±0,04

ГК:ИМК (5:1) 100 мкМ	5,5±0,02	3,3±0,04	3,48±0,06	0,37±0,03
ГК:Кинетин (4:1) 100 мкМ	7,2±0,01	5,1±0,02	4,08±0,04	0,55±0,02

Изоҳ: * – назоратга нисбатан статистик ишонччилик даражаси $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$ ($n=3-4$).

Навбатдаги тажрибалар серияси давомида ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш ($\text{NaCl}=200$ мМ) шароитида «Султон» нави (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг униш кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинди.



2-расм. А. Назорат; Б. Экспериментал шўрланиш ($\text{NaCl} = 200$ мМ); В. ГК:ИСК (4:1) 100 мкМ инкубацияси шароитида «Султон» ғўза нави чигитининг униш жараёнида (5-сутка) морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариши


Тажрибаларда назорат гуруҳида «Султон» нави (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг униш даражаси 10-суткада $82,4 \pm 3,4\%$ ни ташкил қилиб, экспериментал шўрланиш ($\text{NaCl}=200$ мМ) шароитида бу кўрсаткич қиймати $36,5 \pm 4,2\%$ га камайиши қайд қилинди. Экспериментал шўрланиш ($\text{NaCl}=200$ мМ) шароитида ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) инкубацияси шароитида эса «Султон» ғўза нави (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг униш даражаси 10-суткада мос равишда – $74,1 \pm 5,6\%$; $56,8 \pm 2,4\%$; $63,2 \pm 3,5\%$ ва $70,9 \pm 2,6\%$ гача қайта тикланиши аниқланди (2А-расм).

Шунингдек, тажрибаларда назорат гуруҳида «Султон» ғўза нави (*Gossypium hirsutum* L.) чигитининг униш энергияси 7-суткада $54,6 \pm 2,7\%$ ни ташкил қилиб, экспериментал шўрланиш ($\text{NaCl}=200$ мМ) шароитида бу кўрсаткич қиймати $21,8 \pm 2,6\%$ га камайиши ва ушбу шароитда ГК:ФГ (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) инкубацияси таъсирида мос равишда – $42,5 \pm 3,6\%$; $30 \pm 2,5\%$; $39,6 \pm 2,8\%$ ва $28,3 \pm 3,7\%$ гача қайта тикланиши аниқланди (3Б-расм).

Ҳозирги вақтда шўрланиш глобал микёсда долзарб муаммо ҳисобланиб, умумий курукликнинг $\sim 7\%$ ($\sim 930\,000\,000$ гектар), қишлоқ хўжалиги-



да фойдаланилувчи ер майдонларининг ~20% қисми ва суғориладиган ер майдонларининг ~20–50% қисми шўрланишга учрагани қайд қилинади ва ғўзанинг чигит униши, ўсимликнинг ўсиш-ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи стресс-омиллар орасида шўрланиш асосий ўринни эгаллайди.



3-расм. ГК:Фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларининг экспериментал шўрланиш (NaCl = 200 мМ) шароитида «Султон» ғўза нави (*Gossypium hirsutum* L.) униш даражаси (А) ва униш энергияси га таъсири (Б). А. Ордината ўқида – чигитнинг униш даражаси (%); Б. Ордината ўқида – униш энергияси (%) ифодаланган (* – $p < 0,05$; ** – $p < 0,01$).

Ғўзанинг (*Gossypium hirsutum* L.) шўрланиш таъсирига чидамлилик механизмлари шаклланиши айрим тадқиқотчилар ишларида таҳлил қилинган. Жумладан, шўрланиш таъсирида ғўза илдинининг морфометрик кўрсаткичлари камайиши қайд қилинган. Тадқиқотларда шўрланиш таъсирида ўсимлик ҳужайраларида ионлар транспорти, жумладан, ҳужайрадаги $[Na^+]_{in}$ миқдори динамикаси ўзгариши фенотипда қайд қилинувчи морфометрик кўрсаткичлар асосини ташкил қилувчи биокимёвий/физиологик ўзгаришлар механизми индукциясини белгилаб бериши тахмин қилинади. Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг шўрланиш шароитида чидамлилик даражасини оширишда фитогормонлардан фойдаланиш истикболлари юқори баҳоланади.

Жумладан, тадқиқотларда фитогормонлар (ИСК, кинетин ва бошқ.) ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) ўсимлигининг меристема ҳужайраларининг ўсиш-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши қайд қилинган.

Глицирризин кислотасининг фитогормонлар (ФГ: ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) билан супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) таъсирида ғўзанинг морфометрик кўрсаткичлари ортиши, шунингдек, чигитининг 10-суткада униш даражаси назорат гуруҳида $82,4 \pm 3,4\%$ ни ташкил қилиши; экспериментал шўрланиш ($\text{NaCl} = 200 \text{ мМ}$) шароитида $36,5 \pm 4,2\%$ га камайиши ва бу шароитда ГК:ФГ супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) инкубациясида мос равишда – $74,1 \pm 5,6\%$; $56,8 \pm 2,4\%$; $63,2 \pm 3,5\%$ ва $70,9 \pm 2,6\%$ гача қайта тикланиши аниқланди. Назорат гуруҳида ғўза чигитининг униш энергияси 7-суткада $54,6 \pm 2,7\%$ ни ташкил қилиб, экспериментал шўрланиш шароитида $21,8 \pm 2,6\%$ га камайиши ва ГК:ФГ супрамолекуляр комплекслари (100 мкМ) таъсирида мос равишда – $42,5 \pm 3,6\%$; $30 \pm 2,5\%$; $39,6 \pm 2,8\%$ ва $28,3 \pm 3,7\%$ гача қайта тикланиши аниқланди.

Олинган экспериментал натижалар келгусида глицирризин кислота (ГК) ва фитогормонлар (ИСК, НСК, ИМК ва кинетин) супрамолекуляр комплексларидан амалиётда биокимёвий/физиологик жараёнлар стимуляцияси орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиш-ривожланиш, ўз навбатида ҳосилдорлик кўрсаткичларини оптималлаштириш мақсадларида иқтисодий ресурстежамкорлик асосида фойдаланиш истиқболлари юқорилигини тасдиқлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Smith W.C.* Production Statistics // Cotton: Origin, History, Technology and Production (Eds. Smith W.C., Cothren J.T.). – New York («John Wiley and Sons»). – 1999. – P.435–449.
2. *Brubaker C.L., Bourland F.M., Wendel J.E.* The Origin and Domestication of Cotton // // Cotton: Origin, History, Technology and Production (Eds. Smith W.C., Cothren J.T.). – New York («John Wiley and Sons»). – 1999. – P. 3–31.
3. *Озигит И.И., Гоуқурмизи Н.* Эффективность образования побегов и корней из стеблевых апексов хлопчатника // Физиология растений. – 2009. – Т. 56. – № 4. – С.581–586.
4. *Радюкина Н.Л., Манелли С., Иванов Ю.В., Карташов А.В., Брамбилла И., Кузнецов В.В.* Гомеостаз полиаминов и антиоксидантные системы корней и листьев *Plantago major* при солевом стрессе, 2009. – Т. 56. – № 3. – С. 359–368.

ЭКСТРАКЦИОН ФОСФАТ КИСЛОТНИ ОҲАКТОШ ХОМАШЁСИ БИЛАН НЕЙТРАЛЛАШ АСОСИДА КАЛЬЦИЙ ВА МАГНИЙ ФОСФАТЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШ

Мамуров Баҳодир Арифжанович,
таянч докторант.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Аннотация

Ушбу тадқиқот ишида маҳаллий карбонатли хомашё оҳактошдан фойдаланган ҳолда таркибида кальций ва магний бўлган фосфорли оддий ўғит олиш жараёни келтирилган. Ишлаб чиқаришда мазкур усул фойдаланилганда фосфорли оддий ўғитлар олишга маҳаллий карбонатли хомашёларни қамраб олиш мумкинлиги аниқланган.

Калит сўзлар: фосфат кислота, экстракцион фосфат кислота, ўғит, минерал ўғит, фосфорли ўғит, кальций карбонат, магний карбонат, оҳактош, монокальций фосфат, дикальцийфосфат, қўшалоқ суперфосфат.

Аннотация

В работе описаны способы получения кальция и магнийсодержащих одиарных фосфорных удобрений при помощи местного карбонатного сырья – известняка. Установлено, что использование данного способа эффективно при получении одиарных фосфорных удобрений.

Ключевые слова: фосфорная кислота, экстракционная фосфорная кислота, удобрения, минеральные удобрения, фосфорные удобрения, карбонат кальция, карбонат магния, известняк, монокальцийфосфат, дикальцийфосфат, двойной суперфосфат.

Abstract

The article presents the processes of obtaining calcium and magnesium-containing ordinary phosphorus fertilizers using local carbonate raw materials – limestone. It is established that the use of this method in production leads to the attraction of local carbonate raw materials to produce ordinary phosphorus fertilizers.

Key words: phosphoric acid, extraction phosphoric acid, fertilizers, mineral fertilizers, phosphorus fertilizers, calcium carbonate, magnesium carbonate, limestone, monocalcium phosphate, dicalcium phosphate, double superphosphate.

КИРИШ

Бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган фосфорли ўғитлар апатит ва фосфатли концентратлар асосида олинади. Ўғитлар ишлаб чиқариш халқаро ассоциацияси (IFA) маълумотлари бўйича 2012 йилдан 2019 йилгача фосфорли ўғитлар 100% P_2O_5 ҳисобида 42,706 дан 46,648 миллион тоннагача ортган. Бу эса таъсир этувчи модда бўйича фосфорли ўғитларга талаб йилига ўртача 1 млн тоннага ортганини кўрсатади. Лекин бой фосфатли хомашёларнинг камайиб бориши натижасида ишлаб чиқаришга паст навли, хусусан, карбонатли хомашёларни қамраб олиш тенденцияси кузатилади, улар дунё микёсидаги фосфатлар захирасининг учдан икки қисмини ташкил этади [1]. Бугунги кунда республикамызда йирик тадбирларни амалга ошириш натижасида маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босадиган фосфорли ва мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришни яратиш ва ўзлаштириш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган «Харакатлар стратегияси»нинг учинчи йўналишида саноатни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, маҳсулотлар ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу муносабат билан, тупроқ унумдорлигини, уруғлар униши ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ортишини таъминлайдиган таркибида кальций ва магний макроэлементлари бўлган фосфорли ўғитлар, ишлаб чиқаришнинг самарадор технологияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг асосий бош омилларидан бири, биринчи навбатда, ўғитлардан кенг қамровли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кимёлаштириш ҳисобланади, шу орқали қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини ўртача 40–50% оширишга эришиш мумкин [3, 4]. Ўғитларни ишлаб чиқариш ва қўллашга сарфланган харажатлар қўшимча ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобидан 2–3 баробар қопланади.

Асосий қисм. Республикамыз қишлоқ хўжалигида фосфорли ўғитлар сифатида асосан Қизилқум фосфоритларидан олинган аммофос, шунингдек, оддий суперфосфат ишлатилади. Маълумки, аммофос таркибида кальций бўлмайди. Аммофосдан узоқ вақт мунтазам фойдаланиш натижасида тупроқ таркибидаги харажатчан кальций ва магний йилдан-йилга камайиб боради. Бу эса ўсимлик ва тирик организмлардаги кальций ва магнийнинг етишмовчилигига олиб келади. Натижада, тупроқ структура-

си ёмонлашади, ўсимликлар ҳосилдорлиги пасаяди, тирик организмларда касалликлар келиб чиқади. Республикамиз ҳудудида саноат ишлаб чиқариш технологик талабларига жавоб берадиган кальций ва магний карбонатларидан ташкил топган: калцит, оҳактош, доломит ва бошқа маҳаллий норуца минерал хомашёлар кўп миқдорда учрайди. Республикамиз давлат балансига олинган 24 та оҳактош ва доломитлашган оҳактош конлари (шунингдек, 4 та бошқа турдаги карбонат хомашёлари конлари) бўлиб, уларнинг захираси 1017,8 млн тоннани ташкил қилади, саноат категориялари бўйича оҳак олиш учун атиги 294 минг тонна оҳактош ишлатилади. Бундан ташқари, сув тозалаш иншоотларида катта миқдорда таркибида кальций ва магний карбонатлари бўлган чиқиндилар ҳосил бўлади ва уларни комплекс қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Кальций ва магний карбонатли хомашёлар ва чиқиндиларни технологик нуқтаи назардан комплекс ўрганиш ҳамда улардан саноат миқёсида сифатли маҳсулотлар – ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган кальций (шунингдек, магний) фосфатли ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалда фосфоритлардан олинган экстракцион фосфат кислотани (ЭФК) нейтраллашга асосланган ҳолда концентранган фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Бунда нейтралловчи восита сифатида аммиак гази (аммофос ишлаб чиқаришда), фосфорит (кўшалок суперфосфат туридаги ўғитлар ишлаб чиқаришда) кабилардан фойдаланилади. ЭФКни нейтралланиш жараёнини табиий карбонатли хомашёлар – бўр, оҳактош, доломит кабилар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Натижада таркибида осон ўзлашадиган шаклдаги кальций ва магний тутган фосфорли ўғитлар олиш мумкин бўлади.

Фосфат кислотали тузлар эритмаларига аммоний нитрат қўшилганда эритма таркибидаги тузларнинг сувда эрувчанлиги яхшиланади. Шу сабабли бошланғич ЭФКга аммоний нитрат қўшилади ва уни карбонатли хомашёлар билан нейтраллаш орқали осон ўзлашадиган шаклдаги кальций ва магний тутган концентранган фосфорли ўғитлар олишга эришилади.

Тадқиқот объекти сифатида таркибида, оғ. % ҳисобида: CaO – 54,09, MgO – 1,07, R₂O₃ – 0,19, SO₃ – 0,09, CO₂ – 43,65, H₂O – 0,29, э.к – 0,62 бўлган Наманган вилояти Янгикўрғон тумани Паромон кони оҳактоши ва таркибида, оғ.% ҳисобида: P₂O₅ – 17,23, CaO – 0,32, MgO – 0,66, Fe₂O₃ – 0,30, Al₂O₃ – 0,41, F – 1,18 бўлган «Аммофос-Максам» АЖ экстракцион фосфат кислотаси (ЭФК) хомашёлари ишлатилди. Оҳактошни куйдириш муфель печида амалга оширилди, бошланғич хомашёлар, оралик ва тайёр маҳсулотларни кимёвий таҳлиллари маълум бўлган усулларда амалга оширилди.

ЭФКни фосфоритлар ва карбонатли хомашёлар билан нейтралланганда кўп миқдорда кўпик ҳосил бўлади. Сўниши қийин бўлган бундай кўпик ишлаб чиқариш самарадорлигининг кескин пасайишига олиб келади. Шунинг учун ЭФКни нейтраллашда кўпикланиш жараёнига оҳақтош хомашёсини дастлабки термик қайта ишлашнинг таъсири ўрганилди. Бунинг учун таркибида, оғ. % ҳисобида: $\text{CaO} = 54,09$, $\text{MgO} = 1,07$, $\text{R}_2\text{O}_3 = 0,19$, $\text{SO}_3 = 0,09$, $\text{CO}_2 = 43,65$, $\text{H}_2\text{O} = 0,29$, эримайдиган қолдиқ = 0,62 бўлган оҳақтош хомашёсига $100\div 1050^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида термик ишлов берилди ва ҳосил қилинган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби аниқланди (1-жадвал).

Хомашёга $100\div 500^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида термик ишлов берилганда ундаги намлик ва кристаллизация сувларининг ажралиб чиқиши ҳамда темир ва алюминий гидроксидларининг парчаланишидан ҳосил бўлган сув буғи ҳисобига намунанинг массаси 0,29% га камаяди.

Назарий маълумотларга кўра, магний карбонатнинг (MgCO_3) парчаланиши 500°C , доломитнинг ($\text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3$) парчаланиши 600°C , кальцитнинг (CaCO_3) парчаланиши эса $850\text{--}900^\circ\text{C}$ дан бошланади [9] ва 1050°C ҳароратда 1 соат давомида карбонатли минералларнинг барчаси тўла парчаланadi. Бунинг натижасида таркибида, оғ. % ҳисобида: $\text{CaO} = 96,49$, $\text{MgO} = 1,91$, $\text{R}_2\text{O}_3 = 0,34$, $\text{SO}_3 = 0,16$ ва эримайдиган қолдиқ = 1,11 бўлган маҳсулот олинади.

1-жадвал


**Доломитлашган бўрсимон хомашё кимёвий таркибининг
қуйдириш ҳароратига боғлиқлиги**

№	Қуйдириш ҳарорати, $^\circ\text{C}$	Қуйдириш давомийлиги, дақиқа	Масса йўқотилиши, %	Олинган маҳсулот кимёвий таркиби, %						
				CaO	MgO	R ₂ O ₃	SO ₃	CO ₂	H ₂ O	э.к.
				54,09	1,07	0,19	0,09	43,65	0,29	0,62
1.	100	60	0,07	54,13	1,07	0,19	0,09	43,68	0,22	0,62
2.	200	60	0,08	54,13	1,07	0,19	0,09	43,68	0,21	0,62
3.	300	60	0,13	54,16	1,07	0,19	0,09	43,71	0,16	0,62
4.	400	60	0,19	54,19	1,07	0,19	0,09	43,73	0,10	0,62
5.	500	60	0,21	54,20	1,07	0,19	0,09	43,74	0,08	0,62
6.	600	60	0,29	54,25	1,07	0,19	0,09	43,78	–	0,62
7.	700	60	1,08	54,68	1,08	0,19	0,09	43,33	–	0,63
8.	800	60	3,05	55,79	1,10	0,20	0,09	42,18	–	0,64
9.	850	60	6,77	58,02	1,15	0,20	0,10	39,87	–	0,67

10.	900	60	18,87	66,67	1,32	0,23	0,11	30,90	–	0,76
11.	950	60	31,9	79,43	1,57	0,28	0,13	17,68	–	0,91
12.	1000	180	43,92	96,45	1,91	0,34	0,16	0,04	–	1,11
13.	1050	180	43,94	96,49	1,91	0,34	0,16	–	–	1,11

Экстракцион фосфат кислотани оҳактош хомашёси билан нейтралланганда сўниши қийин бўлган кўпикнинг ҳосил бўлиши карбонатларнинг парчаланишидан ажралиб чиқадиган карбонат ангидридгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки хомашё таркибидаги органик бирикмалар қолдиғи мавжуд бўлишига ҳам боғлиқ бўлади. Нейтраллаш жараёнида ҳосил бўладиган кўпикнинг сўниши бошқа хомашёларга (бўр, сув тозалаш иншооти чиқиндиси) нисбатан жадал бориши кузатилади. Термик ишлов бериш жараёнида органик бирикмаларнинг хомашё таркибидан йўқолиши сўниши қийин бўлган кўпикнинг камайишига олиб келади.

Оҳактош хомашёсига $500\div 950^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида термик ишлов беришдан ҳосил қилинган маҳсулотлар билан таркибида, оғ. % ҳисобида: $\text{P}_2\text{O}_5 = 17,23$, $\text{CaO} = 0,32$, $\text{MgO} = 0,66$, $\text{Fe}_2\text{O}_3 = 0,30$, $\text{Al}_2\text{O}_3 = 0,41$, $\text{F} = 1,18$ ва бошқалар бўлган ЭФК нейтралланди ва бу жараёнлардаги кўпикланиш ва ҳосил бўлган кўпикланиш даражасининг вақт давомида ўзгариши ўрганилди (1-расм). ЭФКни хомашёнинг куйдириш маҳсулотлари билан нейтраллаш жараёнида кислота меъёри монокальцийфосфат, мономагнийфосфат, темир ва алюминий фосфатлари ҳосил бўлишига мувофиқ келадиган стехиометрик миқдорга нисбатан 100% ни ташкил этди.



1-расм. Оҳактош хомашёсига термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқ ҳолда ЭФКни нейтраллаш жараёнида кўпикланиш даражасининг вақт давомида ўзгариши: 1 – оҳактош хомашёсига термик ишлов берилмаган; 2 – 500°C ; 3 – 700°C ; 4 – 800°C ; 5 – 950°C .

Жараёнда кўпик ҳосил бўлиш даражасини белгилаш учун реакция аралашмаси (суспензия) баландлигига нисбатан ҳосил бўлган кўпик баландлигининг фоиздаги ифодасини кўпикланиш даражаси деб олинди.


ЭФКни термик ишлов берилмаган хомашё билан нейтралланганда ҳосил бўладиган кўпикланиш даражаси 5 дақиқада 335% га кўтарилади, у 15 дақиқада 115% гача, кўпикланишнинг батамом сўниши учун 45 дақиқа вақт сарфланади. Оҳактош хомашёсига термик ишлов берилишидан ҳосил қилинган маҳсулотлар билан ЭФК нейтралланганда кўпикланиш даражаси анчагина пасаяди: 500°C, 700°C, 800°C ва 950°C ҳароратда термик ишлов берилган хомашёлардан фойдаланилганда кўпикланиш даражаси мувофиқ ҳолда 5 дақиқа давомида 288%, 215%, 124% ва 92% ни, 15 дақиқа давомида 80%, 54%, 12% ва 0% ни ташкил этади. Суспензияни аралаштириб туриш 20 дақиқача давом эттирилганда 800°C ва 950°C ҳароратда термик ишлов берилган хомашёлардан ҳосил бўладиган кўпиклар тўла сўниши кузатилади.

ЭФКни оҳактош хомашёси билан нейтраллаш жараёнида кўпикланиш-ни камайтириш мақсадида бошланғич хомашёга термик ишлов берилмаган (кимёвий таркиби юқорида келтирилган) ҳамда таркибида, оғ. % ҳисобида: CaO = 55,79, MgO = 1,1, R₂O₃ = 0,20, SO₃ = 0,09, CO₂ = 42,18 ва эримайдиган қолдиқ = 0,64 бўлган 800°C ҳароратда термик ишлов берилган оҳактош хомашёлари ишлатилди. Дастлабки термик ишлов берилмаган ва 800°C ҳароратда термик ишлов берилган оҳактош хомашёлари билан ~17% P₂O₅ концентрацияли ЭФКни аммоний нитрат (1%) иштирокида кислота меъёри монокальцийфосфат, мономагнийфосфат, темир ва алюминий фосфатлари ҳосил бўлишига мувофиқ келадиган стехиометрик миқдорга нисбатан 100% ни ташкил этган ҳолда хона ҳароратида (20–25°C), 60 дақиқа давомида нейтралланди. Бунинг натижасида ҳосил қилинган суспензиялар буғлатилди ва 95–100°C ҳароратда қуритилди. ЭФКни оҳактош ва уни куйдириш маҳсулоти билан нейтраллашда ҳосил қилинган суспензия, олинган маҳсулот ҳамда жараённинг технологик параметрлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ЭФКни оҳактош хомашёси билан нейтраллашда ҳосил қилинган суспензия ҳамда уни қуритилишидан олинган маҳсулотнинг кимёвий таркиби ва жараённинг технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Суспензия		Қуритилган маҳсулот	
Бошланғич карбонатли хомашёга термик ишлов бериш ҳарорати	–	800°C	–	800°C



P ₂ O ₅ (умумий), %	15,64	15,95	48,05	47,88
P ₂ O ₅ (ўзлашадиган), %	15,40	15,67	47,26	46,98
P ₂ O ₅ (сувда эрийдиган), %	14,48	14,73	44,18	43,96
CaO (умумий), %	6,76	6,79	20,77	20,38
MgO (умумий), %	0,74	0,76	2,29	2,23
R ₂ O ₃ (умумий), %	1,10	1,11	3,38	3,33
SO ₃ (умумий), %	0,76	0,76	2,33	2,28
F, %	1,03	1,05	0,60	0,58
N (умумий), %	0,32	0,32	0,99	0,97
H ₂ O, %	67,75	67,27	0,92	1,75
(P ₂ O ₅ ўзл.: P ₂ O ₅ умум.) x 100, %	98,45	98,24	98,36	98,12
(P ₂ O ₅ с.э.: P ₂ O ₅ умум.) x 100, %	92,58	92,36	91,94	91,83

Дастлабки термик ишлов берилмаган ва 800°C ҳароратда термик ишлов берилган оҳактош хомашёлари билан ~17% P₂O₅ концентрацияли ЭФКни аммоний нитрат (1%) иштирокида нейтралланганда, таркибида мос ҳолда оғ. % ҳисобида: P₂O₅_{умум.} = 15,64 ва 15,95; P₂O₅_{ўзл.} = 15,40 ва 15,67; P₂O₅_{с.э.} = 14,48 ва 14,73; CaO = 6,76 ва 6,79; MgO = 0,74 ва 0,76; N = 0,32 ва 0,32; H₂O = 67,75 ва 67,27 бўлган суспензия олинади. Бундай суспензиядаги ўзлашадиган фосфатлар микдори, яъни (P₂O₅_{ўзл.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбат 98,45 ва 98,24% ни ташкил қилади.

Ҳосил қилинган суспензия 95÷100°C ҳарорат интервалида қуритилганда, таркибида оғ. % ҳисобида: P₂O₅_{умум.} = 48,05 ва 47,88; P₂O₅_{ўзл.} = 47,26 ва 46,98; P₂O₅_{с.э.} = 44,18 ва 43,96; P₂O₅_{эркин} = 2,05 ва 1,96; CaO = 20,77 ва 20,38; MgO = 2,29 ва 2,23; N = 0,99 ва 0,97; H₂O = 0,92 ва 1,75 бўлган кальций ва магнийфосфатли ўғит ҳосил бўлади. Олинган маҳсулотдаги (P₂O₅_{ўзл.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбат 98,36 ва 98,12% ни, (P₂O₅_{с.э.}:P₂O₅_{умум.})x100 нисбат эса 91,94 ва 91,83% ни ташкил этади.


Нагижада ЭФКни оҳактош хомашёси билан нейтраллаш йўли билан таркибида монокальцийфосфат ва мономагнийфосфат бўлган фосфорли ўғитлар олиш жараёнининг оптимал (мақбул) шароити: бошланғич оҳактош хомашёсига термик ишлов бериш ҳарорати – 800°C, бошланғич ЭФК концентрацияси – ~17% P₂O₅, ЭФК меъёри – 100%, нейтраллаш вақти – 60 дақиқа, суспензияни қуритиш ҳарорати – 95 ÷ 100°C бўлиши аниқланди.

ХУЛОСА

Экстракцион фосфат кислотани термик ишлов берилган оҳактош хомашёси билан нейтраллаш, суспензияни буғлатиш, куритиш ва донадорлаш йўли билан осон ўзлашадиган кальций ва магнийфосфатли ўғитлар ишлаб чиқаришни мавжуд аммофос ишлаб чиқариш усулига солиштирилганда аммиак хомашёси сарфини батамом камайтириш ва маҳсулот умумий ҳажмини 4–5% га ошириш имконияти яратилади. Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг мазкур усулида қимматбаҳо хомашё – фосфорит термokonцентрати сарфини кўшалок суперфосфат ишлаб чиқариш усулидагига нисбатан 15–20% га камайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ваккари Дэвид*. Фосфор: грядущий кризис. // В мире науки. – 2009. – № 8. – С. 50–56.
2. Последние достижения в развитии промышленности по производству удобрений. ООН: Нью-Йорк, 1973. – С. 162.
3. *Казарян П.Е.* Химизация народного хозяйства и ее экономическая эффективность. – М.: Знание, 1975. – С. 45.
4. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Т.Н. Долимов, Т.Ш. Шаякубов и др.: Редкол.: Т.Ш. Шаякубов (гл. ред.) и др. – Т.: Университет, 1998. – С. 724.
5. *Позин М.Е.* Технология минеральных удобрений: Учебник для вузов. – Л.: Химия, 1989. – С. 352.
6. *Шамшидинов И.Т.* Қоратоғ ва Марказий Қизилкум фосфоритларидан экстракцион фосфат кислота ишлаб чиқаришнинг такомиллашган ва концентрланган фосфорли ўғитлар олиш технологияларини яратиш. Техника фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация – Т.: 2017. – 193 б.
7. *G'afurov Q.* Mineral o'g'it ishlab chiqarish nazariyasi va texnologik hisoblari: Darslik. – Т.: Fan va texnologiya, 2010. – 360 б.
8. *G'afurov Q.* Mineral o'g'itlar va tuzlar texnologiyasi: Darslik. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 360 б.
9. *Винник М.М., Ербанова Л.Н. и др.* Методы анализа фосфатного сырья, фосфорных удобрений, кормовых фосфатов. – М.: Химия, 1975. – С. 2018.
10. *Кельман Ф.Н., Бруцкус Е.Б., Ошерович Р.Х.* Методы анализа при контроле производства серной кислоты и фосфорных удобрений. – М.: Госхимиздат, 1963. – С. 352.
11. *Крашенинников С.А.* Технический анализ и контроль в производстве неорганических веществ. – М.: Высшая школа, 1986. – С. 280.



МИКРОВОЛНОВАЯ ОБРАБОТКА УПОРНЫХ ЗОЛОТОСОДЕРЖАЩИХ КОНЦЕНТРАТОВ

Фузайлов Омон Убайдуллоевич,
докторант.

Навийский государственный горный институт

Аннотация

В работе представлены результаты микроволнового обжига углеродсодержащего упорного золотосодержащего флотационного концентрата с целью окисления сульфидных минералов и органического углерода, в которых золото связано с сульфидными минералами. Обнаружено, что при мощности 700 Вт две минуты обработки и минута времени перемешивания являются подходящими, поскольку большее время обработки приводит к спеканию и плавлению концентрата. Основным преимуществом этого метода является короткое время обработки и высокая степень удаления серы и углерода.

Ключевые слова: упорная золотосодержащая руда, флотационный концентрат, микроволновый обжиг, сульфидные минералы, удаление углерода, микроволновая мощность, пирит, арсенопирит, органический углерод, окисление.

Annotatsiya

Ushbu maqolada oltingugurtli minerallar bilan bog'liq bo'lgan sulfidli minerallar va organik uglerodni oksidlash uchun uglerodli oltingugurtli flotatsion konsentratni mikroto'lqinli kuydirish natijalari keltirilgan. 700 W quvvatda, ikki daqiqa ishlov berish va bir daqiqa aralashtirish optimal deb topildi, chunki uzoqroq qayta ishlash vaqti konsentratlarning erishiga olib keldi. Ushbu usulning asosiy afzalligi – bu qisqa ishlov berish vaqti va oltingugurt va uglerodni yuqori darajada yo'qotilish darajasidir.

Kalit so'zlar: refrakter oltin rudasi, flotatsiya konsentrat, mikroto'lqinli olov, sulfidli minerallar, uglerodni olib tashlash, mikroto'lqinli quvvat, pirit, arsenopirit, organik uglerod, oksidlanish.

Abstract

The paper presents the results of microwave roasting of carbonaceous refractory gold-bearing flotation concentrate with the aim of oxidizing sulfide minerals and organic carbon, in which gold is associated with sulfide minerals. At the power of 700 W, two minutes of processing and a minute of mixing time were found to be suitable, as more processing time resulted in sintering and melting of the concentrate. The main advantage of this method is short processing time and a high rate of sulfur and carbon removal.

Key words: refractory gold ore, flotation concentrate, microwave roasting, sulfide minerals, carbon removal, microwave power, pyrite, arsenopyrite, organic carbon, oxidizing.

ВВЕДЕНИЕ

Выбор рациональной технологии извлечения золота из золотосодержащих упорных руд определяется тремя основными факторами: абсолютным содержанием и сорбционной активностью свободного углерода в руде; характеристикой присутствующего золота, в частности, его крупностью и ассоциированностью с рудными и пороодообразующими минералами (физическая депрессия золота); наличием золотосодержащих сульфидов (пирит, арсенопирит, халькопирит и др.) [1].

В последнее время поступающие на переработку руды содержат значительное количество углеродистого вещества, которое по своей сути снижает извлечение металла на операциях сорбционного цианирования. Выбор оптимального варианта переработки углистых руд производится с учетом особенностей минерального состава конкретного сырья. Основными видами углеродсодержащих природных сорбентов являются органический и элементарный углерод. Составляющие органического углерода представляют собой гуминовые кислоты и другие биологические вещества, в то время как элементарный углерод может быть графитовым или аморфным [1].

С целью снижения упорности золотосодержащих руд и концентратов сырье подвергают дополнительной обработке (биоокисление, окислительный обжиг, хлорирующий обжиг, автоклавное выщелачивание, микроволновая обработка и т.д.), после которой сульфидные минералы, окисляясь, становятся проницаемыми для цианида, а органический углерод удаляется. В последние годы технология микроволновой обработки широко используется в области переработки минералов. Как альтернативный метод переработки микроволновый обжиг имеет существенные преимущества (снижение потребления электрической энергии и увеличение скорости выщелачивания) по сравнению с обычным окислительным обжигом [2].

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Пирит и другие золотосодержащие сульфиды имеют хорошие характеристики поглощения энергии в микроволновом диапазоне и могут быстро нагреваться при облучении, что позволяет использовать микроволновый обжиг при предварительной обработке упорных золотосодержащих концентратов. По этим причинам технология микроволнового нагрева



начала применяться для предварительной обработки упорных золотосодержащих концентратов.

Проведение обработки сульфидных минералов обычным термическим способом отличается высоким энергопотреблением и большими финансовыми затратами. Следовательно, необходимо изыскать новые методы обработки, которые были бы более эффективными.

В некоторых, более ранних экспериментальных исследованиях сообщается, что микроволновой обработке подвергались минералы некоторых оксидов и сульфидов при высокотемпературном разложении с использованием резонансной полости, работающей на частоте 2,45 ГГц и переменной мощности до 1,6 кВт, и получением температурных пределов разложения их (таблица 1).

Таблица 1

Результаты микроволновой обработки некоторых веществ

Соединение	Время облучения (мин)	Максимальная температура (°C)
Al_2O_3	24	1900
C	0,2	1000
CaO	40	200
Co_2O_3	3	900
CuO	4	800
CuS	5	600
Fe_2O_3	6	1000
Fe_3O_4	0,5	500
FeS	6	800
MgO	40	1300
MoO_3	0,46	750
MoS_2	0,1	900
Ni_2O_3	3	1300
PbO	13	900
UO_2	0,1	1100

Эффекты нагревания, которые индуцируют микроволны во многих материалах, в основном являются результатом взаимодействия электрического компонента поля микроволн с заряженными частицами в материале (или, реже, магнитный компонент может взаимодействовать с магнитными диполями). Точный характер взаимодействия зависит от подвижности заряженных частиц и может привести к одному или обоим из двух ос-

новых процессов нагревания. В веществах, где заряды связаны в виде диполей, электрическое поле индуцирует движение до тех пор, пока оно не будет уравновешено электростатическими взаимодействиями; это явление известно как дипольная поляризация и является наиболее значительным в жидкой фазе.

Для материалов, в которых носители заряда подвижны, как в случае электронных и быстрых ионных проводников, переменное поле микроволн приводит к появлению тока, распространяющегося по фазе с полем и вызывающего резистивный нагрев в образце. Обычно этот механизм проявляет доминирующий эффект в твердых материалах и называется проводящим нагревом. Несмотря на эти обобщения, твердые вещества со связанными молекулами растворителя, например, могут проявлять эффекты дипольной поляризации, и ионные растворы могут одинаково хорошо отображать эффекты нагрева проводимости.

Сульфидные руды Узбекистана из месторождений Кокпатас и Даугызтау, обогащаемые биотехнологическим способом, являются особо упорными, трудно поддающимися переработке, так как в их составе присутствуют органический углерод, сурьма и теллур.

Выщелачивание этих руд с помощью тионовых ацидофильных микроорганизмов в сернокислой среде позволяет максимально разрушить арсенопирит и пирит. Однако после декантации и сорбционного цианирования органический углерод сульфидов активизируется и сорбирует часть растворенных благородных металлов, которые невозможно извлечь. Поэтому с целью повышения степени извлечения золота в данной экспериментальной работе были проведены исследования по возможности микроволновой переработки упорных золотосодержащих концентратов с максимальным окислением сульфидов и термическим удалением органического углерода. Микроволновая обработка упорного золотосодержащего концентрата проведена в системе микроволнового разложения «Ethos Touch Control Advanced Microwave Labstation» производства компании Milestone Inc.

Для проведения микроволновой обработки сырья из печи были удалены только автоклавы, предназначенные для обработки жидких проб с оставлением вращательной тарелки. В качестве исходного сырья для микроволновой обработки использовался флотоконцентрат гидрометаллургического завода № 3 Навоийского горно-металлургического комбината.

При проведении эксперимента навеску концентрата массой 100 г насыпали в 4 тигля по 25 г и помещали в микроволновую печь. Под тиглями установили асбестовую плитку. Печь запускали мощностью электроволн 800 Вт/ч. После 5 мин обработки образцов печь отключали, замеряли тем-



пературу, перемешивали содержимое тиглей и вновь запускали печь, снизив мощность до 700 Вт/ч. Замер температуры и перемешивание повторяли с интервалом в 2 минуты. На перемешивание и замер температуры затрачивалась примерно 1 минута, в течение которой магнетрон печи был отключен. Таким образом, после 45 минут обработки (при этом время работы магнетрона составляла 30 минут) тигли вынимали из печи и охлаждали при комнатной температуре, затем навеску взвешивали. В результате обработки потеря массы образца составила в среднем $\approx 14\%$.

Для проведения анализа обработанного и необработанного концентрата на содержание $C_{\text{общ}}$, $C_{\text{орг}}$, $S_{\text{общ}}$, S_s использовали анализатор серы и углерода «LECO 832», а содержание As определяли с помощью рентгенофлуоресцентного анализатора «Shimadzu». Результаты анализа приведены в таблице 2.

По результатам анализа видно, что содержание органического углерода и мышьяка в необработанном концентрате составляло 1,5 и 1,01% соответственно, что негативно будет влиять на процесс сорбционного цианирования золота. При микроволновой обработке флотоконцентрата продолжительностью 30 минут удалялось около 70% органического углерода, а при продолжительности 45 мин степень удаления углерода составляла 75,5%. Учитывая затраченное короткое время, с интервалом в 40 минут, результат может являться эффективным. Предполагается, что 24% мышьяка возгоняется с отходящими газами, а остальная часть окисляется и остается в обработанном продукте (рис. 1).

Таблица 2

Результаты спектрального анализа флотоконцентрата до и после микроволновой обработки

Наименование образца	Содержание, %				
	$C_{\text{общ}}$	$C_{\text{орг}}$	$S_{\text{общ}}$	S_s	As
Необработанный флотоконцентрат	2,2	1,5	18,5	16,2	1,01
Флотоконцентрат, обработанный СВЧ в течение 15 мин	1,02	0,82	8,09	7,65	0,89
Флотоконцентрат, обработанный СВЧ в течение 30 мин	0,61	0,42	3,05	2,87	0,81
Флотоконцентрат, обработанный СВЧ в течение 45 мин	0,49	0,35	1,9	0,77	0,76

Как видно из рисунка 2, процесс десульфуризации протекал довольно быстро, за 15 мин обработки около 50% всей серы подвергалось окислению, а при продолжительности процесса 45 минут почти все сульфиды разрушались.




Рис. 1. Изменение содержания органического углерода и мышьяка при микроволновой обработке флотоконцентрата




Рис. 2. Изменение содержания сульфидной серы при микроволновой обработке флотоконцентрата

Для исследования термического разложения флотоконцентрата проведен термогравиметрический анализ (рис. 3).

Как видно из дериватограммы, в интервале температур от 90 до 490 °С убыль массы составляет 1,3 мг, что соответствует 2,9% всей потери. Это потери, связанные с удалением поглощенного влажного воздуха или газообразных веществ. В интервале температур от 450 °С до 690 °С потеря массы составляет 33 мг, это соответствует 73,3% всей потери. При этом происходит разложение концентрата с образованием различных оксидов углерода, серы и мышьяка. В интервале температур 690–890 °С отмечается повторное уменьшение массы на 7,3 мг, или 13,27% всех потерь, которая соответствует полному разложению и образованию оксидов.




Рис. 3. Термогравиметрический анализ флотоконцентрата упорной золотосодержащей руды

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, проведенная микроволновая обработка упорного золотосодержащего концентрата показала, что за 45 минут обработки было удалено 96% сульфидной серы и 76,7% органического углерода. При осуществлении нагрева образцов микроволновым облучением по всему объему материала теплопередача происходит по всему объему материала одновременно. Этим объясняется высокая скорость десульфуризации. При том, что органический углерод не поглощает микроволны, высокая теплота, приводящая к его окислению, передается ему через серу и железо пирита и арсенопирита сульфидных минералов, которые хорошо поглощают микроволновую энергию и полностью деструктурируются. Результаты полученной дериватограммы подтверждают наши предположения о полном распаде серы и углерода при интервалах температур от 690 до 890°C.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Stenebraten, J.F., Johnson, W.P., Brosnahan, D.R., 1999. Characterization of goldstrike ore carbonaceous material. Part 1. Minerals and Metallurgical Processing 16 (3), 37–43.
2. Amankwah, R.K., Pickles, C.A., 2009. Microwave roasting of a carbonaceous sulphidic gold concentrate. Miner. Eng. 22 (13), 1095–1101.
3. Metaxas, A. C & Meredith, R. J. (Roger J.) & Institution of Electrical Engineers (1983). Industrial microwave heating, Peter Peregrinus Ltd. on behalf of the Institution of Electrical Engineers, London.
4. Kitchen, H. J.; Vallance, S. R.; Kennedy, J. L.; Tapia-Ruiz, N.; Carassiti, L.; Harrison, A.; Whittaker, A. G.; Drysdale, T. D.; Kingman, S. W.; Gregory, D. H., 2014, Modern Microwave Methods in Solid-State Inorganic Materials Chemistry: From Fundamentals to Manufacturing. Chem. Rev. 114, 1170–1206.

КЎП РАКУРСЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИРЛАРНИ ТАСВИРЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Норинов Муҳаммадюнус Усупжонович,
таянч докторант.*

*Тошкент ахборот технологиялари
университетининг Фаргона филиали*

Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиши, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аннотация

Ушбу мақолада табиийликка яқин физик кенгликларни кўриб чиқиш шартларини яратиш талаб қилинган кўп ҳолатлар учун бир вақтда бир нечта кузатувчиларга аниқ тасвирлар билан таъминлашда кўп ракурсли телевизион тизимлар қўлланилган ва битта объектни бир нечта нуқталаридан тасвирлари яратилган. Синхронланган видеокамералар билан шаклланган кўп ракурсли видео кузатувчи саҳна ҳақида кенг 3D маълумотни беради ва одатий стерео тасвирлашга нисбатан кўришни кенгайтиришга қаратилган. Кўп ракурсли тизимлар берилган диапазон чегараларида кузатиш ва йўналтириш нуқталарини интерактив танлаш имконияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *Кўп ракурсли телевизион тизимлар, кўпбурчакли тизим, стереотелевизион тизим, объект, жараён.*

Аннотация

В данной статье представлены основы съёмки и просмотра объектов с разных точек изображения с использованием многоугольных систем съёмки, обеспечения точности изображений нескольких наблюдателей одновременно в разных местах объекта, а также создания условий, требующих близости к реальным объектам физического пространства. Многоугольное наблюдение, созданное с помощью синхронизированных видеокамер, предоставляет обширную трехмерную информацию о сцене и позволяет улучшить стереоизображения. Также показаны возможности интерактивного выбора направлений и условий наблюдения на границах разрешенной области многоугольных систем.

Ключевые слова: ракурс, многоракурсный, многоракурсные телевизионные системы, многоугольные системы, стереотелевизионные системы, объект, процесс.

Abstract

This article provides the basics of shooting and viewing objects from different points of the picture using multi angle shooting systems. Ensuring the accuracy of the images of several observers simultaneously at different locations of the object, as well as creating conditions, the requirement of proximity to a real objects of the physical space. Including the article, it is aimed at providing 3D scenes of the scene with synchronized video cameras and the extensibility of image representation from many angles of the 3D effect than a simple stereo transmission. Also shown are the possibilities of interactive choice of directions and observation conditions at the boundaries of the allowed region of multi-angle systems (multi-angle).

Key words: foreshortening, multi-angle, multi-angle television systems, polygonal systems, stereo television systems, process, process.

КИРИШ

Кўп ракурсли телевизион тизимларни яратишда муҳим масалалардан бири турли ракурсларда ҳосил бўлган тасвирларнинг керакли сонини аниқлаш бўлиб, уларнинг миқдорига алоқа каналлари бўйича узатувчи ахборотни ҳажми ва бутунлай кўп ракурсли видео тизимини конструктив мураккаблиги боғлиқ [1].

Муҳокама ва натижалар. Ҳосил бўлган тасвирлар сони n ва қўлланилган узатувчи камералар тўпламидан таъминланган физик кенгликнинг стерео кўриниш зона ўлчами Φ орасидаги боғланиш қуйидаги нисбат билан ифодаланади:

$$n_x = \frac{\Phi}{\Delta\Phi}, \quad (1)$$

бу ерда: $\Delta\Phi$ – битта ракурснинг кўриниш зонасида рухсат берилган бурчак ўлчами. Кўп ракурсли телевизион тизимдаги уч ўлчовли кенгликни геометрик тўғри тасвирланиши ортостереоскопия шартларини бажаришига боғлиқ бўлиб, у математик нуқтаи назардан қуйидаги нисбат билан ифодаланади:

$$\Gamma_{\text{бур}} = \frac{\Phi}{\alpha_{\Sigma}} = \frac{\Delta\Phi}{\alpha_{\text{рх}}} \approx 1, \quad (2)$$

бу ерда: $\Gamma_{бур}$ – кўпбурчакли тизимда бурчакли спереоскопик катталаштириш коэффициенти, α_{Σ} – стереотелевизион тизимни тасвирловчи объектнинг оптик моделини кўриш зонасининг бурчакли ўлчами, $\alpha_{рух}$ – кўпбурчакли телевизион тизимлардаги кузатишни кўшни позициялар орасидаги рухсат берилган бурчакли силжиш миқдори бўлиб, бунда битта объектни кўшни ракурсларнинг тасвирлари орасидаги ўтишлар дискретлигини томошабинлар сезмай қолади. (1) ифодада Φ миқдори $10^{\circ} \dots 30^{\circ}$ га тенг бўлиши керак бўлиб, бунда телевизион стереоэкран олдида ўтирган томошабинларнинг ўзгаришлари кўп ракурсли тасвирларни стереокўриши зонаси чегараларидан чиқмайди (2).

n_x параметрни аниқлаш учун $\alpha_{рух}(\Delta\Phi)$ кўп миқдорнинг рухсат берилган қиймати аниқланади. Қоида бўйича кўп ракурсли таъсирларни кўришида томошабинлар кузатувчи объектни баъзи деталлари ўзаро бошқаларга нисбатан устма-уст бўлишни ва деталларни чуқур жойланишидаги ўзгаришлар бўлишини сезади.

Шу шартлардан келиб чиқиб $\alpha_{рух}$ кўш миқдори назарий ҳисобланади. $\alpha_{рух}$ ҳисоблаш учун талаб қилинган таҳлилий ифодаларни келтириш учун оддий физик объектнинг кўп ракурсли тасвирини тузатиш жараёнини кўриб чиқамиз [3].

Бундаги олинган натижалар анча мураккаб физик объектлар учун ҳам лойиқ, чунки уларнинг алоҳида деталларини ўзаро беркитиш ҳолатини кузатиш одатий объектни кўриб чиқиш ҳолатига ўхшаш $\alpha_{рух}$ миқдорига нисбатан оддий шаклда таҳлилий ифодаларни олиш учун кўп бурчакли тасвирларни кўришдаги қабул қилувчи физик объектни томошабин орқали кўриш жараёнини белгиланган позициялардаги шу объектни кузатилишига алмаштириш лозим. Биринчи навбатда, объектнинг баъзи деталларини ўзаро бириктиришни томошабинлар учун секин-аста қабул қилишини таъминловчи шартларини кўриб чиқамиз. Шу мақсадда 1-расмдан фойдаланамиз, у томошабинни турли позициялардаги монокуляр кузатишини тушунтиради.





1-расм. Томошабинни турли позициялардаги монокуляр кузатиши

Манба: 1-расмдан маълумки E_1 манзилда кузатувчини ўзи E_1O йўналишида O_1, O_2 объектлар деталларини кўрмоқда, α бурчаги силжиган E_1 га нисбатан E_2 манзилларда O_1 ва O_1 деталлар $\delta = \delta_1 + \delta_2$ бурчак остида қабул қилмоқда, бунда E_1O ўқидан соат кўрсаткичи тескари α ни ҳисоблаймиз. ΔE_2O_1

$$(1\text{-расм}) \text{ дан маълумки: } \frac{\Delta L_1}{\sin \delta_1} = \frac{L}{\sin[180^\circ - (\alpha + \delta_1)]}, \quad (3)$$

Бу ерда: L кўриш масофаси (кузатиш жойидан объект марказигача);
 ΔL_1 – объектни марказий ва олди чамаларини юзалари орасидаги масофа.

Кўп ракурсли тасвирларни ёзиб чиқиш жараёнида томошабинлар, кўпинча, ўз позициясини кузатиш объекти марказига O га нисбатан ўзгартиради, шунинг учун $E_2O \approx E_1O$ яъни L га тенг. $E_2O \approx E_1O$ дан маълумки:

$$\frac{\Delta L_2}{\sin \delta_2} = \frac{L}{\sin(\alpha - \delta_2)}, \quad (4)$$

бу ерда ΔL_2 объектнинг марказий ва узоқ чамаси юзалари орасидаги масофа, (3), (4) ифодаларни δ_1 ва δ_2 ларга нисбатан ўзгартириб, E_1 дан E_2 позицияга томошабин ўтишидаги қабул қилиниш δ бурчагини аниқлаймиз.

$$\delta = \operatorname{arctg} \frac{\sin \alpha}{\frac{L}{\Delta L_1} - \cos \alpha} + \operatorname{arctg} \frac{\sin \alpha}{\frac{L}{\Delta L_2} + \cos \alpha}, \quad (5)$$


Объект деталларини ўзаро беркитиш секин-аста қабул қилинади, маълумки, E_1 позициядан E_2 позицияга ўтганда, $\delta = \delta_1 + \delta_2 \leq \delta_{\text{pyx}}$ бўлиб, у кўзнинг рухсат берилган кучига тенг. Ёруғлиги 100 кг/м^2 контраст 100 га тенг бўлганда телевизион тасвирларни кузатиш шартлари учун кўзнинг рухсат берилган кучи ўртача $\delta_{\text{pyx}} = 90'' [1]$ бурчак билан баҳоланади. α_{pyx} куч миқдори (5) нисбатдан аниқланади, бундаги δ қиймати $\delta_{\text{pyx}} = 90''$ ни қабул қилади. α_{pyx} кучни (5) ифодадан аниқлаш учун олдиндан уни α_{pyx} га нисбатан ўзгартирамиз ва α бурчакларнинг кичик қийматларини ҳисобга олиб қисқартирамиз.

$$\alpha_{\text{pyx}} = \frac{\delta_{\text{pyx}}}{\frac{\Delta L_1}{L - \Delta L_1} + \frac{\Delta L_2}{L + \Delta L_2}}, \quad (6)$$

(6) ифодага биноан 2-расмга α_{pyx} куч миқдорни L га нисбатан турли $\Delta L_{\Sigma} = \Delta L_1 + \Delta L_2$ даги боғланиш келтирилган. Ҳисоблашларда $\Delta L_1 = \Delta L_2$ га. Энди кузатишни белгиланган позициялардаги томошабин учун секин-аста қабул қилишларни таъминловчи шартларни аниқлаймиз.

Шу мақсад учун 3-расмдан фойдаланамиз, у O_1 ва O_2 объектининг чуқур жойлашган деталларнинг ўзгаришидаги томошабин $O_L O_P$ позициядан $O'_L O'_P$ позицияга ўтишдан бинокуляр қабул қилишни тушунтиради. Стереоскопия қонунларига асосан, бинокуляр кузатишдаги $O_1 O_2$ объектни турли узоклашган деталларини кўриш β_1 ва β_2 параллактик бурчаклар миқдорлари билан ифодаланади. 3-расмдан маълумки, $O_L O_P$ позицияда β_1 ва β_2 параллактик бурчаклар тенг:






$$\beta_1 = 2 \arctg \frac{b_0}{2(L - \Delta L_1)}, \quad (7)$$

$$\beta_2 = 2 \arctg \frac{b_0}{2(L + \Delta L_1)}, \quad (8)$$

Бу ерда b_0 кўз базисининг миқдори, ўртача 65 мм га тенг $b_0 \ll L$.

2-расм. ΔL_{Σ} ва L кузатишни қўшимча позициялар орасидаги рухсат берилган бурчакли силжишнинг боғланиши

Манба: $O'_I O'_II$ позициядан $O_I O_{II}$ позицияга α бурчакка O объектнинг марказига нисбатан силжиган объектни кўришда томошабинлар бошқа параллактик бурчаклар β'_1 ва β'_2 остида O_1 ва O_2 деталларни кўради. Бу ҳолат объект деталларининг чуқур жойлашишдаги силжишни қабул қилишига олиб келади, агар фақат $\beta_1 - \beta'_1$ ёки $\beta_2 - \beta'_2$ миқдорлари чуқур кўриш чегарасидан ортса. Кузатиш қўшни позицияларининг бурчакли силжишининг рухсат берилган миқдорини аниқлаш учун фақат $\alpha_{рух}$ бурчак ўзгаришини кўриб чиқиш етарли бўлади.



3-расм. Объектни бинокуляр кўришдаги кузатиш позицияларининг ўзгариш миқдорлари

3-расмдан маълумки:

$$\beta'_1 = O'_L O_1 O - O'_R O_1 O, \quad (9)$$

$O'_L O_1 O$ ва $O'_R O_1 O$ ни қуйидаги кўринишда ифодалашимиз мумкин.


$$\operatorname{tg} O'_L O_1 O = \frac{L \sin \left(\alpha - \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}{\Delta L_1 - L \cos \left(\alpha - \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}, \quad (10)$$

$$\operatorname{tg} O'_R O_1 O = \frac{L \sin \left(\alpha + \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}{\Delta L_1 - L \cos \left(\alpha + \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}, \quad (11)$$

(8), (9), (10) ни ҳисобга олиб, қуйидагини келтириб чиқарамиз:

$$\beta'_1 \approx \operatorname{arctg} \frac{L \sin \left(\alpha - \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}{\Delta L_1 - L \cos \left(\alpha - \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)} - \operatorname{arctg} \frac{L \sin \left(\alpha + \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}{\Delta L_1 - L \cos \left(\alpha + \operatorname{arctg} \frac{b_0}{2L} \right)}, \quad (12)$$

Қуйидаги шарт бажарилса, берилган позицияларни секин-аста кўриш ҳолати сақланади. Бошқача қилиб айтганда, кўриш эффектини қабул қилишда томошабинлар, аввало, кўриб чиқилган объектлар деталларини устма-уст ўзаро ўзгаришини кўради, кейин эса чуқур силжишларни баҳолайди. Бунда телеэкран олдида ўтирган томошабинларнинг кўриш жараёнидаги имконияти ўзгаришлари 30 ва ундан ортиқ градусга етиб бориши мумкин. Адабиётларда келтирилиши бўйича, назарий ҳисоблашда қўлланилган $\delta_{\text{чег.чук}} = 10''$ миқдорини кўп ёки кам тарафига нисбатан кузатишдаги чуқур кўриш ўткирлиги 3 ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин.



4-расм. ΔL_1 ва L га нисбатан қўшиш ракурсларини узатувчи камераларини рухсат берилган бурчакли силжиши боғлиқлиги

Демак, инсоннинг бинокуляр кўриниши психофизиологик хусусиятларини амалиётда тўлиқ баҳолаш мумкин эмас. Шунинг учун, назарияда аниқланган турли ракурсларни қабул қилувчи тасвирлар сони n_x тахминий бўлади. Кўп ракурсли тизимларда $\alpha_{рвх}$ қўш миқдорини аниқлашда инсонни бинокуляр кўриш хусусиятларининг тўлиқ баҳолаши фақат статистик психологик экспериментни йўли билан ўтказилиб, бу жараёнда кузатувчилар олдиндан белгиланган баҳолаш иши шкаласи бўйича турли α қийматларида 3 ўлчовли кузатиш сифати ҳақида ўз фикрини билдиради.

Амалиётда кўп ракурсли телевизион тизимларни жорий қилиш ахборотнинг катта ҳажмини узатишни талаб қилиб, у қўлланувчи видеокамералар пропорционал, улар алоқа тармоқлари имконияти чегараларида узатиш учун етарли даражада компрессларнинг бўлиши керак.

Оддий ҳолатда, алоҳида ракурслар тасвир сигналлари узатилишини қўллаш рўйхати берилади. Бунда MPEG-4/AVC(н.264) стандарт билан қисқарган видеомальумотлар мультимплексорга боради, у алоқа каналлари бўйича узатиш учун кўп ракурсли дастурнинг транспортли оқимини шакллантиради. Бундай вариантнинг камчилиги – узатиш ахборотини ортиқчалигида, чунки алоҳида ракурсларнинг тасвирлари, одатда, катта бўлмаган фарқларга эга. Видеокодлаш самарадорлигини ошириш алоҳида ракурслар тасвирлари орасида корреляция қўлланишига имкон беради. Бунда, компрессиянинг учта усулини таклиф қилса бўлади:

- битта ракурс тасвир сигналини узатиш ва фарқли сигналларни тўплаш;
- битта ракурс тасвир сигналини узатиш ва фазовий корреляция усули билан шаклланган параллакед векторлари сигналлари гуруҳи;

– битта ракурс тасвир сигналини сахна объектлари чуқурлиги ҳақида маълумотни ўз ичида олиб юривчи бир қанча сигналларини узатиш.

ХУЛОСА

Юқорида берилган усуллар ичида энг оддийси бу биринчи усул ҳисобланади. Бу ҳолатда кўп ракурсли видеотизимларда рақамли оқим тезлиги 15...40 мбит/С гача тушиши мумкин. База ракурсига тегишли видео ахборот н.264 стандарт билан ифодаланган оддий NAL блокларига инкапсулланади ва кўшимча (non base view) ракурслар ҳақидаги маълумотлар pal блокларни кенгайган турига инкапсулланади.

MVC оқими н.264/avc тескари ўхшашлиги бўлиб, у турли ракурслар ҳақида кўшимча ахборотни ҳисобга олмай, видеосигнални декодерлайди.

Мунр ҳисобига н.264 стандартнинг кенгайиши кўп ракурсли видео кетма-кетлигини самарали кодлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Варламова Л.П., Норинов М.У.* Методы обработки изображений. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2020. С. 220.

2. *Норинов М.У., Бойкузиев А.А.* Методы обработки и анализ традиционных форм телевизионных изображений. Международный научный журнал «World social science» – 2018. № 1.

3. *Норинов М.У.* Телевизион тасвирларни қайта ишлаш жараёнининг математик модели. Материалы IV Международной конференции по оптическим и фотоэлектрическим явлениям в полупроводниковых микро- и наноструктурах. Часть 3, 25–26 мая 2018 года, Фергана.

4. *Бекназарова С.С., Норинов М.У.* «Телевизион тасвирларни қайта ишлаш жараёнининг оптимал усуллари». «ЎзМУ хабарномаси». 2018, 4-сон.



ТАРКИБИДА АМИН ВА ФОСФИТ ГУРУҲ ТУТГАН ПОЛИИОНИТЛАРГА ОҒИР МЕТАЛЛАРНИНГ АДСОРБЦИЯСИ

*Исмоилова Химоят Матназаровна,
таянч докторант.*

Урганч давлат университети

«Глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириши учун мутлақо янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши ва рўёбга чиқазиши тақозо этмоқда».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Аннотация

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган, таркибида амин ва фосфит гуруҳлар сақловчи ППЭ-1 анионит ва ППЭ-1-Р полиамфолитга мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва хром (III) ионларининг адсорбцияланиши жараёни ўрганилди. Статик шароитда адсорбция жараёнига таъсир этувчи омиллар, яъни унинг вақтга, ҳароратга, концентрацияга боғлиқликлари тадқиқ қилинди. Металл ионларининг анионит ва полиамфолитга турли хил ҳароратлардаги ютилиши Ленгмюр мономолекуляр адсорбция изотермасига бўйсунгани ва Фрейндлих параметрлари ҳисобланди.

Калит сўзлар: *поливинилхлорид, анионит, полиамфолит, сорбция, хемосорбция, кинетика, изотерма, адсорбат, адсорбент, эркин энергия, энтальпия, энтропия.*

Аннотация

В данной статье изучена адсорбция ионов меди (II), никеля (II), кобальта (II), цинка (II) и хрома (III) аниотом ППЭ-1 и полиамфолитом ППЭ-1-Р, содержащих в своем составе амино- и фосфитную группы и полученных на основе местного сырья. Исследованы факторы, влияющие на процесс адсорбции в статических условиях, т.е. зависимость от времени, температуры и концентрации. Вычислены параметры Фрейндлиха зависимости изотермы мономолекулярной адсорбции Ленгмюра при различных температурах сорбции ионов металлов анионитом и полиамфолитом.

Ключевые слова: *поливинилхлорид, анионит, полиамфолит, сорбция, хемосорбция, кинетика, изотерма, адсорбат, адсорбент, свободная энергия, энтальпия, энтропия.*

Abstract

This article studies the process of adsorption of copper (II), nickel (II), cobalt (II), zinc (II) and chromium (III) ions to PPE-1 anionite and PPE-1-P polyampholyte, obtained on the basis of local raw materials, containing Amine and phosphate groups. Factors affecting the adsorption process in static conditions, that is, its dependence on time, temperature, concentration, were investigated. The absorption of metal ions into anionite and polyampholyte in different temperatures was subjected to Langmuir monomolecular adsorption isomerization and Freundlich parameters were calculated.

Key words: *polyvinyl chloride, anionite, polyampholyte, adsorption, chemisorption, kinetics, isotherm, adsorbate, adsorbent, free energy, enthalpy, entropy.*

КИРИШ

Ҳозирги даврда инсоният олдида турган долзарб муаммолар сирасида сув ресурсларини тежаш, асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишдек муҳим масала турибди. Сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисми турли минтақаларда сув ресурсларига нисбатан ўта оғир муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Айниқса, Африка, Осиё қитъаларида ичимлик суви жуда танқис ва бу қитъанинг айрим худудларида қурғоқчилик кучайган ва у келтириб чиқарган очарчилик натижасида эса миллионлаб инсонлар азият чекмоқда [1].

Ҳозирги илм-фан шуни тан олмақдаки, келажакда озик-овқат маҳсулотлари, тикланмайдиган табиий ресурслар ўрнини бошқа усуллар билан яратилган маҳсулотлар эгаллаши мумкин, аммо сувнинг ўрнини бошқа бирор бир нарса босолмайди. Шу боис сайёрамизда ичимлик сувининг камайиб бораётганлиги жуда оғир хавфларни туғдиради. Бу эса ичимлик сувининг, асосан, ер ости, ер устидаги дарё ва қўллар сувининг турли хил кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши натижасида келиб чиқмоқда. Бу муаммони ечиш учун зарарланган сувни қайта ишлаш, каттиқ сувни юмшатиш, саноат корхоналари учун ишлатиладиган табиий сувларни тузсизлантиришда ҳам ион алмашинувчи ҳамда комплекс ҳосил қилувчи хоссали полиионит материаллар ишлатилмоқда. Бундай ионитларни юқори механик, термик барқарорликка ва технологик шароитларда ишлатиш қулайдир. Шунинг учун саноатнинг деярли барча тармоқларида ионалмашинувчи полиионит материаллар кенг қўлланилади [2]. Бундай ион алмашинувчи ионитлар юқори сорбцион хоссали ва арзон ҳамда сувни тозалаш жараёнида технологик, экологик ва иктисодий талабларга мос келиши керак [3]. Шу сабабли юқори самарали сорбентлар синтез қилиш ва улар ёрдамида турли ионларнинг сорбциясини ўрганиш устида бир канча олимлар иш олиб бормоқдалар. Ион алмашинадиган полиионит полимер материаллар занжирли тузилишдаги эримайдиган моддалар бўлиб, тарки-



бидаги функционал гуруҳга оғир металл ионлари билан комплекс бирик-малар ҳосил қилади. Ушбу мақолада таркибида амин ва фосфит гуруҳлар тутувчи иккита сорбент, яъни ППЭ-1 анионит ва ППЭ-1-Р полиамфолитга мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва Cr (III) ионларининг сорбция жараёнларига турли омилларнинг таъсири ўрганилди.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Ушбу мақолада поливинилхлорид (ПВХ) асосида синтез қилиб олинган таркибида амин ва фосфит гуруҳлар тутувчи иккита сорбент, яъни ППЭ-1 анионити ва ППЭ-1-Р полиамфолитларнинг адсорбциялаш хусусиятлари турли ҳароратларда ўрганилди. Статик шароитда сорбция жараёнига таъсир этувчи омиллар, яъни вақтга боғлиқлиги, ҳарорат таъсири, концентрацияга боғлиқликлари тадқиқ қилинди.

Эритмалардан металл ионларининг сорбцияси.

Грануланган ионалмашинувчи материалга мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва хром (III) ионларининг сорбциясини ўрганиш учун турли концентрацияли эритмаларда ўрганилди. Металл ионларини анионит, полиамфолитга сорбциясини ўрганиш мақсадида сувда эрувчи тузларидан 0,1 моль/л концентрацияли эритмасидан фойдаланиб, эритмани суюлтириш усули билан 0,001, 0,0025, 0,005, 0,0075, 0,01, 0,025, 0,05, 0,075 М ли эритмалари тайёрланди. Активланган сорбентдан 0,2 грамдан конуссимон шиша колбаларга солиниб, 100 мл металл тузлари эритмадан қуйилди ва сорбциянинг вақтга боғлиқлиги 2, 4, 6, 8, 10 соат давомида ҳар бир эритмалар ўрганилди. Таҳлил шу концентрациялар асосида 303К, 313К, 323К ҳароратларда олиб борилди. Эритмадаги ионларнинг сорбциядан олдинги ва кейинги концентрацияларини, Биоорганик кимё институтининг экспериментал технологиялар лабораториясидаги Perkin Elmer Ep Spire УБ қурилмасида аниқлаб борилди. Сорбцияга қўйилган эритмалар ҳар икки соатда стандарт эритмалар билан солиштириш учун ҳар бир концентрацияли сунъий эритмалар текшириб борилди ва бир-бирига яқин натижаларнинг ўрточа қиймати олинди. Эталон ва текшириладиган моддалар оптик зичликларини солиштириш асосида аниқланадиган модданинг концентрациясини топиш мумкин.

Олинган натижалар асосида ППЭ-1 ва ППЭ-1-Р маркали сорбентга ютилган металл ионларининг миқдори қуйидаги формуладан фойдаланиб топилди:

$$q_e = \frac{(C_0 - C_M) \cdot V}{m} \quad (1)$$

Бунда: q_e – ионитга ютилган ион миқдори ммол/г, C_0 – дастлабки концентрация C_e – мувозанат концентрация ммол/л; V – эритма ҳажми л; m –курук сорбент массаси (г).

АДСОРБЦИЯ МУВОЗАНАТИНИ ЎРГАНИШ

Мувозанат жараёнларини таҳлил қилиш учун адсорбция изотермалари энг муҳим восита ҳисобланади. Суюқ ва қаттиқ системаларда мувозанат жараёнларини ифодалаш учун бир қанча моделлардан энг кенг қўлланилган ва энг қулай бўлганлари Ленгмюр ва Фрейндлих моделларидан фойдаланилади. Сорбция жараёни учун олинган полиионитларнинг статик алмашинув сиғимли (САС) қиймати $HC1$ бўйича $5,78 \text{ мг*экв/г}$ га тенг. Тадқиқот натижалари асосида сорбция жараёнининг термодинамик параметрлари: изотермик-изобарик потенциаллари, эркин энергия (ΔG), энтальпия (ΔH) ва энтропия (ΔS) қийматлари ҳисоблаб топилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Металл ионларининг сорбциялашнинг Ленгмюр ва Фрейндлих изотермаси металл ионларини анионит, полиамфолитга сорбциясини ўрганиш статик усулда ППЭ-1 ва ППЭ-1-Р сорбентлар томонидан мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва Ст (III) ионларининг емирилиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Металл ионларнинг сўрилишининг вақт, ҳарорат ва эритмалар концентрацияга боғлиқлиги ўрганилди.

Ленгмюр изотерма модели

Қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$q_e = q_{\max} \frac{K_L C_e}{1 + K_L C_e} \quad (2)$$

Бу ерда: q_e – маълум массали сорбентга ютилган металл миқдори (мг.г^{-1}), C_e – эритманинг мувозанат концентрацияси (мг л^{-1}), q_{\max} – маълум массали сорбентга ютилган металлнинг максимал миқдори (мг г^{-1}).

Ленгмюр константасини (K_L) топиш учун Ленгмюр тенгламасини (2) чизикли кўринишидан фойдаланилади, q_{\max} ва K_L қийматларини C_e / q_e нинг C_e боғлиқлик графигидан аниқланади.

$$\frac{N_e}{q_e} = \frac{1}{q_e \cdot K_L} + \frac{1}{q_{\max}} \cdot C_e \quad (3)$$



Ленгмюр изотерма параметрларининг муҳим хусусияти, ажратиш коэффициенти « R_L » ёрдамида адсорбент ва адсорбат ўртасидаги муносабат ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

$$R_L = \frac{1}{1 + \hat{E}_L \cdot C_0} \quad (4)$$

Бунга (4) кўра, адсорбция жараёни $0 < R_L < 1$ қулай, $R_L > 1$ ноқулай, $R_L = 1$ чизикли ҳисобланади ва $R_L = 0$ эса, қайтмас бўлишини ифодалайди.

Фрейндлих изотерма модели

Қуйидаги (5) тенглама билан ифодаланади:

$$q_e = K_F C_e^{1/n} \quad (5)$$

Фрейндлих изотерма тенгламаси ёрдамида турли – (идеал бўлмаган) эритмаларда борадиган сорбция жараёнларини ўрганиш мумкин. Ушбу моделнинг чизикли тенгламасини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$\log q_e = \log K_F + \left(\frac{1}{n}\right) \log C_e \quad (6)$$

Бу (5) тенгламада: q_e – маълум массали сорбентга ютилган металл микдори (мг г^{-1}), K_F – Фрейндлих константаси, C_e эритманинг мувозанат концентрацияси (мг л^{-1}), $1/n$ – сорбция интенсивлиги. Фрейндлих константалари K_F ва n ($n \approx 1-10$) қийматларини $\log q_e$ билан $\log C_e$ чизикли графигида кесишиш қиялигининг бурчак қиймати орқали топилади. Тадқиқотдан олинган натижалар жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Металл ионларининг ППЭ-1 ва ППЭ-1-Р га адсорбцияланишнинг Ленгмюр ва Фрейндлих изотермаси натижалари

Изотерма параметрлари	Металл ионлари сорбцияси				
	Cu (II)	Ni (II)	Co (II)	Zn (II)	Cr (III)
Фрейндлих	ППЭ-1 Анионит				
1/n	1.25	1.33	1.5	1.37	1.2
K_F	8.09	4.59	2.62	2.46	1.9
R^2	0.893	0.971	0.952	0.992	0.991
Фрейндлих	ППЭ-1-Р Полиамфолит				
1/n	3.5	4	3	1.25	1.22
K_F	8.33	2.96	1.96	7.4	10.4

R^2	0.972	0.982	0.962	0.986	0.989
Ленгмюр	ППЭ-1 Анионит				
K_L	102	106.67	84	81.82	57.1
R_L	0.129	0.124	0.156	0.161	0.229
R^2	0.994	0.986	0.953	0.942	0.979
Ленгмюр	ППЭ-1-Р Полиамфолит				
K_L	72.2	65.1	63.3	86.67	91.4
R_L	0.182	0.201	0.207	0.152	0.144
R^2	0.998	0.998	0.993	1	0.990

Жадвалда сорбция изотермасининг Ленгмюр ва Френдлий тенгламалари бўйича барча ҳисобланган натижалари келтирилган. Натижалардан кўринадики, таркибида амин ва фосфит гуруҳлар сақловчи анионит ва полиамфолит билан мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва хром (III) ионлари барқарор комплекс ҳосил қилиб бириккан, шу билан бирга, мис (II), рух (II) ва хром (III) ионлари бошқа металл ионларига нисбатан полиамфолит билан юқори мойилликни намоён қилиб, кучли комплекс ҳосил қилган.

ХУЛОСА

Мазкур олиб борилган тадқиқот ишида маҳаллий ҳомашёлар асосида олинган, таркибида амин ва фосфит гуруҳлар сақловчи ион алмашинувчи полиионитлар билан ичимлик сувини, асосан, ер ости, ер устидаги дарё ва кўллар сувининг турли хил оғир металл ионларининг сорбция жараёни сунъий эритмаларда статик шароитда ва технологик шароитда ўрганилди. Кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши, саноат ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши натижасида келиб чиқувчи экологик муаммоларни ҳал этишда, оқова сувларини замонавий, жумладан ион алмашиш технологияларни қўллаган ҳолда тозалашни статик шароитда ва технологик шароитда ўрганилди. Ифлосланган оқар сувлар таркибида ППЭ-1 анионит ва ППЭ-1-Р полиамфолитга оғир металл ионларининг сорбция жараёни сунъий эритмаларда, статик шароитда ва технологик шароитда ўрганилди. Металл ионларидан сунъий эритмалар тайёрланиб, статик шароитда сорбция жараёнига таъсир этувчи омиллар, яъни вақтга боғлиқлиги, ҳарорат таъсири, концентрацияга боғлиқликлари тадқиқ қилинди. Ленгмюр ва Френдлий моделларидан фойдаланиб, сорбция жараёнининг термодинамик параметрлари ҳисоблаб топилди. Сорбция жараёнида термодинамик параметрларнинг ўзгариши экзотермик табиатга эгаллиги, бу эса металл ионларининг полиионитга кимёвий ютилишидан далолат беради. Ушбу технологиялар асосида оқова сувларни тозалашда ишлатиладиган



жами реагентларнинг 30 фоизини ионитлар ташкил этади. Улар иссиқлик ва атом электростанцияларида сувнинг қаттиқлигини юмшатишда, кимё заводларининг сувни тозалаш цехларида, сувни тузсизлантиришда, гидрометаллургияда технологик эритмалар таркибидаги камёб, қимматбаҳо, рангли ва оғир металл ионларини ажратиб олишда ва экологик ҳолатни яхшилаш учун оқова сувларини заҳарли ионлардан тозалашда кенг миқёсда қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Muhammad Mohsin, Samira Safdar, Faryal Asghar, Farrukh Jamal International Journal of Humanities and Social Science Vol. 3 No. 15; August 2013. 114–12.
2. *Nikiforov, A.Y.* Using the natural mineral dolomite and its thermally-modified forms for waste water purification from heavy metal cations, Proceedings of the higher educational institutions. Chemistry and chemical technology, 1999, 4 (in Russian).
3. *Татаева С.Д., Ойболатова С.И.* Концентрирование и определение цинка хелатобразующим модифицированным ионитом // Материалы 7 Международной научно-практической конференции для молодых ученых, Астрахань, 23–25 апр., 2013, С. 80–82.
4. *D.J. Bekchanov.* Получение и физико-химические свойства азот- и фосфорсодержащих ионитов на основе поливинилхлорида. Диссертация на соискание ученой степени доктора химических наук.
5. *Борбат В.Ф., Адеева Л.Н., Лукиша Т.В.* Изучение сорбции скандия из солянокислых растворов хелатной смолой Purolite S-957 // Известия вузов. Химия и химическая технология. – 2010. – Т. 53. – № 9. – С. 99–101.

MODERN REFORMS IN CONSTRUCTION SECTOR IN THE LIGHT OF LIBERALIZATION OF ECONOMY IN UZBEKISTAN

Aziz Zikriyoyev,

PhD student.

Architecture and Civil
engineering Institute Tashkent

Abstract

Today construction industry is the most dynamic developing sector of the world economy. There lots of reforms and achievements have been generated in construction sector. In this paper work it is studied various point of views construction sector results and achievements for socio-economic development of Republic of Uzbekistan.

Key words: *Construction, socio-economic efficiency, human factor, reforms.*

Аннотация

Бугунги кун қурилиш саноати жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсиб бораётган тармоғига айланган. Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳанинг тараққий этиши кенг қўламли қурилиш ишларида намоён бўлмоқда. Мазкур тадқиқотда мамлакатимиз қурилиш саноатидаги ижтимоий-иқтисодий натижалар ва ютуқлар ўрганилган.

Калит сўзлар: *қурилиш саноати, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, инсон омили, ислоҳотлар.*

Аннотация

Сегодня строительная отрасль является наиболее динамично развивающимся сектором мировой экономики. В данной работе рассматриваются различные точки зрения на результаты реформ в сфере строительства и достижения социально-экономического развития Республики Узбекистан.

Ключевые слова: *строительство, социально-экономическая эффективность, человеческий фактор, реформы.*

The World Bank experts forecast that Uzbekistan's GDP will grow by 7.6% this year[1]. Although Uzbekistan began its systemic reforms later than in other countries, the transitional economy can draw important lessons from the experience of other countries. A major international financial aid organization for developing countries recently released a new report on the Uzbek economy. It provides a comprehensive overview of macroeconomic, social and structural

changes in the country in 2018 and the first half of 2019 and prospects for the next two years to 2021[2].

Aware of the need to improve the investment climate, the government is taking incremental steps to reform the business sector and address impediments to foreign investment in the country [3].

For further development of construction sector issued Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-4160 «On Additional Measures to Improve the Rating of the Republic of Uzbekistan in the Annual Report of the World Bank and International Finance Corporation» Doing Business «dated 05.02.2019 and» On the Country» dated 20.11.2019. Decree No. PP-4525 «On further improvement of business environment and improvement of business support system» played a significant role in improving the business environment in the country.

Indeed, in recent years, as well as in all areas of construction, a number of reforms have been carried out, but their content does not reach local executives, citizens and entrepreneurs, as a result of incorrect implementation of legislation in Uzbekistan (Doing Business – 2020).) was able to move only two steps (67 out of 191) in its annual report, though better results could be achieved with the full and correct implementation of the adopted regulations.

President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the meeting focused on accelerating reforms in the priority areas in 2020, defining and providing target parameters in this field, with a high emphasis on the development of new innovative solutions and projects. He also criticized the design and estimate documentation, the issuance of construction permits and the approval of paperwork, and the lack of electronic cooperation among responsible organizations.

Accordingly, in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-4525, abolish the order of notifying business entities to start construction and assembling works by January 1, 2020 (except for construction projects financed by centralized sources) and earthquake-proof and fire safety of the facility. Positive expert opinion on project documents and the task of introducing a draft resolution of the Cabinet of Ministers for the registration of facilities for business entities and territorial construction inspections by state service centers to allow for more comprehensive reforms in this area [4].

The main direction of the reforms in construction is country ranks 134th in the World Bank's Doing Business rating. tray. For example, there are 17 licensing procedures in the construction industry, which takes an average of 246 days to obtain. «Isn't this an injustice? The Cabinet of Ministers should immediately take steps to improve the rules and regulations in this area.»

Significant progress has been made in the initiative of the President to address the problems that have accumulated in the construction industry, and today the reforms in this area have been successful. In 2018, the program «Obod village» and «Obod mahalla» were met with great pleasure by the people. This year 3 trillion soums were allocated for construction and improvement. As a result, 416 villages have acquired a new look [5]. In January-March of the current year, Uzbekistan accounted for 11179.7 billion soums. soums, which is 105.9% more than in the corresponding period of the previous year.

According to Article 1 of the Law of the Republic of Uzbekistan from December 21, 2017 «About establishment of workers' industry of the Republic of Uzbekistan» the second Sunday of August is designated as Day of workers of construction industry of the Republic of Uzbekistan. In accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 2, 2018 NF-5392 «On measures to radically improve the system of public administration in the field of construction» the Ministry of Construction of the Republic of Uzbekistan was established on the basis of the State Committee for Architecture and Construction.

The main tasks of the Ministry of Construction of the Republic of Uzbekistan are:

- Implementation of a unified scientific and technical policy in the field of engineering and engineering research for urban planning and construction, increase in labor productivity, reduction of construction and installation costs, introduction of energy-efficient and energy-efficient innovative projects and decisions in construction activities;

- General scheme, schemes of planning of the Republic of Karakalpakstan, regions, Tashkent city, districts, cities ktlarining master plans and urban development and approval of documents, monitoring their implementation;

Coordinates the activities of JSC «Uzstroyateriali» on deep processing of local raw materials, increasing the volume and expansion of production of competitive and export-oriented construction products, as well as developing domestic measures for new types of high-quality building materials. Law of the Republic of Uzbekistan No. 353-II dated April 4, 2002 have approved.

Urban Development Code does not meet modern requirements and the need to improve it based on foreign experience has been repeatedly emphasized by President Sh. Mirziyoyev. In accordance with Article 5 of the Law, the third part of Article 53 of the Town Planning Code is stated in the following wording: districts, cities, building the desired location, which is adjacent to the public area beautification of gravity, as well as the construction of facilities to comply with the terms of the requirements. Construction of an object (except



for land plots for individual housing construction), if construction is not completed within the timeframe specified in the design estimates, and if this period is not included in the design estimates, within two years from the date of construction.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 14, 2018 «On Improvement of Government Regulation of the Construction Industry for the purpose of improving the state regulation of the construction industry, creating favorable conditions for attracting investments, increasing the effectiveness of the system of professional training, retraining and advanced training of construction industry personnel» According to the Decree, from January 1, 2019. Total number of newly established enterprises and organizations in the region in 2018. Small and medium enterprises accounted for 5.1 thousand, or 92.7%. In particular, if we analyze this situation in the construction industry, in 2018 the total number of newly created enterprises in the industry will be 581, of which 580 are that is, almost all small businesses.

According to direct statistics, as of January 1, 2001, the total number of construction companies operating in the region was 810, and as of January 1, 2011, the increase was 1.65 times, with 204 reaching 202. Finally, by 2018 their number had reached 1704, which is 2.1 times more than on January 1, 2001.

Table 1. Share of small business and private entrepreneurship

(in% to the total volume)

Years	GDP	Industry	Construction	Employment	Export	Import
2000	31.0	12.9	38.4	49.7	10.2	27.4
2001	33.8	12.5	40.4	51.8	9.3	26.9
2002	34.6	15.4	42.0	53.5	7.5	24.9
2003	35.0	10.8	39.9	56.7	7.3	33.7
2004	35.6	11.0	49.6	60.3	7.3	32.7
2005	38.2	10.0	50.9	64.8	6.0	33.7
2006	42.1	10.9	52.1	69.1	10.7	34.0
2007	45.7	13.2	55.4	72.1	14.8	32.0
2008	48.2	14.6	58.4	73.1	12.4	35.7
2009	50.1	17.9	42.4	73.9	14.6	42.5
2010	52.5	26.6	52.5	74.3	13.7	35.8
2011	54.0	28.6	67.6	75.1	18.8	34.3
2012	54.6	29.7	70.0	75.6	14.0	38.6
2013	55.8	33.0	70.6	76.7	26.2	42.4

2014	56.1	36.8	69.5	77.6	19.8	45.4
2015	54.5	40.6	66.7	77.9	27.0	44.5
2016	57.3	45.3	66.9	78.2	26.0	46.8
2017	54.9	41.2	64.8	78.0	27.2	50.2
2018	59.4	37.4	75.5	76.3	24.1	53.6

Source: <https://stat.uz/en/181-ofytsyalnaia-statystyka-en/6376-construction>

Implementation of the above measures will allow radical simplification of construction permitting procedures, prevention of corrupt and sanitary cases, drastic reduction of public service delivery (3) and terms, most importantly, the Doing Business Annual Report. Indicators will be among the top 30 countries in the world.

Table 2. Construction works in small business sector¹
(billion soums)

	2013	2014	2015	2016	2017	2018	January-September 2019
Republic of Uzbekistan	15219.3	20060.4	25423.1	29413.9	34698.0	51129.3	50922.2
Republic of Karakalpakstan	720.8	1053.5	1219.3	1171.8	1398.8	2193.0	2514.3
<i>regions:</i>							
Andijan	862.7	1131.8	1341.9	1578.0	1782.9	2828.9	2742.6
Bukhara	1279.6	1648.4	2061.7	2202.9	2543.7	3594.5	3291.9
Jizzakh	532.2	659.5	759.2	906.1	996.1	1552.4	1634.4
Kashkadarya	1168.2	1560.0	2067.5	2560.0	2759.1	3702.8	3332.3
Navoi	746.0	891.7	1019.2	1153.1	1313.6	2303.2	2531.5
Namangan	730.9	890.4	1010.4	1289.9	1475.2	2241.7	2384.6
Samarkand	1214.5	1562.8	2010.6	2194.9	2342.4	3328.7	3207.6
Surkhandarya	849.5	1051.5	1351.3	1554.8	1827.0	2893.0	2942.6
Syrdarya	313.0	376.5	478.9	540.7	552.4	994.8	1100.7
Tashkent	1151.7	1330.9	1562.0	1646.3	1825.4	2999.5	3328.7
Fergana	1089.7	1396.2	1649.0	1840.0	1969.5	2929.6	3147.2
Khorezm	790.3	961.4	1174.7	1220.9	1375.8	1881.3	1945.7
Tashkent city	2725.6	3460.1	4113.0	4633.4	6197.9	10822.1	11294.5

Source: <https://stat.uz/en/181-ofytsyalnaia-statystyka-en/6376-construction>

At the same time, the development of urban master plans and architectural planning projects in rural areas does not meet the requirements. In particular, in 2011–2018, the Urban Planning Update was completed by only 30–40%, with only 207 (17%) of the 1,200 cities and towns present.

Figure 1





Figure 2



Correlation analyses as figure 1 construction industry share into export amount done by small business and private entrepreneurship relationship in construction industry. We may say it is positive significance in small business sector. As figure 2 regression line export amount from small business in construction sector increasing dynamically, reached by 24,1 % of 2018. By the liberalization of the economy and openness local manufacturer can export building materials abroad.

Skewness/Kurtosis tests for Normality						
Variable	Obs	Pr(Skewness)	Pr(Kurtosis)	adj	joint chi2(2)	Prob>chi2
export	19	0.3836	0.0706		4.25	0.1196

. twoway(scatter construction export) (lfit construction export)						
. reg construction export						
Source	SS	df	MS	Number of obs	=	19
Model	1713.96908	1	1713.96908	F(1, 17)	=	29.37
Residual	991.980161	17	58.3517742	Prob > F	=	0.0000
				R-squared	=	0.6334
				Adj R-squared	=	0.6118
Total	2705.94924	18	150.330513	Root MSE	=	7.6388

construction	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
export	1.314709	.24258	5.42	0.000	.8029095 1.826508
_cons	35.96121	4.176127	8.61	0.000	27.15035 44.77207

Regression analyses with construction work amount with export amount it is presented above. It means F statistics is significant, T statistics are also strong relationship with positive growth. So, by the support of government and new reforms can lead national economy forward. New job creation by developing human capital construction sector can build massive projects in future.

MAIN OUTCOMES AND FINDINGS

According to the research construction process has been developed dynamically in Uzbekistan. Building materials which required supply chain management can be replaced import substitute manufactured materials in the country. Main findings can be considered as followings:

1. Legislation system of construction sector optimized by a liberalization of the modern economic policy;
2. Wide range of construction projects have been developed;
3. Role of small business and private entrepreneurship in construction industry increasing dynamically;
4. Saving outflow of foreign currency in spite of localization of substitute production process;
5. The increased VAT in the national economy;
6. Export potential is growing by state supporting program;
7. Investment attractiveness can be considered inflow of foreign direct investment into the construction sector;
8. Developed competitiveness among entrepreneurship and firms in Uzbekistan.

CONCLUSION

Modern reforms in construction sector attracted all business entities in Uzbekistan. Foreign direct investment into local economy and free economic zones distributed various types of products and services developing infrastructure and local building industry. Government policy reforms in construction sector open new perspectives build safe, cheaper and effectively of the all construction projects by integration international cooperation and partnership with world bank, International labor Organization, ISO, and Doing Business sectors. All major social and economic, legislative reforms directed support population of Uzbekistan. We believe it is providing enormous construction projects will be erected in all sectors of economy for sustainable economic growth and develop human capital in total economy.

REFERENCES

1. <https://oz.sputniknews-uz.com/society/20170613/5604775.html>
2. <https://kun.uz/uz/news/2019/08/31/ozbekiston-iqtisodiyoti-istiqbollar-va-xavflar>
3. https://theodora.com/wfbcurrent/uzbekistan/uzbekistan_economy.html
4. World Bank Uzbekistan Profile data sheet



ЭЛЕКТРОН ТЕЗЛАТКИЧЛАРДА РАДИОИЗОТОПЛАР ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Хайруллаев Озодбек Атхамжон ўгли,
талаба.

Ўзбекистон Миллий университети

Аннотация

Мазкур тадқиқот ишида тиббиётда таъхис қўйиши ва турли хил касалликларни даволаш жараёнларида қўлланиладиган радиоизотопларни электрон тезлаткичларда олиш имкониятлари ўрганилган. Ушбу тезлаткичларда радиоизотоплар олиш методикалари таҳлил қилинган. Электрон тезлаткичларда радиоизотоплар олишининг таннархини камайтириш омиллари кўрсатилган. Ҳисоблаш ишлари махсус яратилган дастур ҳамда нурланиш ва ўлчаш жараёнларини моделлаштиришга имкон берувчи GEANT4 дастурлаш пакетлари ёрдамида амалга оширилган.

Калит сўзлар: радиоизотоп, нурланиш, фотоядро реакцияси, ярим парчаланиш даври, таъхис, активлик, реакция чиқиши, тормозланиш нурланиши, реакция кесими, бетатрон, чизиқли тезлаткич.

Аннотация

В данной работе изучены возможности получения радиоизотопов, применяемых в медицине при диагностике и лечении различных заболеваний. Проанализирована методика получения радиоизотопов из электронных ускорителей. Указаны факторы, влияющие на снижение себестоимости получения радиоизотопов из электронных ускорителей. Расчеты выполнялись по специальной программе, составленной для этой цели, и программного пакета GEANT4, позволяющего моделировать процесс облучения и измерения.

Ключевые слова: радиоизотоп, излучение, фотоядерные реакции, период полураспада, диагностика, активность, выходы реакции, тормозное излучение, сечение реакций, бетатрон, линейные ускорители.

Abstract

In this work, we studied the possibility of obtaining radioisotopes used in medicine for the diagnosis and treatment of various diseases. The method of obtaining radioisotopes on these accelerators is analyzed. The factors influencing the reduction of the cost of obtaining radioisotopes on electronic accelerators are indicated. The calculations were performed using a special program compiled for this model and the GEANT4 software package, which allows simulating the irradiation and measurement process.

Key words: radioisotope, radiation, photonuclear reactions, half-life, diagnostics, activity, reaction outputs, bremsstrahlung, reaction cross sections, betatron, linear accelerators.

КИРИШ

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилинди. «Ҳаракатлар стратегияси»нинг устувор йўналишларидан бири бу ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларини ўз ичига камраб олган. Бу устувор йўналишда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилган бўлиб, бунда мазкур соҳага тиббиётнинг замонавий технологияларини киритиш ва улардан самарали фойдаланиш назарда тутилган. Тиббиётда юқори аниқликда ташхис қўйиш ва даволаш учун замонавий методлар ва қурилмалар қўлланилмоқда. Бундай методларга мисол қилиб радиоизотоп методи, позитрон-эмиссион томография, компьютерли томография методларини келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда радиоактив препаратлар тиббиётда, яъни ташхислаш ва даволаш жараёнларида кенг қўлланилмоқда. Радиопрепаратларни қўллаб ташхис қўйиш бу замонавий йўналиш, яъни ядро тиббиётининг энг муҳим бўлими ҳисобланади [1]. Бундай ташхислаш усуллари анъанавий усулларга нисбатан анча устунликка эга. Бу орқали касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлмасдан анча олдин ташхис қўйиш имконияти яратилади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Тиббиётда қўлланиладиган радиоизотоплар ядро реакторлар, оғир зарралар тезлаткичлари ва электрон тезлаткичларда олинади. Радиоизотоплар ишлаб чиқаришининг асосий қисми реакторлар ва оғир зарралар тезлаткичлари улушига тўғри келади. Электрон тезлаткичларда радиоизотоплар нисбатан кам ишлаб чиқилган бўлиб, бунда юқоридаги қурилмаларда олиш имкониятлари бўлмаган айрим радиоизотопларгина ишлаб чиқилган. Бунга сабаб электрон тезлаткичларда радиоизотоплар олиш имкониятлари етарлича ўрганилмаганлиги ва юқори интенсивликка эга бўлган тезлаткичларнинг мавжуд бўлмаганлигидир.



Электрон тезлаткичлар ёрдамида олинадиган радиоизотоплар

Изотоп	$T_{1/2}$	Реакция	Қўлланилиш соҳалари
^{11}C	20.38 м	$^{12}\text{C}(\gamma, n)^{11}\text{C}$ $^{16}\text{O}(\gamma, n\alpha)^{11}\text{C}$ $^{14}\text{N}(\gamma, t)^{11}\text{C}$ $^{14}\text{N}(\gamma, nd)^{11}\text{C}$, $^{14}\text{N}(\gamma, p2n)^{11}\text{C}$	Позитрон-эмиссион томографияда (ПЭТ) қўлланилади
^{13}N	9.98 м	$^{14}\text{N}(\gamma, n)^{13}\text{N}$ $^{16}\text{O}(\gamma, t)^{13}\text{N}$ $^{16}\text{O}(\gamma, nd)^{13}\text{N}$, $^{16}\text{O}(\gamma, p2n)^{13}\text{N}$	Позитрон-эмиссион томографияда қўлланилади
^{15}O	122 с	$^{16}\text{O}(\gamma, n)^{15}\text{O}$	Позитрон-эмиссион томографияда қўлланилади
^{18}F	109.8 м	$^{23}\text{Na}(\gamma, n\alpha)^{18}\text{F}$, $^{19}\text{F}(\gamma, n)^{18}\text{F}$ $^{20}\text{Ne}(\gamma, d)^{18}\text{F}$, $^{20}\text{Ne}(\gamma, pn)^{18}\text{F}$	Позитрон-эмиссион томографияда қўлланилади
^{47}Sc	3.42 сут	$^{48}\text{Ti}(\gamma, p)^{47}\text{Sc}$	Радиоиммунотерапияда (РИТ) қўлланилади
^{57}Co	271.7 сут	$^{58}\text{Ni}(\gamma, p)^{57}\text{Co}$	Аъзо ўлчамларини баҳолашда маркер сифатида қўлланилади
^{67}Cu	61.9 соат	$^{68}\text{Zn}(\gamma, p)^{67}\text{Cu}$	Бета-цирлатгич бўлиб, радиоиммунотерапияда (РИТ) қўлланилади
^{99}Mo	66.02 соат	$^{100}\text{Mo}(\gamma, n)^{99}\text{Mo} \rightarrow ^{99m}\text{Tc}$	^{99m}Tc генератордаги бирламчи изотоп
^{111}In	2.83 сут	$^{112}\text{Sn}(\gamma, p)^{111}\text{In}$ $^{112}\text{Sn}(\gamma, n)^{111}\text{Sn} \rightarrow ^{111}\text{In}$	Ташхис қўйиш тадқиқотлари учун қўлланилади
^{123}I	13.0 соат	$^{124}\text{Xe}(\gamma, n)^{123}\text{Xe} \rightarrow ^{123}\text{I}$	Мия, юрак, қалқонсимон без, буйрақларни тадқиқ қилганда ташхис қўйиш учун қўлланилади. Бу радиоизотоп соф гамма-нурлагич ҳисобланади
^{125}I	60.2 сут	$^{126}\text{Xe}(\gamma, n)^{125}\text{Xe} \rightarrow ^{125}\text{I}$	Простата ва мия саратон касалиги брахитерапиясида, буйрак филтрациясининг тезлигини баҳолашда ва оёқдаги чуқур веналар тромбозини ташхислашда қўлланилади. Шунингдек, радиоиммун таҳлилда ҳам кенг қўлланилади

Кейинги вақтларда бу йўналишда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда, яъни электрон тезлаткичларда олинадиган радиоизотоплар турлари ва

сонларини кўпайтириш бўйича илмий тадқиқот ишлар сонининг кўпайиши ва юкори интенсивликка эга бўлган электрон тезлаткичларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларининг кучайишидир.

Мазкур ишдан мақсад айрим радиоизотопларнинг электрон тезлаткичларда олиш имкониятларини ўрганиш ва тиббиётда ташхис қўйиш ва даволаш мақсадида қўлланилаётган радиоизотоплар бўйича маълумотларни тизимлаштиришдан иборат.

Ҳозирги кунда электрон тезлаткичларда олинаётган ва тиббиётда ташхис қўйиш ва даволаш мақсадида қўлланилаётган радиоизотопларнинг тузилиши 1-жадвалда келтирилган.

Бу жадвалдан кўринадики, электрон тезлаткичларда олинган радиоизотоплар қўлланилиш чегараси жуда ҳам кенг бўлиб, у ҳали етарлича ўрганилмаган.

Мазкур тадқиқот ишида тиббиётда қўлланиладиган радиоизотопларнинг электрон тезлаткичларда олиш имкониятларини ўрганиш мақсадида [2–4] ишлар натижаларидан фойдаланилди. Бу ишлар электрон тезлаткичларнинг бир тури бўлган СБ-50 бетатроннинг аналитик имкониятларини ўрганишга бағишланган. Бу тадқиқот ишида чиқишлари аниқланмаган радиоизотоплар учун GEANT4 [5] дастурлаш пакетлари ёрдамида чиқиши ва активликлари аниқланилди. Бу пакет универсал моделлаштириш дастурлар мажмуаси бўлиб, у ёрдамида ядро нурланишларининг моддага таъсири ва бунинг натижасида юзага келган индукцияланган (киритилган) активликларнинг интенсивликларини аниқлаш мумкин.

Tang S.J. отмечает, что гемостаз после криовоздействия наблюдается у 93% пациентов с диффузным кровотечением легкой степени. Однако сложное технологическое оборудование, используемое для данной процедуры, высокий риск рецидива кровотечения (27,0% случаев), отсутствие эффекта при геморрагии из крупного сосуда оказались причиной ограниченного использования этого метода. В 1980 году впервые в Японии доктором Nachisu совместно с компанией «Olympus» созданы клипатор и клипсы для эндоскопического гемостаза. Он сообщает, что при использовании данного метода обеспечивается первичный окончательный гемостаз до 85–100% наблюдений, уменьшая частоту рецидива от 2 до 20%. Binmoeller K.F. в Германии применил методику эндоскопического клипирования у 88 пациентов с активными язвенными кровотечениями. Рецидив наблюдался в 5 (5,6%) случаях, среди них один больной был оперирован. Летальных случаев не отмечено. Tang S.J. проведено исследование у 40 пациентов с язвенными кровотечениями с использованием ротационных клипс. При этом окончательный гемостаз был достигнут у 95% больных, рецидив отмечался в 7,5% наблюдений.

Научное исследование по изучению эффективности различных методов эндоскопического гемостаза, проведенное в Гонконге, является одним из самых широкомасштабных исследований, которое включало в себя результаты обследования и лечения 1156 больных. Результаты исследования показали, что самым эффективным методом является клипирование, эффективность которого составила 90%. В журнале «Gastrointestinalendoscopy» опубликовано рандомизированное исследование с метаанализом. Авторы данной статьи сообщают, что частота первичного окончательного гемостаза при использовании эндоскопического клипирования возросла с 92% до 96%, рецидив кровотечения снизился почти в 2 раза (с 15% до 8,5%). Однако изменение метода эндоскопического гемостаза не повлияло на частоту летальности и открытых операций. Столь большой разброс показателей стойкого гемостаза или рецидивов кровотечения связан в основном с трудностью размещения клипс из-за «трудного» расположения источника кровотечения или неполной компрессии сосудов, что ограничивает широкое применение этого способа. Однако данный метод более эффективен при профузных кровотечениях, особенно крайне тяжелым пациентам с высоким операционным и анестезиологическим риском. Преимущество последнего метода перед другими способами эндоскопического гемостаза показывает актуальность проблемы и требует дальнейшего изучения и использования в клинической практике.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Эндоскопическое клипирование является высокоэффективным методом гемостаза при язвенных профузных кровотечениях из желудочно-кишечного тракта, и первичный гемостаз может достигать 93,2%. Эндоскопическое клипирование является методом выбора при профузных гастродуоденальных язвенных кровотечениях, особенно у пациентов с высоким анестезиологическим и операционным риском, и может стать альтернативой открытым оперативным вмешательствам.

Проведенный анализ выявил, что эндоскопическое клипирование может достигать 93,1% и является методом выбора при профузных гастродуоденальных язвенных кровотечениях, особенно у пациентов с высоким анестезиологическим и операционным риском, что дает возможность стать альтернативой открытым оперативным вмешательствам.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. *Баев В.Е.* Экспериментальное обоснование применения гидрогелей для лечения кровоточащих язв желудка: Автореф. дис. канд. мед. наук. – Воронеж, 2007.
2. *Кондратенко Г.Г.* Совершенствование диагностики, тактики и лечения гастродуоденальных кровотечений язвенной этиологии. – М., 2000.
3. *Коробченко А.А.* Применение гемостатического препарата капрофер в лечебной эндоскопии: Автореферат дис. канд. мед. наук. – 1996.
4. *Лебедев Н.В., Климов А.Е., Соколов П.Ю.* и соавт. Сравнительная оценка систем прогноза рецидива язвенного гастродуоденального кровотечения – Хирургия им. Н.И. Пирогова. – 2013. – № 8. – С. 28–31.

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРС ТЕЖАМКОР ЗАМОНАВИЙ ДЕВОРБОП МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Муродов Бахтиёр Зафарович,
талаба.

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Аннотация

Мақолада энергия ва ресурс тежамкор технологиялар асосида замонавий деворбоп материаллар – газбетон ва кўпикбетон блоклари, гипсли блоклар, силикат гишт, полистиролбетондан тайёрланган панелларни ишлаб чиқариш орқали тупроқ ресурсларини сақлаш ва турар-жой биноларида иссиқликни сақлаш масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: турар-жой бинолари, гишт, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш, энергия, газбетон, кўпикбетон, қумли цемент блоклар, полистиролбетон, технология, иссиқликни сақлаш, цемент.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы сохранения ресурсов и накопления тепла в жилых зданиях путем производства современных строительных материалов на основе энергосберегающих технологий – газобетонных и пенобетонных блоков, гипсовых блоков, силикатного кирпича и полистирол-панелей.

Ключевые слова: жилищные здания, кирпич, строительные материалы, производство, энергия, газобетон, пенобетон, песчанистые цементные блоки, полистиролбетон, технология, теплоизоляция, цемент.

Abstract

The article discusses the conservation of resources and heat accumulation in residential buildings through the production of modern building materials based on energy-saving technologies – aerated concrete and foam concrete blocks, gypsum blocks, silicate brick and polystyrene panels.

Key words: A housing building, brick, building materials, manufacture, energy, aerocrete, aerated concrete, sand cement blocks, polysterene concrete, technology, heat insulation, cement.

КИРИШ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш масаласига алоҳида эъти-



бор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг жадаллик билан олиб борилаётганлиги, қурилиш тармоғи ва ҳажми ўтган уч йилга нисбатан 2019 йилда 1,7 баробар кўпайгани мазкур соҳанинг ривожланиб бораётганлигидан далолат беради» [1].

Хусусан, 2016 йилда давлат дастурлари доирасида қишлоқларда 13 мингта турар-жой, тадбиркорлар томонидан 13 минг 189 та хонадонли уйлар қурилган бўлиб, бунинг учун 4 трлн. 330 млрд. сўм сарфланган. 2017 йилда давлат дастурлари доирасида қарийб 29 мингта, жумладан қишлоқларда 20,3 мингта, шаҳарларда 8,5 мингта яқин турар-жой бинолари барпо этилди. Тадбиркорлар томонидан 16 мингдан зиёд хонадонли уйлар қурилган, яъни умумий ҳисобда қарийб 45 мингта уй-жой барпо этилиб, булар учун 6,2 трлн. сўм сарфланган. 2018 йилда бунёдкорлик кўлами янада кенгайиб, давлат дастурлари доирасида 42,2 мингта, шу жумладан, қишлоқларда 25,3 мингта, шаҳарларда қарийб 17 минг турар-жойлар, тадбиркорлар томонидан жами 19,7 минг хонадондан иборат уйлар қурилган. Яъни қарийб 62 мингта уй-жойлар барпо этилиб, 12 трлн. 130 млрд. сўм сарф-харажат қилинди. 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра давлат дастурлари доирасида қарийб 30 мингта, шу жумладан, қишлоқларда 15 мингдан зиёд, шаҳарларда 15 мингта яқин турар-жойлар, тадбиркорлар томонидан эса жами 19,5 минг хонадонни ўз ичига олган уйлар барпо этилган. Умумий ҳисобда қарийб 49,5 минг уй-жой қурилиб, бунинг учун 12 трлн. 24 млрд. сўм йўналтирилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қурилиши керак. Бунинг учун қарийб 30 трлн. сўм маблағ зарур бўлади. Бу маблағ эса давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёдини ташкил этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугун замонавий рақобатбардош, сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва соҳада барқарор нархларни ўрнатишнинг долзарблиги ва стратегик аҳамияти «Tashkent City» ва «Samarkand City» замонавий ишбилармонлик марказлари, Нурафшон шаҳри, Тошкент халқаро аэропорти, Тошкент халқа йўли, Юнусобод метро линияси, йўл ўтказгичлар, намунавий ва хизмат турар-жойлари, кам таъминланган оилалар учун уйларнинг қурилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари томонидан аҳолини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш орқали импорт ҳажмини камайтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ишлаб

чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали янги иш ўринларини яратиш, пировардида ички бозорда қурилиш материаллари нархи ошиб кетишининг олдини олиш ва уларни арзонлаштириш соҳа ривожига муҳим омил бўлмоқда [2].

Бино ва иншоотларнинг лойиҳаларини такомиллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Маълумки, қурилишда энг кўп қўлланиладиган пишган ғишт материалига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ғиштнинг асосий хом ашёсини тупроқ ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» қонуни 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, мазкур қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ғишт бутун дунё миқёсида ишлатиладиган асосий қурилиш материали ҳисобланади. Бугунги кунда ғишт юқори технологик қурилиш материали бўлиб, ишончли ва юқори сифатли биноларни қуриш имконини беради. Бир метр куб ғишт териш учун ғишт сарфи, ғиштнинг нимадан тайёрланганлиги, унинг хусусиятлари ва тавсифларига қараб аниқланади. Ғиштга бўлган талаб юқори эканлиги сабабли уни ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатлари ўсиб бормоқда.

Қурилиш ғиштининг ўртача зичлиги 1600 кг/м^3 , иссиқлик ўтказувчанлиги $0,67 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$, иссиқлик ўтказиш коэффициентини $1,8\text{--}2 \text{ ккал/м}^2\cdot\text{ни}$ ташкил этади.

Ўзбекистонда йилига ўртача ишлаб чиқарилаётган пишиқ ва хом ғишtlар сони (давлат дастури ва хусусий сектор ҳисоби билан) 4,8 млрд. дона бўлса, бунга тахминан 30–40 млн. метр куб тупроқ сарфланишига олиб келмоқда.

Жаҳонда қурилиш соҳасида янги турдаги экологик тоза материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллашнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Германия, Россия, Туркия, Япония, Хитой каби ривожланган мамлакатларда янги қурилиш материалларини яратиш ва уларни ишлаб чиқариш ва бу орқали бино ва иншоотларнинг физикавий ҳолатини яхшилашда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, бино ва иншоотларни қуриш, уларнинг мустаҳкамлик ва барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан



янги қурилиш материаллари, жумладан, деворбоп материалларни ишлаб чиқаришда материалларнинг маҳаллий хом ашё асосидаги таркиблари ва уларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда деворбоп материалларнинг вақт бўйича бардошлилиги, ҳар хил иқлим шароитига чидамлилиги ва мустаҳкамлигини ошириш, иссиқлик-техник хоссаларини яхшилаш борасида, хусусан, тайёрлаш жараёнида серғовак структурани ҳосил қилиш ва ўртacha зичлигини камайтириш учун куйиб кетувчи қўшимчалардан фойдаланиш, минерал қўшимчалардан фойдаланиб материал структурасини оптималлаштириш, уларни ишлаб чиқаришнинг энергия самарадор технологияларини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, паст сифатли маҳаллий хом ашё асосида, саноат ва кишлок хўжалиги чикиндиларидан фойдаланиб самарали деворбоп буюмлар таркиблари ва ушбу буюмларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади [3].

Қурилиш тармоғида деворбоп материалларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқариш ва кенгайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сонли Қарорида ушбу мақсадлар ҳам қамраб олинган.

Мазкур қарор асосида республикамызда 2019–2021 йилларда 12 та газбетон блокларини ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этган ҳолда, йилига умумий 1,8 млн. метр куб қувват билан ишлашлари белгиланди [4].

Бугунги кунда пишган ғишт ўрнига газбетон ва кўпикбетон блоклари, гипсли блоклар, силикат ғишт, полистиролбетондан тайёрланган панеллар, «Сэндвич» туридаги девор ва том ёпма панеллар, арболитли блок, кумли цемент блоклар ва иссиқ блоклар таклиф этилаётган янги замонавий деворбоп материаллар ҳисобланади.

Уларнинг хусусиятларини келтириб ўтамыз. «Сэндвич» панель (базальт толали) – минерал ватадан, бинолар қуришда энг кенг тарқалган қурилиш материаллардан биридир. Бошқа турдаги панелларга нисбатан уларнинг асосий афзаллиги ёнғинга чидамлилиги ҳисобланади. Асосан кам қаватли бинолар қурилишида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Нормал шароитда панелларни $-65\text{ }^{\circ}\text{C}$ $+75\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ҳароратда қўл-лашга мўлжалланган. Панелнинг ички юза ҳароратининг нисбий намлиги 60%. Унинг афзаллиги бинонинг том қисмида фойдаланиш имкониятини беради.

Иссиқ блок (бошқа номлари – полиблок, паратермоблок, теплостен ва теплобетон) уч қатламли конструкцияга эга бўлган блок ҳисобланади.

Ички асосий (ўзак) қатлам – асосий юкни кўтарувчи қатлам бўлиб, керамзитбетондан (сопол бетон) М200 ва энг кам қалинлиги 13 см дан тайёрланади. Ушбу бетоннинг кучи 5 қаватли биноларни қуриш имконини беради.

Ўрта қатлам – 15–20 см қалинликда бўлган кўпик полистиролдан тайёрланиб, иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятлари мавжуд бўлиб, уйнинг иссиғини сақлашга ёрдам беради.

Ташқи олд қатлам – 5 см қалинликда ва декоратив функцияни бажаради. У кенгайган лойдан қилинган ва табиий тош тўқималарига эга. Кўпинча ташқи пардоз учун бўялади.

Барча қатламлар орасидаги алоқа иккита металл ёки шиша толалар ёрдамида амалга оширилади. Базальт қопламаси материал сифатида ишлатилиши мумкин.

Кўп хилма-хиллиги туфайли иссиқлик блоklarининг куйидаги турлари таснифланиши мумкин: енгил агрегатли таянч қатлами деворга тушадиган юк асосида танланади ва иссиқлик қатлами сифатида ишлатиладиган кенгайтирилган полистирол тури бўйича мўътадил иқлим зонасида жойлашган иситилмайдиган хоналар учун 200x400x190 мм юпқа иссиқ блоklar ишлаб чиқарилади.

Қумли цемент блоklarни тебранувчи пресслар ёрдамида ишлаб чиқарилади. Ушбу қурилиш материалларининг асосий таркибий қисмлари – йирик кварц куми, портланд цемент ва тош толқонларидан иборат. Ишлаб чиқариш технологияси асосида тайёр бўлган блокда ёриқлар йўқлигини таъминлайди, шунинг учун кум-цемент блокаи барқарор тузилишга эга. Тебраниш жараёнидан сўнг кум-цемент аралашмаси юқори босим кучи ва тайёр маҳсулотнинг жуда аниқ геометрик параметрларини олади. Ишлаб чиқариш жараёнида турли пластификаторлар ва қўшимчаларнинг қўшилиши жуда оз ҳолларда амалга оширилади.

Қум-цемент блоklarининг ўлчамлари оддий ғиштларнинг анъанавий катталигидан каттароқдир ва битта блокнинг ҳажми етти ғишт ҳажмига тенг. Қумли цемент блоklarни 390x190x190 мм ва 400x200x200 мм ўлчамлари билан ишлаб чиқарилади. Қум-цемент блоklarининг асосий хусусиятлари: блокнинг массаси – 14 дан 18 кг гача, чидамлилиқ маркаси – М35, совуққа чидамлилиги – F25, иссиқлик ўтказувчанлиги – 0,4–0,55 Вт/м °С, зичлиги – 940–1100 кг/м³.

Силикат ғиштни фақатгина сунъий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун янги технологияларининг амалиётга жорий этилгандан сўнг «тайёрлаш» имконияти яратилди. Унинг асосида «Автоклав синтези» деб аталадиган усулни қўллаш, яъни: 9 улуш кварц куми, 1 улуш оҳак ва ярим қуруқ пресслашдан кейин (шу сабабли ғишт шаклини яратилади) автоклав ишлов бериш қўлланилади (170–200 °С ҳароратда ва сув босими 8–12 атм.). Ушбу аралашмага ҳавога чидамли, гидроксидга чидамли пигментлар қўшилса, рангли силикатли ғишт олинади.

Силикат ғиштнинг асосий компоненти (оғирлиги бўйича 85–90%) кумдир, шунинг учун одатда заводлар кум манбалари яқинида қурилади, кумли карьерлар эса корхоналарнинг бир қисмига айланади. Силикат

ғиштнинг хусусияти ва технологиясининг хоссалари кўп жиҳатдан кумнинг таркиби ва хусусиятларига қараб аниқланади.

Ғишларни танлашда бир нечта хусусиятларига эътибор берилади, хусусан, экологик софлиги, товуш ўтказувчанлик, чидамлилиқ ва музга бардошлилик, энергия тежамкорлик (иссиқлик ўтказувчанлик) ва ҳ.к.

Силикат ғишт қайд этилган сифатларнинг барчасига талаб даражасида жавоб бера олади, лекин унинг камчилиги сифатида сувга ва иссиқликка чидамсиз эканлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун сув таъсир қиладиган конструкцияларда (пойдеворлар, канализация қудуқлари ва бошқалар) ва юқори ҳарорат таъсир қиладиган конструкцияларда (печлар, мўрилар ва бошқалар) фойдаланиш мумкин эмас.

Кўпикли блок – оддий цемент, кум ва сув аралашмасига кўпик чиқарувчи (пенообразователь) моддасини кўшиш орқали ҳосил бўладиган ҳар хил ғовакли (ячеистый) бетон ва кўпикли бетондан тайёрланган қурилиш материалидир.

Унинг ютуқлари шовқинлардан юқори даражада изоляция қилиши, унинг ғоваклилиги туфайли хона ичидаги микроклимни сақлайди: совуқ ҳавода иссиқликни сақлайди ва ёзда салқинлашади. Ўзгарувчан об-ҳавога эга бўлган жойларда бу жуда муҳимдир. Материалда мукамал вентиляцияни таъминловчи қўшимча каналлар мавжуд.

Албатта, кўпикли блокларнинг асосий афзалликларидан бири қиммат ва чидамли материалларга нисбатан арзонлиги ҳисобланади. Шунингдек, кўпикли бетон енгил бўлгани учун қурилиш жараёнида ундан фойдаланишни осонлаштиради ҳамда бу материалдан фойдаланиш орқали бино енгил бўлади. Бу эса, ўз навбатида, пойдеворга камроқ қуч тушишини таъминлайди ва пойдевор қувватини камайтириш орқали пулни тежаш имконини беради.

Унинг салбий томонларидан бири қурилишда каркас ишлатилишидир. Ушбу материал учун сифатли каркасларни қуришни лойиҳалаш жараёни кўп меҳнат ва катта тажрибали мутахассисларни талаб этади.

Кўпикли бетон жуда нозик материал ҳисобланиб, уни ташиш пайтида осонлик билан шикастланади ва шунга мос равишда қурилишдан кейин сиқилиш пайтида ёрилишларга олиб келади ва қиска муддатли ёриқлар ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан ички материалнинг тузилиши ўзгариши мумкин. Карбонат ангидрид ва цементнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўладиган бўр туфайли янада заифлашади, бу эса блокнинг ички қисмидаги сиқилишга олиб келади.

Арболитли блок – цемент, сув ва ёғоч кipiғи (майда бўлақлар) аралашмасига кимёвий қўшимчалар қўшиш орқали ҳосил қилинади. Унинг мустаҳкамлиги ёғоч кipiқнинг калибрига боғлиқ бўлиб, унинг меъёрлари тегишли ҳужжатларда белгиланган. Ундаги зичликнинг паст-

лиги сабабли уни кўтарувчи конструкцияларда фойдаланиб бўлмайди, ундан иссиқликни изоляция қилиш ва тўсиқлар қуришда фойдаланилиши мақсадга мувофиқ.

Одатда, конструкцияларда 550 дан 700 кг/м³ гача зичликдаги материаллардан фойдаланилади. Арболит блокларнинг зичлиги эса маркасига қараб 400 дан 850 кг/м³ гача ишлаб чиқилади.

Арболитли блокнинг афзалликларига экологик софлиги, пар ўтказмаслиги, енгиллиги, фойдаланишда қулайлиги, монтаждаги оддий қотириш мумкинлиги (дарахтга ўхшаб), иссиқлик ўтказмаслиги, шовқин ўтказмаслиги, кичик объектларда арматуралардан фойдаланмаслик, биологик чидамлилиги, ёнғинга чидамлилиги ҳисобланади.

ХУЛОСА

Олиб борилган изланишларнинг илмий янгилиги шундаки, энергия ва ресурс тежамкор технологияларни самарали қўллаш орқали замонавий деворбоп материаллар – газобетон ва кўпикбетон блоклари, гипсли блоклар, силикат ғишт, полистирол бетондан тайёрланган панеллар, «Сэндвич» туридаги девор ва том ёпма панеллар, арболитли блок, кумли цемент блоклар ва иссиқ блокларини ишлаб чиқарилишида мавжуд тупроқ ресурслари йўқолиб кетишининг олди олинади. Шунингдек, ғишт ўрнига замонавий газбетон ва кўпикбетон блокларидан фойдаланилса, ишлаб чиқаришда газ сарфи 8 барабар камаяди ва турар-жой уйларида иссиқликни сақлаш 5 барабар ошиб, амалиётда аҳолини арзон ва сифатли замонавий уй-жой билан таъминлаш масалаларининг ижобий ҳал этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 28 октябрда «Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалалари»га бағишланган йиғилиш маърузаси. www.kun.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4198-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2019 й., 07/19/4198/2640-сон).

3. *Сатторов З.М.* Қурилиш соҳасини такомиллаштириш ва ривожланиш истикболлари. // Илмий-амалий журнал «Архитектура Қурилиш Дизайн». // №1/2019/ – Тошкент, 2019 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4335-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2019 й., 07/19/4335/3183-сон).



XALQARO MAYDONDA O‘ZBEKISTON YANGI IJOBIY IMIJINING SHAKLLANISH JARAYONLARI VA ISTIQBOLLARI

*Kasimova Zilola G‘ulomiddin qizi,
tayanch doktorant.*

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti

Annotatsiya

O‘zbekiston fuqarolik jamiyat va demokratik davlat qurayotgan hozirgi davrda, o‘z milliy madaniy qadriyat va an‘analarini saqlab qolgan holda, davlatimizni iqtisodiyot, siyosat, madaniyat sohalarida modernizatsiya qilishga va xalqaro maydonda o‘z mavqeyini oshirishga intilmoqda. Mazkur maqolada so‘nggi yillarda davlatimiz tomonidan olib borilayotgan islohotlar asosida mamlakatimizning yangi ijobiy imiji shakllanish jarayonlari va istiqbollari tahlil etilgan.

***Kalit so‘zlar:** 2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar Strategiyasi, davlatning ijobiy imiji, investitsion jozibadorlik, turistik salohiyat, Yoshlar ittifoqi, Xalq diplomatiyasi, «yumshoq kuch», milliy brend.*

Аннотация

Независимый Узбекистан, строящий демократическое государство и гражданское общество, проводит модернизацию в экономической, политической, культурной сферах, сохраняя при этом свои национально-культурные ценности и традиции, стремится завоевать достойное место на международной арене. В данной статье анализируются процессы и перспективы формирования нового позитивного имиджа на основе реформ, проводимых нашим государством в последние годы.

***Ключевые слова:** Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах, позитивный имидж государства, инвестиционная привлекательность, туристический потенциал, Союз молодежи, народная дипломатия, национальный бренд, «мягкая сила».*

Abstract

Independent Uzbekistan, building a democratic state and civil society, is carrying out modernization in the economic, political, cultural spheres, while maintaining its national cultural values and traditions; strives to win a worthy place in the international arena. This article analyzes the processes and prospects of forming a new positive image based on the reforms carried out by our state in recent years.

Key words: *The Action Strategy on the five priority directions of the Republic of Uzbekistan in 2017–2021 years, a positive image of the state, investment attractiveness, tourism potential, the Youth Union, public diplomacy, national brand, «soft power».*

KIRISH

Bugungi kunda O‘zbekiston mustaqil, demokratik, dunyoviy davlat sifatida o‘zi tanlagan taraqqiyot yo‘lidan jadal sur‘atlar bilan rivojlanib borayotgan bir sharoitda jahonda o‘zining munosib o‘rnini egallashga keng imkoniyatlar ochilmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek: «Bu yo‘l – erkin, demokratik, insonparvar davlat qurish, fuqarolik jamiyatini shakllantirish, Vatanimiz iqtisodiy qudratini yuksaltirish va yanada ravnaq toptirishning mustahkam zaminidir»¹.

O‘zbekiston fuqarolik jamiyat va demokratik davlat qurayotgan bir davrda, o‘z milliy madaniy qadriyat va an‘analarini saqlab qolgan holda, davlatimizni iqtisodiyot, siyosat, madaniyat sohalarini modernizatsiya qilishga va jahonda mamlakatimizning yangi ijobiy imijini shakllantirishga intilmoqda. Davlatimizni barqaror va jadal sur‘atlar bilan rivojlantirish, olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish maqsadida, 2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqildi. Ushbu Harakatlar strategiyasining 5.2-bandida «chuqur o‘ylangan, o‘zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo‘nalishlar: davlat mustaqilligi va suverenitetini mustahkamlash, mamlakatning xalqaro munosabatlarning to‘la huquqli subyekt sifatida o‘rni va rolini kuchaytirish, rivojlangan demokratik davlatlar qatoriga kirish, O‘zbekiston tevaragida xavfsizlik, barqarorlik va ahil qo‘shnichilik mintaqasini vujudga keltirish; O‘zbekiston Respublikasining xalqaro nufuzini mustahkamlash, jahon hamjamiyatiga mamlakatda olib borilayotgan islohotlar haqida xolis axborot yetkazish»² zarurligi qayd etilgan. Mazkur Strategiyaning dolzarbligi belgilab berilgan vazifalarning amalga oshirilishi hamda davlat ijobiy imijini shakllantirish orqali iqtisodiyotni rivojlantirish bilan bog‘liq ko‘pgina masalalarning yechimini topishda muhim ahamiyatga ega.

Ko‘plab davlatlar xalqaro maydonda o‘zining ijobiy imijini yaratish va rivojlantirish uchun harakat qilmoqda va bugungi kunda bunday holat juda dolzarb masalalardan biriga aylandi. Negaki mamlakatning ijobiy imiji tashqi muhitda davlatning o‘rni va ahamiyati bilan bog‘liq bo‘lgan keng ko‘lamli muammo bo‘lib, bu xalqaro raqobat muhitida muvaffaqiyatli yashash va

¹ *Sh. Mirziyoyev.* Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining Qo‘shma majlisidagi nutq. – T: «O‘zbekiston». 2016. – 27-b.

² <https://lex.uz/docs/-3107036>



iqtisodiyotning rivojlanishi uchun muhim omil, shuningdek, milliy manfaatlarni himoya qilishning asosiy vositalaridan biri sifatida tushuniladi. Bunda davlatning ichki va tashqi siyosati xususiyatlari, shu bilan birga, iqtisodiy, madaniy, siyosiy va gumanitar sohalaridagi ijobiy o'zgarishlar, islohotlar, uning mazmun-mohiyati hamda taraqqiyot tendensiyalarini belgilab beradi. Ijobiy imij, qoidaga ko'ra, davlat va hukumatning nufuzi, demak, obro'-e'tibori va ta'siri ortishiga xizmat qiladi. Hozirgi paytda davlatimiz rahbari tomonidan O'zbekiston ijobiy imijini yaxshilash, mamlakat jozibadorligini, investitsiyalar kiritilishini oshirish, milliy brend mahsulotlarini ko'paytirish, turizmni rivojlantirish masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev investitsiyalarni iqtisodiyotni harakatga keltiruvchi, boshqa sohalar va mamlakat hududlarini rivojlantirishga xizmat qiluvchi, yangi texnologiyalar va yuqori malakali mutaxassislarni jalb qiluvchi kuch deb atadi. «Investitsiyalarning so'nggi maqsadi – O'zbekistonda yashovchi har bir insonning hayot darajasini oshirishdan iborat», dedi Shavkat Mirziyoyev¹. Shunga binoan, O'zbekistonda 2019-yilni «Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili»² deb nomlandi.

Umuman olganda, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining o'rni xalqaro maydonda O'zbekiston milliy imijini yaratishda muhim ahamiyat kasb etishini e'tirof qilish kerak. Rahbariyat boshchiligida O'zbekistonda mamlakatni amalda erkin bozor munosabatlari sari harakatlantirishga va tashqi savdo hamda valyuta siyosatini liberallashtirishga yo'naltirilgan o'ta muhim qarorlar qabul qilingani xorijiy sarmoyadorlar uchun Respublikamizning jozibadorligini oshirdi. O'zbekiston Respublikasi tarixan qisqa vaqt mobaynida o'zining jahon miqyosidagi obro'-e'tiborini mustahkamlab, xalqaro munosabatlarning to'laqonli va teng huquqli a'zosiga aylandi hamda davlatlararo hamkorlikning yangi mexanizmlari va shakllarini ishlab chiqmoqda. Ayniqsa, so'nggi yiliarda, davlatimiz tomonidan xususiy tadbirkorlik, ishlab chiqarish, mahsulotlarning eksport va import sonlarini ko'paytirish, raqobatbardoshlikni kuchaytirishga yo'naltirilgan ko'plab imtiyozlar va imkoniyatlar yaratila boshlandi. Xalqimiz hayotining farovonligi, yurtimiz bozorlarining to'kinligida fermerlar, dehqonlar, mahsulot ishlab chiqaruvchilar, tadbirkorlarning hissalarini kattadir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev aytganlaridek: «Xalq boy bo'lsa, davlat ham boy va qudratli bo'ladi». Darhaqiqat, yurtimizda tadbirkorlik yaxshi rivojlansa, xalqni ish bilan ta'minlovchilar ham ko'payib, mahsulot ishlab chiqarish soni ham ortadi.

Mamlakatimizdagi mehnatga layoqatli aholining deyarli 60,5 foizini yoshlar tashkil etayotganligini inobatga olgan holda, Yoshlar Davlat Dastu-

¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2018/12/28/2019-yil>.

² <http://uza.uz/uz/society/2019-yil> – faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili. 28.12.2018.

rining qabul qilinishi, ayniqsa, O‘zbekiston Yoshlar ittifoqining tashkil etilishi nafaqat yoshlar o‘rtasidagi muammolarni hal etilishida, balki davlatimizning ijobiy imijini shakllanishida ham muhim ahamiyatga ega. Yoshlarning jamiyatimiz hayotida tutgan o‘rniga alohida e‘tibor berib, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2017-yil 30-iyundagi ma‘ruzalarida: «Haqiqatan ham, biz, ota-onalar, ustoz va murabbiylar sizlarni, butun O‘zbekiston yoshlarini Vatanimiz, jamiyatimizning hal qiluvchi kuchi deb bilamiz va sizlar hamisha xalqimizning mana shunday yuksak ishonchiga munosib bo‘lasiz deb ishonamiz»,¹ – deya ta’kidlab o‘tdilar. Aynan shu kuni O‘zbekiston Yoshlar ittifoqi tashkil etilib, 30-iyun – Yoshlar kuni deb e‘lon qilindi. Hozirda Ittifoqning 7 million 690 ming nafar a‘zosi mavjud².

Bugungi kunda jahon miqyosida yoshlarning xalqaro faoliyatining mohiyati va shakllari zamonaviy tendensiyalarning o‘zgarib borayotganligi xalqaro hamkorlikni rivojlantirishda ularning o‘rni va rolining oshib borayotganligidan dalolat bermoqda. Yoshlarning mamlakatimiz siyosiy hayotidagi faolligining oshib borayotganligi, ularning xorijdagi tengdoshlari bilan do‘stona aloqalarni o‘rnatishi – davlat diplomatiyasining yangi sohalaridan biri. Siyosiy partiyalar, nodavlat va notijorat tashkilotlari faoliyatining rivojlanishi, ularda yoshlar ijtimoiy faolligining oshib borishi, xalqaro miqyosda axborot va innovatsion g‘oyalar bilan almashish ularning intellektual salohiyatini ko‘tarish bilan birga turmush farovonligining o‘shishiga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Bu esa, o‘z navbatida, fuqarolik jamiyati xalq diplomatiyasini rivojlantirishda asosiy manba ekanligining timsolidir.

Xususan, xalq diplomatiyasini samarali amalga oshirish xalqaro munosabatlarda insonparvarlik g‘oyalari va xalq manfaatlarini ilgari surish, madaniy aloqalarni rivojlantirishni «yumshoq kuch» vositasidan foydalanish orqali, xorijiy davlatlarda o‘zlarining milliy qiyofasi va obro‘-e‘tiborini shakllantirish va mustahkamlashga yordam beradi. Xalqaro hamkorlikning yangi shakllari va usullarini izlash muammolari yoshlar jamoat uyushmalari uchun dolzarb bo‘lib qolmoqda. Ular o‘zlarini anglash va yoshlarni ijtimoiylashtiruvchi muassasa sifatida faoliyat yuritishlari bilan birga, axborot, tajriba, g‘oyalar va madaniy almashinuv uchun xalqaro hamkorlik jarayoniga jalb etish, uni yengillashtirish bo‘yicha harakatlarni amalga oshirishga ham e‘tibor qaratishlari lozim.

Yangi tashkilotlar o‘z faoliyatida nafaqat yoshlarning ijtimoiy-siyosiy, ma‘naviy ehtiyojlarini qondirishga, balki xalqaro aloqalarni rivojlantirishga, shu bilan birga, xorijdagi yoshlar o‘rtasida O‘zbekistonning imijini shakllantirishga

¹ [http://uza.uz/uz/politics/jismoniy va ma‘naviy yetuk yoshlar ezgu maqsadlarimizga yeti-30-06-2017](http://uza.uz/uz/politics/jismoniy_va_ma'naviy_yetuk_yoshlar_ezgu_maqsadlarimizga_yeti-30-06-2017)

² [https://www.pv.uz/oz/news/shavkat mirzieev 2020-god stanet povorotnym v gosudarstvennoy molodezhnoj politike](https://www.pv.uz/oz/news/shavkat_mirzieev_2020-god_stanet_povorotnym_v_gosudarstvennoy_molodezhnoj_politike)



ham hissalarini qo'shishlari mumkin. Buning uchun yurtimizda davlatimiz tomonidan yetarlicha sharoitlar yaratilmoqda.

Jahon ta'lim sohasida milliy ta'lim tizimlarining sifati, jozibadorligi va raqobatbardoshligining oshib borishida yoshlar diplomatiyasi va xalqaro ilmiy va ta'lim hamkorligini amalga oshirish muhim ahamiyatga ega. Chunki, yoshlar diplomatiyasi – xalqaro munosabatlar va tashqi siyosatning yangi shakli, davlatning xorijiy mamlakatlarda va butun jahonda ijobiy imijini shakllantirishning samarali vositasi va har qanday davlatning xalq diplomatiyasining tarkibiy qismi sifatida muhim o'rin egallashiga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2019-yil 27-dekabr kuni Muhammad al-Xorazmiy nomidagi maktabda yoshlar bilan uchrashuv o'tkazdi. Oxirgi yillarda o'sib kelayotgan avlodga oid davlat siyosatining huquqiy asoslari mustahkamlanib, Yoshlar masalalari bo'yicha Respublika idoralari kengashi tuzildi. Yoshlar ittifoqi negizida Yoshlar ishlari agentligi tashkil etish tashabbusi yig'ilganlar tomonidan qo'llab-quvvatlandi. O'sib kelayotgan avlod auditoriyasiga yo'naltirilgan teleradiokanallar, bosma nashrlarni birlashtirib, «Yoshlar media holdingi» tashkil etish taklifi ham bildirildi. «Yangi O'zbekistonni, albatta, yoshlar bilan birga quramiz. 2020-yil yoshlarga oid davlat siyosatida tub burilish yili bo'ladi»¹, – deya ta'kidladi Prezident. Demak, yoshlarni bunday hamkorlikka jalb etish davlat imijini rivojlantirishga ijobiy ta'sir etadi. Chunki bugungi kunda mamlakatning ijobiy imiji tarkibiy qismini shakllantirish har qanday zamonaviy davlatning strategik vazifasidir. Yurtboshimiz tomonidan olib borilayotgan yoshlarga oid davlat siyosati tashqi siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, innovatsion va texnologik rivojlanish va hamkorlik uchun muhim manba hisoblanadi.

Xalqaro maydonda O'zbekiston imijini oshirishga, ishonchli, konstruktiv siyosiy hamda iqtisodiy hamkor sifatida mavqeyini mustahkamlashga qaratilgan faol sa'y-harakatlarni amalga oshirmoqda. Xorijiy ekspertlarning fikr bildirishicha, mamlakatimizda kechayotgan hozirgi o'zgarishlar nafaqat mahalliy, balki umumiy xalqaro ahamiyatga ega bo'ladi. Jumladan, Amerika tashqi siyosati bo'yicha Kengashda Markaziy Osiyo va Kavkaz institutining asoschisi va raisi, professor Frederik Starr va boshqa xorijiy olimlar tomonidan «O'zbekistonning yangi qiyofasi» («Uzbekistan's new face»²) kitobi taqdim etildi. Ushbu kitobda islohotlar islohotlar uchun emas, balki mamlakatning har bir fuqarosi manfaati uchun amalga oshirilayotganligini isbotlaydigan misollar keltirilgan.

¹ https://www.pv.uz/oz/news/shavkat_mirzиеev_2020-god_stanetpovorotnym-v-gosudarstvennoj-molodezhnoj-politike

² S. Frederick Starr, Svante E. Cornell «Uzbekistan's new face» Rouman&Littlefield, 2018, 246 p.

Mualliflarning ta'kidlashicha, O'zbekiston rivojlanishning yangi bosqichiga qadam qo'ydi. Bu esa, o'z navbatida, dunyoda O'zbekiston ishonchli va faol sherik sifatida namoyon bo'lib, xalqaro maydonda ijobiy imijining shakllanishiga xizmat qiladi. Shu bilan birga, keyingi yillarda yurtimizda kechayotgan yangiliklar haqida «Forbes», «The Wall Street Journal», «New York Times», «Foreign Affairs», «Bloomberg», «BBC», «The Guardian», «The Financial Times», «The Economist», «Deutsche Welle» singari nufuzli OAVlar yozgani ham buning yaqqol tasdig'idir.

Amerikaning «Gallup International» kompaniyasi so'rovlarini natijalariga ko'ra, o'zbekistonliklar MDHning boshqa mamlakatlariga qaraganda o'zini himoyalangan deb bilishadi. Qonun va tartib indeksida O'zbekiston 95 ball to'pladi. Bu MDHda birinchi, dunyoda ikkinchi o'rindir. Bundan tashqari, Jahon banki guruhi tomonidan tuzilgan «Biznes yuritish – 2018» (Doing Business – 2018) reytingida Vatanimiz ketma-ket uchinchi marta ishbilarmonlik muhitini yaxshilash bo'yicha dunyodagi mamlakatlar o'ntaligidan joy oldi. BMT dunyodagi eng baxtli mamlakatlarning reytingini aniqlaganida O'zbekistonni 44-o'rinda joylashgan deb e'lon qildi¹. CNN Travel² tomonidan O'zbekistonni 2020-yildagi eng yaxshi sayyohlik manzillari deb tan olindi. Tarixan betakror madaniyatga ega bo'lgan O'zbekiston Markaziy Osiyo mintaqasidagi davlatlar orasida «Lonely Planet» veb-sayti tomonidan birinchi raqamli sayyohlik manzili degan nomga sazovor bo'ldi. «The Economist» jurnali esa mamlakatda so'nggi yillarda amalga oshirilayotgan islohotlar bois O'zbekistonni 2019-yildagi jadal sur'atda rivojlangan mamlakat sifatida e'tirof etdi.

O'zbekiston va YEBRR turizm va madaniy meros sohasida qo'shma loyihada hamkorlik qilishga kelishishdi. Bunda 2021-yilda Fransiyaning dunyodagi mashhur Luvr muzeyida «Ipak yo'lida sivilizatsiyalar va madaniyatlar» nomli keng ko'lamli ko'rgazma o'tkazilishi ko'zda tutilmoqda.

O'zbekiston jozibadorligining o'sishi keyingi yillarda jahon televideniye-larida ham, jumladan BBC, Discovery, National Geographic, Euro news, NHK va boshqa dasturlarida namoyish qilishmoqda. Tarixiy Xiva, Buxoro va Samarqand shaharlarining qadimiy savdo markazlari, masjidleri, maqbaralari va minoralari, boy ma'naviy merosimiz tadqiqotchilar, tomoshabin va sayyohlar e'tiborini o'ziga tortib kelmoqda. Shunday qilib, O'zbekiston turizm sohasida yuksak marralarga intilmoqda. Ta'kidlashi joiz, yurtimizning shunday ulkan turistik salohiyatidan foydalanib, uni yuqori darajaga olib chiqish maqsadida keyingi yillarda izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Zero, bu sohani taraqqiy ettirish mamlakatimizda yangi ish o'rinlarini yaratish, iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish, hududlarni jadal rivojlantirish, valyuta tushumlarini ko'paytirish, aholi daromadlari va turmush darajasini oshirish, qisqacha aytganda, farovonlikka xizmat qiladi. Statistika ma'lumotlariga

¹ http://xs.uz/ru/post/happiest_ones

² <https://edition.cnn.com/travel/article/uzbekistan-travel-destination-2020-trnd/index.html>



ko'ra, 2019-yilda O'zbekistonga 6 748,5 ming sayyoh tashrif buyurgan. Bunda viza rejimining soddalashuvi katta ahamiyat kasb etdi. Xususan, 2019-yil 1-fevralidan elektron kirish vizasini oluvchi mamlakatlar ro'yxati kengaytirilib, 45 ta davlat fuqarolari uchun 30 kunlik muddatga vizasiz rejim joriy qilindi. Endilikda bunday imkoniyatlar soni yanada ortib boradi. 2019-yil 15-iyuldan esa 101 mamlakatdan tranzit orqali o'tadigan aviayo'lovchilar va 16 yoshgacha bo'lgan bolalarga O'zbekistonga qisqa muddatli vizasiz kirishga ruxsat berildi.

BMTning UNESCO tashkiloti madaniy va tarixiy ahamiyatga ega bo'lgan qadimiy meros obyektlarini belgilaydi. Bu ro'yxatdan O'zbekistonning Buxoro, Samarqand, Xiva va Shahrisabz shaharlari o'rin olgan. Shu bilan birga, BMT Bosh assambleyasi maxsus rezolyutsiya qabul qildi va unda dunyo mamlakatlari Markaziy Osiyo davlatlari bilan turizm sohasida hamkorlik qilishga chaqirildi. Bunday rezolyutsiyani qabul qilish tashabbusi O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan «Bir makon, bir yo'l» xalqaro forumida BMT Bosh kotibi Antonio Guterres bilan bo'lib o'tgan uchrashuvda ilgari surilgan edi.

2021–2025-yillarda mamlakat iqtisodiyotida turizm sanoati ulushi oshiriladi. Bu yo'nalishda YAIMda tarmoq hissasini 5 foizga yetkazish rejalashtirilmoqda. (2017-yilda bu ko'rsatkich 2,3 %ni tashkil etgan). Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining turistik imkoniyatlarini yanada oshirish va jahon bozoridagi taqdimotlarini ko'paytirish evaziga 2025-yil yakunida 9 milliondan ortiq sayyohni O'zbekistonga jalb qilish nazarda tutilmoqda. Uzoq muddatli rejalarda esa turistik xizmatlar borasida O'zbekistonning nafaqat milliy natijalar bilan cheklanishi, balki mintaqaviy va dunyoviy miqyosda raqobatbardosh bozor ishtirokchisi sifatida namoyon bo'lishi ko'zda tutilgan. Eng asosiysi, mazkur hujjatlar bilan yurtimiz turizm salohiyatini, birinchi navbatda, investitsiyalarni faol jalb qilish, sohaga innovatsion g'oya hamda texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, boy tabiiy, madaniy va tarixiy merosimizning mavjud resurslari hamda imkoniyatlaridan har tomonlama foydalanish hisobiga yuksaltirish uchun yanada qulay sharoit yaratiladi. Shuning uchun ham O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish Konsepsiyasini amalga oshirishga maqsadli yondashgan holda amaliyotga tatbiq etish zarurdir. Bularning barchasi xalqaro maydonda O'zbekistonimizning ijobiy imijini shakllantirishga, uning jozibador turizm markaziga aylanishiga xizmat qiladi. Shunday qilib, mamlakatning imiji davlat darajasida ham, shaxs darajasida ham madaniyat, san'at, milliy xususiyat, tabiat, davlat muassasalarining imiji, iqtisod, brendlashgan korxonalar, huquq, tartib va boshqa tizimlarni o'z ichiga olgan juda murakkab tizimdir. Mamlakatimiz imijining shakllanishiga ko'pgina omillar ta'sir ko'rsatadi.

Birinchi omil – sayyohlikni jalb qilish. Bu yerda O'zbekistonning o'ziga xos tabiati, yilning to'rt fasli mavjudligi haqida gapirish mumkin.

Ikkinchi omil – millat tarixi va madaniyati, O‘zbekistonning Samarqand, Buxoro, Xiva, Toshkent va boshqa hududlarida joylashgan tarixiy-madaniy obidalari, milliy gastronomik madaniyati, o‘zbek millatining mehmondo‘stligi, ko‘chalar va shaharlardagi osoyishtalik, ilmiy tadqiqotchilar hamda sayyohlarda o‘zgacha bir taassurot qoldiradi.

Uchinchi omil – inson kapitali. Biz buni asosiy omillardan biri deb hisoblasak, xato qilmaymiz, chunki u odamlarga, ularning xatti-harakatiga va boshqalarga nisbatan munosabatiga qaramasdan, umuman olganda, mamlakat haqidagi fikrni va O‘zbekistonning ijobiy imijini tashkil etuvchi innovatsion va strategik loyihalarni amalga oshirishga bog‘liqdir. Do‘stlik, bag‘rikenglik, mehr-muruvvat, ochiqlik, mehnatsevarlik, ta‘lim olish istagi, qonunga bo‘ysunish kabi milliy xususiyatlar fuqarolarimizning fazilatlaridir.

To‘rtinchi omil – bu davlat boshqaruvining sifati. O‘zbekiston Respublikasining kuchli ijobiy xususiyatlaridan biri ijtimoiy adolat va aholining kam ta‘minlangan qatlamlarini himoya qilishdan iborat. Ushbu yutuqlarni ko‘rgan ko‘plab xorijiy fuqarolar bizning mamlakatimizga hurmat-ehtirom ko‘rsatishadi.

Beshinchi omil – investitsion jozibadorlik. Bu mamlakatning tashqi obro‘cini oshirishga qaratilgan. Chunki aynan ishbilarmonlar xorij investitsiyasini jalb qilish va mamlakatimiz mahsulot hamda xizmatlarining dunyo bozorlariga chiqishidan manfaatdor. O‘z navbatida, mamlakatda qulay investitsion muhitning yaratilishi nafaqat ichki va tashqi siyosiy imijni yaxshilashga, balki uning xalqaro maydondagi siyosiy ta‘sirini kuchaytirishga, eksport hajmini oshirishga, xalqaro aloqalar va sheriklik munosabatlarini mustahkamlashga, milliy g‘urur va milliy o‘zlikni anglash tuyg‘ularini rag‘batlantirishga, mamlakat raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi.

Oltinchi omil – eksport qilinadigan mahsulotning sifati. Bu soha muayyan murakkabliklar mavjud bo‘lsa-da, mutlaqo ijobiy qiyofa paydo qila oladi. Chunki hozirgi global iqtisodiy sharoitda narx va sifatni maqbul birlashtiradigan ishonchli, oddiy va arzon mahsulotlar eksporti yangi bozorlarni egallay olishini isbotlagan.

Ma‘lumki, muayyan davlatni xalqaro miqyosda ikki yo‘l bilan, ya‘ni mamlakat brendini yaratish hamda shu asosda milliy tovarlar va xizmatlarni keng ishlab chiqarish orqali targ‘ib qilish mumkin. O‘zbekiston jahon bozorida milliy brendini ilgari surish bo‘yicha ulkan imkoniyatlarga, zaxiralarga ega. Xususan, xalqimizning boy madaniy merosi, yurtimizning barqaror rivojlanib borayotgani, mehmondo‘st xalqimiz, zamonaviy infratuzilmalarga ega shaharlarimiz bu borada muhim omil hisoblanadi.



XULOSA

Xulosa qilib aytganda, mamlakatning samarali imij siyosati uning iqtisodiy va madaniy rivojlanish darajasini ko'rsatadi, shuningdek, bu davlat ichida va tashqarisida muvaffaqiyatli siyosatning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Davlatning ijobiy imijini oshirish yosh avlod uchung katta axborot, ta'limiy va tarbiyaviy rol o'ynaydi. Shuning uchun ham Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish va yangi, zamonaviy bosqichga ko'tarish maqsadida, 2020-yilga «Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»¹ deb nom berishni taklif etdi.

Demak, bugungi kunda yurtimiz yoshlarida ilmga bo'lgan qiziqishni, o'zlikni anglashni, mafkuraviy immunitetni, vatanparvarlikni, milliy g'ururni, fidoyilikni, Vatanga muhabbat ruhini shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Olla, maballa, jamiyat imijining yaxshilanishi, oqibatda davlat ijobiy imijining shakllanishiga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Mazkur o'zgarishlar turistlar sonining o'sishiga, mamlakat hududlarini rivojlantirishga xizmat qiluvchi yangi texnologiyalar va yuqori malakali mutaxassislar jalb qilinishiga, shuningdek, ko'plab investorlarning ishonchi oshishiga yordam beradi. Bu esa xalqaro maydonda O'zbekistonning yangi ijobiy imiji shakllanishiga shart-sharoitlar, imkoniyatlarning kengayishiga asos bo'ladi. Bularning barchasi yurtimizning rivojlanishiga, jamiyatda ijtimoiy barqarorlikning mustahkamlanishiga, aholi hayot sifatining yaxshilanishiga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. *Shavkat Mirziyoyev*. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. –T: «O'zbekiston». 2016.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. Xalq so'zi. 2020-yil 25-yanvar №19 (7521).
3. *S. Frederick Starr, Svante E. Cornell* «Uzbekistan's new face» Rouman&Littlefield, 2018.
4. https://www.pv.uz/oz/news/shavkat_mirzieev_2020-god_stanetpovorotnym-v-gosudarstvennoj-molodezhnoj-politike
5. <https://lex.uz/docs/-3107036>

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. Xalq so'zi. 2020-yil 25-yanvar, – №19 (7521)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ХАТАРЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Заитов Ислон Ибрагимжанович,
талаба.*

Наманган давлат университети

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятидаги асосий хатарлар аниқланган ва таҳлил этилган. Хатарларни бошқариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжалиги, хатарлар, хатар турлари, табиий хатар, ишлаб чиқариш хатари, молиявий хатар, бошқарув хатари, хатарларни бошқариш.*

Аннотация

В статье описаны особенности ведения сельского хозяйства. Выявлены и проанализированы основные риски в деятельности сельскохозяйственных предприятий. Разработаны практические рекомендации по управлению рисками.

Ключевые слова: *сельское хозяйство, сельскохозяйственные предприятия, сельское хозяйство, риски, виды рисков, природные опасности, производственные риски, финансовые риски, риски управления, управление рисками.*


Abstract

The article describes the features of agriculture. Identified and analyzed the main risks in the activities of agricultural enterprises. Practical recommendations on risk management have been developed.

Key words: *agriculture, agricultural enterprises, agriculture, risks, types of risks, natural hazards, production risks, financial risks, management risks, risk management.*

КИРИШ

Глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнларининг кучайиб бориши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, халқаро даражадаги рақобат даражасининг ортиши каби омиллар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тамомила янги талабларни белгилаб бермоқда. Давлат иқтисодий сиёсатининг очик иқтисодиёт тамойиллари томон йўналтирилиши хўжалик фаолиятидаги хатарларни аниқ белгилаб олиш ва таснифлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.



МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Маколани тайёрлашда математик, статистик, иқтисодий таҳлил, кузатиш ва умумлаштириш методлари қўлланилди. Ш.Шодмонов, Б.Салимов, А.Алексеев, В.Гайдук адабиётларидан фойдаланилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хатарлар деярли ҳар қандай фаолиятда мавжуд бўлган объектив омил саналади. Улар кўплаб соҳаларда мавжуд, аммо қишлоқ хўжалигида уларнинг таъсири жуда кучлидир. Амалиётда хўжалик фаолиятидаги хатарлардан қутулиб қолишнинг деярли имконияти йўқ. Шунинг учун хатарларни бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёни турли мазмундаги хатарлар таъсирида амалга ошади. Қишлоқ хўжалигидаги хатарлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик организмлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади [1].

Миллий иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғи учун характерли бўлган асосий иқтисодий қонуниятлар қишлоқ хўжалигида ҳам амал қилса-да, у куйидаги ўзига хос хусусиятлари билан бошқа тармоқлардан фарқ қилади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ер ва биологик организмларнинг асосий восита сифатида иштирок этиши, уни биологик ва табиий муҳитга юқори даражада боғлиқлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришида табиий омиллар таъсирининг юқорилиги;

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳудудлар бўйича тарқоқ жойлашuvi, ишлаб чиқариш жараёнини марказдан узоқ бўлган ҳудудларда амалга оширилиши;

3. Ишлаб чиқариш воситалари таркибида асосий фондлар салмоғининг катталиги, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳар бир турини етиштиришда махсус агротехника мажмуасидан фойдаланишни талаб этиши, улардан фойдаланишда сарф-харажатларнинг юқорилиги;

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва даромад олишнинг мавсумий характерга эга экани, ишлаб чиқариш даврининг узоқ давомийлиги туфайли бозор ўзгаришларига тез мослашиш имкониятининг чеклангани;

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салмоқли қисмини хомашё сифатида қайта ишлаб чиқариш жараёнига йўналтирилиши, қишлоқ хўжалигини қайта ишлаш корхоналари билан муносабатларда уларга қарамлиги;

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисмини тез бузилувчанлик хусусиятига эгаллиги, талаб ва таклиф асосида уларнинг ассортименти тез ўзгартириш имконининг йўқлиги ва бошқалар [4].


Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари тармоқни хатарларга мойиллигини кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида хатарлар хилма-хил бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнига турли даражада таъсир кўрсатади. Хатарларнинг таъсир этиш даражаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини худудлар бўйича ташкил этиш ва уни ихтисослашувига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига таъсир кўрсатувчи хатарларнинг серқирра ва мураккаб тизимдан иборат экани уларнинг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди.

Хатарларни туркумлашда турли ёндашувларни таҳлил қилиш, агро-сноат мажмуасининг тармоқ хусусиятлари ва хатарларни бошқариш самардорлигини тадқиқ этиш асосида қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятида қуйидаги асосий хатарларни ажратишни кўрсатиш мумкин (1-расм).

Қишлоқ хўжалигига ташқи омилларнинг таъсири жуда кучлидир. Қишлоқ хўжалигида табиий, экологик ва сиёсий хатарлар алоҳида ўрин тутади. Чунки уларни бошқариш бирмунча мураккабдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги корхонаси ўз фаолиятини амалга оширишда уларни ҳисобга олиши, башорат қилиши ва уларга мослашиши зарурдир. Шунингдек, бозор, ишлаб чиқариш, технологик, молиявий ва бошқарув билан боғлиқ хатарлар ҳам мавжуд бўлиб, улар бевосита хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида вужудга келади.

Экологик муҳитнинг бузилиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши, куёш радиациясининг ортиши, сув ва атмосферага зарарли моддаларнинг ташланиши билан боғлиқ жараёнлар табиий хатарларни вужудга келишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалигида об-ҳаво, экологик ва биологик хатарларнинг таъсири жуда юкори бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига ва чорвачиликка жиддий зиён етказди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини ортишига, маҳсулотларни сотиш ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.





1-расм. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятидаги асосий хатарларнинг туркумлиниши

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида экологик хатарнинг таъсири ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида полиэтилен плёнкалар, кимёвий ўғитлар, пестицидларнинг меъёридан ортиқ ишлатилиши, қишлоқ хўжалиги транспорт воситаларининг атроф-муҳитга салбий таъсирининг ортиши, қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши биологик кураш, алмашлаб экишнинг агротехник талабларининг бузилиши, чорва молларини меъёردа парвариш қилмаслик каби омиллар экологик хатарнинг кучайиши сабаб бўлмоқда.

Маълумки, табиий хатарларни бошқариш бирмунча мураккаб жараён-дир, бироқ уларни олдиндан башорат қилишнинг имкони мавжуд. Табиий хатарлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнига таъсири жуда кучлидир. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг табиий-иқлим, жонли ва биологик организмлар, географик муҳит ва об-ҳавога бевосита боғлиқлиги улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш каби бир қатор химоя воситаларини яратишни талаб қилади [2].

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан йил давомида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий хатарлар таъсири туфайли

нобуд бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари катта зарар кўрадилар. Ушбу ҳолат уларнинг келгуси фаолиятига ҳам таъсир этади. Табиий хатарлар нафақат қишлоқ хўжалигига, балки бутун мамлакат миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Қулай об-ҳаво шароитида ҳосилнинг мўл бўлиши бозорда истеъмолдан ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таклифини вужудга келтиради. Бунинг натижасида уларнинг нархи бозорда кескин пасайишига олиб келади. Бундай ҳолатда қишлоқ хўжалик корхоналари етарли даромадни қўлга киритолмайди. Баъзан нархларнинг бундай даражада пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга имкон бермайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозор талабидан ортиқча қисмини сотиб олиши, уларни сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил этиши, бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари барқарорлигини сақлаган ҳолда, уларнинг экспортини йўлга қўйиш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида бу амалиёт йўлга қўйилган бўлиб, ўз самарасини бермоқда [2].

Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тез бузилувчанлиги уларни узоқ вақт давомида сақлаш ёки олис масофаларга ташиш имкониятларини чеклайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда, саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари бир қанча устунликка эга бўлиб, бозорда қулай вазият юзага келгунга қадар ўз маҳсулотларини сақлаб туриш имкониятига эгадирлар. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса мева, сабзавот ёки сут каби тез бузилувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келишини кутиб, узоқ вақт ушлаб туролмайдилар. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истеъмол қийматини йўқотиши сабабли фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишига мажбур бўладилар [3].

Технологик хатарлар аграр тармоқни етарли даражада қишлоқ хўжалиги техникаси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, минерал ўғитлар ва бошқа саноат ресурслари билан етарли даражада таъминланмаслиги туфайли вужудга келади. Натижада қишлоқ хўжалиги ишларининг олиб бориш муддатлари бузилади, маҳсулотни йўқотиш хавфи пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг юқори даражада ўзгарувчанлиги нарх билан боғлиқ хатарларни вужудга келтиради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминловчи нарх даражасининг кескин тушиб кетиши қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий зарар кўришига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нарх даражасига бозор конъюктураси, давлат сиёсати, агросаноат мажмуаси тизимидаги монополия ва бошқа



омиллар таъсир этади. Шунингдек, кишлоқ хўжалигида нархлар диспаритети муаммоси кескин ҳисобланиб, тармоқ тараққиётига тўсқинлик қилувчи асосий хатарлардан бири ҳисобланади. Кишлоқ хўжалиги ва унга ресурс етказиб берувчи саноат тармоқлари ўртасидаги нархларнинг номуносаблиги кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Сиёсий хатарлар мамлакатда сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва ҳарбий тўқнашувларнинг келиб чиқиши билан юзага келади. Мамлакатдаги бекарор сиёсий вазият ва давлат сиёсатининг кескин равишда ўзгариши кишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига жиддий хавф солади.

Кишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан турли мазмундаги молиявий шартномаларни тузиш ва молиявий операцияларни амалга оширишда пул маблағларини йўқотиш хавфи молиявий хатарларни юзага келтиради. Бундан ташқари, томонлардан бирининг тўлов лаёқатини йўқотиши, банкдаги ҳисоб рақамининг музлатилиши, молиявий ресурсларнинг бир қисмининг олиб қўйилиши, тўловларнинг кечиктирилиши каби ҳолатлар кишлоқ хўжалик корхонаси учун жиддий хавф туғдиради.

Кишлоқ ҳудудларида юқори малакали ишчи кучининг камлиги, ёш мутахассисларни ўқитиш ва жалб этишнинг суствлиги, тармоқда тажрибали ишчи ва ходимларнинг етишмаслиги кадрлар билан боғлиқ хатарларни юзага келтиради. Демографик вазиятни ўзгариши, малакали ва иқтисодий фаол аҳоли қатламининг шаҳарга кўчиб ўтишининг фаоллашуви кишлоқ хўжалиги корхоналарини малакали ходимлар ва ишчи кучи билан таъминланишининг заифлашувига олиб келади [5].

Кишлоқ хўжалиги корхонасининг самарали фаолият юритишини таъминлашда хатарларни башорат қилиш, уларни бошқариш, хатарлардан огоҳлантириш ва минималлаштиришнинг илғор усулларини тўғри танлаш лозим. Хатарлар шароитида асосланган қарорларни қабул қилишда кишлоқ хўжалиги корхонаси хатарларни бошқариш бўйича ўз стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Кишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

1) кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда илғор технологиялардан самарали фойдаланиш (агротехник тадбирларни тўғри режалаштириш, об-ҳаво шароити бўйича тўпланган тажрибаларни оқилона қўллаш, сув ресурсларини бошқариш ва бошқалар);

2) фермер хўжаликларидан ташкил топган гуруҳлар кооперацияси ҳамда агросаноат мажмуасидаги вертикал ишлаб чиқариш занжири ўртасида хатарларни тақсимлаш;

3) кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишнинг илғор бозор технологияларини қўллаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш бўйича шартномавий муносабатларни такомиллаштириш;

4) кишлоқ хўжалиги корхоналарида капитал ва қарздорликни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш;

5) қишлоқ хўжалигидаги хатарларни суғурталашнинг бозор механизmlарини такомиллаштириш;

6) даромадларни диверсификациялаш, кўп тармоқли фаолиятни ташкил этиш асосида қўшимча даромадлар олиш манбаларини кенгайтириш;

7) илмий-тадқиқот ва консалтинг маслаҳатларини бериш муассасалари орқали хатарларни минималлаштириш бўйича фермерларга тавсиявий ва амалий ёрдам кўрсатиш, ишлаб чиқариш жараёнида замонавий илғор технологияларни татбиқ этиш бўйича малакаларини ошириш, об-ҳаво бўйича тезкор ахборотлар ва прогнозларни бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдаги янги ёндашувлар ҳақида билимларни шакллантириш;

8) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини давлат томонидан тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш;

9) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларини қуйи чегараларини белгилаш, экспортёр корхоналарни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашни таъминлаш, квоталар белгилаш;

10) табиий офатлардан кўрилган зарарларни коплаш;

11) суғурталашни субсидиялаштириш дастурлари ишлаб чиқиш орқали турли хатарлар (дўл, қурғоқчилик, совуқ уриш, зараркунандалар ва бошқалар)да қўллашни йўлга қўйиш.

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш хатарларни бошқариш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини турли хатарларга мослаштириш бўйича аниқ вазибаларни белгилаш лозим. Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, замонавий шароитларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, даромад олиши ва йўқотишларни камайитириш бўйича зарур стратегик ва тактик қарорларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини табиий офатлардан суғурталаш тартибинини жорий қилиш, келгусидаги об-ҳаво маълумотлари ахборотномасинини чоп этиш ёки электрон баъзасини яратиш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларинини сотиш ва сақлаш учун шароит яратиш ҳамда нархини мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги йўналишлари мавжуд олий таълим муассасалари қошида қишлоқ хўжалиги фаолиятини такомиллаштирувчи илмий лабораторияларни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи фермер ва деҳқонларни қисқа муддатли малака ошириш (маҳорат мактаби) курсларинини ёки консалтинг гуруҳларинини ташкил этиш шулар жумласидандир.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод ва молия. 2010. 252 бет.

2. Салимов Б.Т., Юсунов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Илмий монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 232 бет.

3. Салимов Б.Т., Юсунов М.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: ўқув қўлланма // – Т.: Адиб, 2009, 164 б.

4. Саматов Ғ.А., Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012, 119-бет.

5. Алексеев В.В. Агропромышленный менеджмент. В.В. Алексеев, Б.В. Агаев. – М.: ДеКА, 2013. – С. 432.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ «КАШШОФ» ТАФСИРИНИНГ ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА

Сулаймонова Нигора Асқаралиевна,
тадқиқотчи.
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети

Аннотация

Мазкур мақолада буюк аллома Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб «Кашшоф» тафсири ҳақида сўз юритилади. Унда ушбу асарнинг Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқишунослик институти Қўлэзмалар фондида мавжуд тошбосма нусхалари манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган бўлиб, асарнинг ҳар бир тошбосма нусхасининг библиографик кўрсаткичлари батафсил баён этилган.

Калит сўзлар: «Кашшоф», манбашунослик таҳлили, библиографик кўрсаткичлар, Қуръони Карим, сура, аят.

Аннотация

В данной статье рассматривается комментарий к Корану «Кашшоф», написанный великим ученым Махмудом Замахшари. Рукописная копия данной работы, хранящаяся в Фонде рукописей Института востоковедения Академии наук Узбекистана имени Абу Райхана Беруни, проанализирована с точки зрения источниковедения.

Ключевые слова: «Кашшоф», источниковедение, библиографические указатели, Коран, сура, аят.

Abstract

This article discusses the interpretation of the work «Kashshof» by the great scientist Mahmoud Zamahshari. It analyzed from the point of view of the source of fossilized copies of this work from the Manuscript Fund of the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, as well as detailed bibliographic indexes of each fossilized copy of this work.

Key words: «Kashshof», source analysis, bibliographical indexes, Quran, sura, ayat.

КИРИШ

Хоразмлик аллома, буюк муфассир Маҳмуд Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсири нафақат олим илмий меросида, балки дунё бўйлаб тарқалган тафсирлар орасида ноёб ҳисобланади. Мазкур асар орқали Маҳмуд Замахшарий Қуръон тилининг гўзаллигини очиб беролган, колаверса, муфассир Қуръон буюк мўъжиза эканини яна бир бор исботлаган.



Мазкур тафсир қўлёзма ва тошбосма нусхаларининг дунёнинг йирик кутубхоналарида нодир асар сифатида сақланиши, унинг дунёнинг турли тилларига таржима қилингани, бир қатор мамлакатларда қайта-қайта чоп этилиши, қолаверса, кўпгина араб давлатларининг олий таълим муассасаларида тафсир фанининг мукамал дарслиги сифатида қўлланилиши унинг буюк асар эканидан далолат беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида «Кашшоф» асарининг 10 та тошбосма нусхаси сақланади.

Улардан биринчиси **5964, 5965, 5966** инвентарь рақамлар остида 3 та жилдда берилган нусхалардир. Мазкур тошбосмалар 1318/1900 йилда Мисрнинг «ал-Кубра-л-амирия» нашриётида босилган. Картон муковали мазкур тошбосмалар бир неча бор таъмирланган. Саҳифалар яхши сақланган. Улар тўлиқ нусха ҳисобланади.

Улардан **5964** инвентарь рақам остида «Кашшоф»нинг биринчи жилди берилган. Мазкур тошбосма 524 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг биринчи варағи йўқ. Иккинчи варақнинг юқори қисмига «الجزء الاول» («*биринчи қисм*») деб ёзиб қўйилган. Шундан кейин мазкур асарни мадх этувчи куйидаги тўртлик берилган:

ان التفاسير في الدنيا بلا عدد
و ليس فيها لعمرى مثل كشف
ان كنت تبغى الهدى فالزم قراءته
فالجهل كالداء و الكشاف كالشافي

*Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўндир,
Бироқ улар орасида «ал-Кашшоф» кабиси йўқдир.
Агар ҳидоят изласанг, «ал-Кашшоф»ни тақрор ўқи,
Нодонлик бир касал бўлса, «ал-Кашшоф» унга шифодир.¹*

Тошбосма 18 бетлик мукаддима билан бошланган. Шундан сўнг Куръони каримнинг биринчи сураси, яъни Фотиҳа сурасининг тафсири берилган. Асарнинг саҳифалари пойгирланган. Ушбу жилдда *Фотиҳа* (19-60-бетлар), *Бақара* (60-292-бетлар), *Оли Имрон* (292-343-бетлар), *Нисо* (343-402-бетлар), *Моид* (402-443-бетлар), *Анъом* (443-478-бетлар), *Аъроф* (478-523-бетлар) суралари – жами 7 та суранинг тафсири келтирилган. Ҳар бир суранинг тафсирини беришдан олдин унинг номи,

¹ Тўртлик шарқшунос олим Убайдулла Уватов томонидан таржима қилинган (Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов).) – Т.: Камалак, 1992. – Б.43.)

Макка ёки Мадинага мансублиги ҳамда неча оятдан иборатлиги сарлавҳа кўринишида настаълик хатида ёзиб қўйилган. Ҳар бир саҳифада жадвал ичида насх хатида суранинг тафсири, жадвалдан ташқарида эса хошиялар воситасида шарҳлар берилган. Айрим саҳифаларда тафсирдан кўра хошияда берилган шарҳлар ҳажм жиҳатидан кўп (масалан, 371, 395, 398, 400, 401, 415, 412-бетлар). Айрим сураларнинг оятлари хошияларда махсус жадвалга олинган ҳолда берилган бўлса, баъзилариники эса тафсир ичида қавс ичида бериб борилган.

Ушбу нусханинг сўнгги саҳифасига: *«Асарнинг биринчи жилди тамом бўлди, унинг иккинчи жилди Анфол сураси билан бошланади»*, деб ёзиб қўйилган. Сўнгги 523-саҳифада мазкур жилднинг мундарижаси берилган.

5965 инвентарь рақам остида асарнинг иккинчи жилди сақланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур тошбосма 5964 инвентарь рақамли тошбосманинг давоми бўлиб, титул варағи бир хил. Фақатгина титул варағининг юқори қисмида бу асарнинг иккинчи жилди экани кўрсатилган.

Жилд 76 оятдан иборат Анфол сураси билан бошланган. Суранинг тафсири 20 бетни ташкил этади. Асарнинг мазкур жилдида жами 30 та суранинг тафсири келтирилган. Саҳифаларда суранинг оятлари, унинг тафсири, хошияларнинг берилиш шакли худди 5964 инвентарь рақамли нусханикидек. Мазкур тошбосма 494 бетдан иборат бўлиб, унинг сўнгги 492-саҳифасининг қуйи қисмида: *«Асарнинг иккинчи жилди тугади, учинчи жилд Сод сураси билан бошланади»*, деб ёзиб қўйилган. Кейинги саҳифада эса мазкур жилднинг мундарижаси берилган.

5966 инвентарь рақам остида асарнинг учинчи жилди берилган бўлиб, унинг титул варағининг юқори қисмида бу асарнинг учинчи жилди экани ёзиб қўйилган. Жилд 17 бетлик Сод сурасининг тафсири билан бошланган. Асарнинг мазкур жилдида жами 77 та суранинг тафсири келтирилган. Саҳифаларда суранинг оятлари, унинг тафсири, хошияларнинг берилиш шакли худди 5964 ва 5965 инвентарь рақамли нусхаларникидек. Мазкур жилдда «Кашшоф» асарининг сўнгги 304-саҳифасида мундарижа берилган. Мундарижадан кейинги саҳифада Муҳиддин Афандининг «Кашшоф» асарига ёзган шарҳи берилган бўлиб, у жами 156 саҳифани ташкил этади. Мазкур тошбосма таркибида «Кашшоф»нинг тафсири ва унга ёзилган шарҳ бирга берилгани сабабли картотекада мазкур нусха 460 бетдан иборат деб кўрсатилган.

Фонддаги асар нусхаларидан яна бири **7949** ва **7950** инвентарь рақамлар остида 2 жилдда берилган тошбосмалардир. Ҳар икки жилднинг биринчи саҳифаси йўқлиги боис уларнинг босилган йили ва жойини, ноширнинг исм-шарифини аниқлаш имкони бўлмади. Тошбосмаларнинг ҳар иккисидан биринчи саҳифанинг йўқлиги ҳисобга олинмаса, улар яхши сақланган. Картон муқова ҳамда тошбосмаларнинг айрим саҳифалари таъмирга муҳтож. Бироқ ҳар икки тошбосма тўлиқ нусха ҳисобланади. Тошбосмалар 29x21 см ўлчамга эга.



«Кашшоф» асарининг 7949 инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма нусхасида асарнинг биринчи жилди берилган. Буни тошбосманинг дастлабки саҳифасининг юқори қисмида берилган ёзувдан билиб олиш мумкин: «Имом аллома Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий (вафоти ҳижрий 528 йил) қаламига мансуб «Кашшоф» асарининг биринчи қисми» (иловадаги расм). Шунингдек, тошбосманинг мазкур саҳифасида асар хошиясида берилган шарҳлар олим, аллома Али ибн Муҳаммад ибн Али Саид Зайниддин Абу Ҳасан Ҳусайний Жузжоний (вафоти ҳижрий 816 йил) ҳамда имом Носириддин Аҳмад Ибн Муҳаммад ибн Мунир Искандарий Моликийга (вафоти ҳижрий 683 йил) мансублиги кўрсатиб ўтилган.

Тошбосма 740 саҳифадан иборат. У 36 бетлик муқаддима билан бошланган. 37-саҳифадан Фотиҳа сурасининг тафсири бошланган. Ҳар бир сура тафсиридан олдин суранинг номи, неча оятдан иборатлиги, Макка ёки Мадинада нозил бўлгани қайд этиб ўтилган. Масалан, «арабчаси» («Иброҳим алайҳиссалом сураси. Маккада нозил бўлган. 51 оятдан иборат»)¹ ёки «арабчаси» («Бақара сураси. Мадинада нозил бўлган. 287 оятдан иборат»)² ёки «арабчаси» («Юнус сураси. Маккада нозил бўлган. 109 оятдан иборат»)³. Суранинг номи нақшинкор қавслар ичида берилган. Асарда 18 та суранинг тафсири келтирилган. Сўнги тафсир Қаҳф сурасининг тафсири бўлиб, унинг сўнгида, яъни 739-саҳифада «арабчаси» («Асарнинг биринчи қисми тамом бўлди, кейинги иккинчи қисм Марям сураси билан бошланади»), деб ёзиб қўйилган. Ундан кейинги саҳифада мазкур жилднинг қуйидаги фихристи берилган:

№	Сура номи	Сура тафсир қилинган саҳифалар
1.	Фотиҳа	37
2.	Бақара	60
3.	Оли Имрон	293
4.	Нисо	343
5.	Моида	402
6.	Анъом	443
7.	Аъроф	478
8.	Анфол	523
9.	Тавба	542
10.	Юнус	574
11.	Худ	593

¹ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондида 7949 инвентарь рақам остида сақланаётган «Кашшоф» асарининг тошбосма нусхаси. 657-саҳифа.

² Ўша манба. 60-саҳифа.

³ Ўша манба. 574-саҳифа.

12.	Юсуф	618
13.	Р	648
14.	Иброҳим	657
15.	Ҳажар	670
16.	Наҳл	679
17.	Исро	699
18.	Каҳф	721

7950 инвентарь рақам остида «Кашшоф» асарининг иккинчи жилди бўлиб, унинг биринчи жилди юқорида тавсифланган **7949** инвентарь рақам остидаги тошбосма эди. Асар Марям сурасининг тафсири билан бошланган бўлиб, Қуръони каримнинг сўнгги 114-сураси, яъни Нос сурасининг тафсири билан якунланган. Асарнинг мазкур жилдида жами 96 та сура тафсир қилинган. Мазкур тошбосмада асар якунлангандан кейин («Кашшоф»нинг сўнгги саҳифаси 576-саҳифа) 165 бетдан иборат аллома Муҳибуддин Афандининг асарга ёзган шарҳи берилган. Асар ҳамда унга ёзилган шарҳ билан биргаликда тошбосма 732 бетни ташкил этади.

Фонддаги асар нусхаларидан яна бири **7951** инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма бўлиб, унда асарнинг фақатгина 2-жилди берилган. Нусханинг титул варағида келтирилган маълумотларга кўра, тошбосма ҳижрий 1319 йилда Мисрнинг ал-Кубра-л-амирия босмаҳонасида тайёрланган. Мазкур нашр иккинчи нашрлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Тошбосма саҳифаларида асар матни жадвал ичида, унга ёзилган шарҳлар эса жадвалдан ташқарида берилган. Тошбосма 304 бетдан иборат бўлиб, 29x21 см ҳажмга эга. Картон муқовали мазкур тошбосма яхши сақланган, шикастланган жойлари йўқ.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур тошбосмада асарнинг фақатгина иккинчи жилди берилган бўлиб, у Сод сурасининг тафсири билан бошланиб, Нос сурасининг тафсири билан тугайди. Тафсир тугагач, сўнгги 5 саҳифада (299 дан 303-саҳифагача) асар муаллифи аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида сўз юритилган. Алломанинг ҳаёт йўли ҳақида сўз кетганда, унинг илм йўлида бошқа мамлакатларга қилган сафарлари, аниқ саналар, бир оёғидан айрилганлиги билан боғлиқ бўлган ривоятлар ҳақида ёзилган. Унда Замахшарий асарлар яратган фан соҳалари, жумладан, тафсир, ҳадис, тилшунослик, лугатшунослик, балоғат илми, ахлоқшунослик, аллома илмий меросини ташкил этувчи асарлар, уларнинг номлари, қайси соҳага оидлиги ҳақида батафсил маълумот берилган. Қолаверса, айрим асарлар мазмунига кенгроқ назар ташланган. Шундан сўнг мазкур жилднинг фихристи берилган.

Мазкур фондда мавжуд «Кашшоф» асарининг яна бир тошбосма нусхаси бу **16294** ва **16295** инвентарь рақамлар остида 2 та жилдда берилган тошбосма нусхалардир. Мазкур тошбосмалар 1276/1859 йилда Калькутта-



да чоп этилган. 23x31 см ҳажмга эга. Чарм муқовали мазкур тошбосмалар бир неча бор таъмирланган. Саҳифалар яхши сақланган. Улар тўлиқ нусха ҳисобланади.

Улардан 16294 инвентарь рақам остида «Кашшоф»нинг биринчи жилди берилган. Мазкур тошбосма 817 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг титул варағининг юқори қисмида қуйидаги жумла келтирилган:

النصف الاول من الكشاف عن حقائق التنزيل للامام العلامة ابي القاسم جار الله
محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمي رحمه الله تعالى

«Имом аллома Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (Аллоҳ таоло уни ўз раҳматига олсин) қаламига мансуб «Кашшоф» асарининг биринчи қисми»

Титул варағининг марказида Ихлос сурасининг оятлари келтирилган нақшинкор доира берилган.

Тошбосма 3 саҳифалик (2–4-бетлар) кириш қисми билан бошланган. Матннинг аксарият қисми ҳаракатлантирилган. Тошбосманинг мазкур қисмида саҳифа хошияларида кейинчалик сиёҳ билан настаълиқ хатида киритилган катта ҳажмдаги шарҳларни кўриш мумкин. Айрим шарҳлар матннинг ичига қаторлар орасига ҳам киритилган. 3-саҳифанинг қуйи қисмидан Фотиҳа сурасининг тафсири бошланган. Суранинг тафсири берилишидан олдин мазкур сура Макка ёки Мадинада нозил бўлганлиги, унинг неча оят, неча сўз ва ҳарфдан иборатлиги қуйидаги тартибда ёзиб кўйилган:

سورة الفاتحة مكية و هي سبع ايات حروفها ٢٦١ كلماتها ٥٢

Фотиҳа сураси. Маккада нозил бўлган. 7 та оят, 25 та сўз, 126 та ҳарфдан иборат¹.

Бу тартибни бошқа сураларда ҳам кўриш мумкин. Масалан:

سورة البقرة مدنية و هي مائتان و ست و ثمانون اية حروفها ٢٩٧٤٢ كلماتها
٢١٢٤

Бақара сураси. Мадинада нозил бўлган. 286 та оят, 612 та сўз, 26792 та ҳарфдан иборат².

¹ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 16294 инвентарь рақам остида сақланаётган «Кашшоф» асарининг тошбосма нусхаси. 3-саҳифа.

² Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 16294 инвентарь рақам остида сақланаётган «Кашшоф» асарининг тошбосма нусхаси. 12-саҳифа.

Асарнинг фонддаги бошқа тошбосмаларидан анча фарқ килувчи мазкур нусхада асар матни жадвалда берилмаган. Фақатгина саҳифада кенг-роқ хошия ташланган. Мазкур хошияларнинг юкори қисмида сураларнинг тафсир қилинаётган оятлари бериб борилган. Сураларнинг оятлари ва тафсир матнининг хати бир хил. Бирданига 2 ёки 3 та оятнинг тафсири берилган саҳифаларда ҳар бир оят махсус белгилар ёрдамида ажратилган. Фотиҳа сурасининг тафсири берилган саҳифаларни ҳисобга олмаганда (4, 5, 10, 11-саҳифалар), қолган саҳифаларда деярли шарҳлар берилмаган.

Асарнинг мазкур қисми Каҳф сурасининг тафсири билан яқунланган. Тафсир сўнгида асарнинг биринчи қисми тугаганлиги қайд этилган.

16295 инвентарь рақам остида эса асарнинг иккинчи жилди сақланади. У 16294 инвентарь рақамли тошбосманинг иккинчи қисми бўлганлиги сабабли саҳифалари 820 сонидан бошлаб (сўнгги саҳифа 1647-саҳифа) рақамланган. Тошбосманинг умумий ҳажми 827 бет.

Бу қисм Марям сурасининг тафсири билан бошланади. Саҳифаларда суралар ҳамда уларнинг тафсирининг берилиш шакли худди 16294 инвентарь рақам остидаги тошбосма каби. Мазкур жилдда Қуръони каримнинг сўнгги 114-сураси, яъни Нос сурасигача бўлган сураларнинг тафсири берилган.

Фондда асарнинг тошбосма нусхаларидан яна бири **13019** инвентарь рақам остида сақланади. Мазкур нусхада асарнинг биринчи жилди сақланади. Нусханинг титул варағида тошбосма тайёрланган жой, йил, ношир ҳақида қайдлар мавжуд эмас. Титул варағида тафсир муаллифи кўрсатилганда, унга қуйидаги юксак номлар билан таъриф берилган ҳолда Замахшарий даҳоси яна бир бор эътироф этилган:

Имом

الامام

Жору-л-лоҳ (Аллоҳнинг қўшниси)

جار الله

Тожу-л-ислом (Ислом дининг тожи)

تاج الاسلام

Фахру Хоразм (Хоразм фахри)

فخر خوارزم

Асар анъанавий муқаддима (2-4-саҳифа) билан бошланган. 4-саҳифада Фотиҳа сурасининг тафсири бошланган. Тафсир матни жадвал ичида насх хатида берилган. Сураларнинг номи эса матндан ажралиб туриши учун настаълиқ хатида берилган. Мазкур нусхада сураларнинг қаерда нозил бўлганлиги, уларнинг неча оятдан иборатлиги қайд этиб борилган. Тафсир қилинаётган оятлар жадвалдан ташқарида, яъни хошияларда бериб борилган. Шунингдек, айрим саҳифаларда хошияларда қисқа шарҳларни ҳам кўриш мумкин. Тошбосманинг умумий ҳажми 482 бетни ташкил этади.

Мазкур нусха Каҳф сурасининг тафсири билан яқунланган. «Кашшоф»нинг ушбу жилдида жами 18 та суранинг тафсири берилган. Каҳф

сураси тафсирининг сўнгида биринчи қисмнинг тугаганлиги қайд этилган. Сўнги саҳифада китобнинг фихристи мавжуд. Бирок фондда мазкур нуханинг иккинчи жилди мавжуд эмас.

«Кашшоф» асарнинг яна бир нухаси **10381** инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма бўлиб, бу тошбосма 1276/ 1859 йилда Калькуттада чоп этилган. Унда асарнинг биринчи жилди сақланади. Умумий ҳажми 827 бет. Картон мукова, тошбосманинг дастлабки ва сўнги саҳифалари таъмирга муҳтож. Булар ҳисобга олинмаганда, нуха яхши сақланган. Мазкур тошбосма юқорида тавсифланган 16295 инвентарь рақам остидаги тошбосманинг яна бир нухаси ҳисобланади. Фақатгина бу тошбосманинг саҳифаларида сиёҳ билан киритилган шарҳлар мавжуд эмас.

ХУЛОСА

Маҳмуд Замахшарий илмий меросида йирик асар ҳисобланган «Кашшоф» тафсирининг юқорида сўз юритилган барча тошбосма нухалари Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондида сақланаётган нодир асарлар сирасига киради. Уларнинг барчаси бугунги кундаги ҳолатига кўра, илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш учун яроқлик ҳолатда. Бу асарларни тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, манбашунослик жиҳатидан тадқиқ этиш замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида мавжуд баъзи масалалар ечимини топишда яқиндан ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондида 16294 инвентарь рақам остида сақланаётган «Кашшоф» асарининг тошбосма нухаси.

2. Тўртлик шарқшунос олим Убайдулла Уватов томонидан таржима қилинган (Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов). – Т.: Камалак, 1992. – 43-б.

РОЛЬ МАРКЕТИНГА В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ СФЕРЫ ТУРИЗМА

*Каримова Азиза Махоммадрезаевна,
соискатель.
Самаркандский инженерно-экономический
институт*

Аннотация

В данной статье рассмотрены вопросы инновационного развития сферы туризма, причины и факторы, препятствующие повышению эффективности её деятельности, а также даны предложения по решению существующих проблем в сфере туризма.

Ключевые слова: экономика, туризм, частный бизнес, туристическая деятельность, туристические ресурсы, маркетинг, турбизнес, турпродукт.

Анотация

Ушбу мақолада туризм соҳасининг инновацион ривожланиши масалалари, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишига тўсқинлик қилувчи сабаблар ва омиллари, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, туризм, хусусий бизнес, туризм манбаалари, маркетинг, туризм маҳсулоти, туристик фаолият.

Abstract

This article discusses the issues of innovative development of the tourism sector, the reasons and factors hindering the increase in the efficiency of their activities, and also offers suggestions for solving existing problems.

Key words: economy, tourism, private business, tourist activity, tourist resources, marketing, tourist industry, tourist product.

ВВЕДЕНИЕ

В настоящее время важным условием быстрого развития экономической отрасли является ускоренное внедрение современных инновационных технологий, обуславливающее сегодня успешность и стремительное развитие данного процесса.

Развитие экономики Узбекистана, безусловно, связано с развитием отрасли туризма, выступающей социальным и приоритетно значимым направлением, развитие которого влияет как на экономику государства, так и на экономику мирового масштаба. Более 10 процентов мирового валового продукта обеспечивается за счет индустрии туризма, а порядка 75–80 процентов формируется за счет сферы услуг. Однако, несмотря на столь



быстрое развитие, в данной сфере существует множество проблем, связанных со значительным отставанием этой сферы в нашей стране от экономически развитых стран мира.

Узбекистан имеет колоссальный ресурсный потенциал для развития туризма. О возможностях нашей страны свидетельствует, прежде всего, наличие свыше 7,4 тысячи объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе включенных в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО: исторические центры Самарканда, Бухары, Хивы и Шахрисабза. Страна богата 11 национальными природными парками, государственными заповедниками, 37 театрами, 106 музеями, 187 парками отдыха и культуры, а также множеством других объектов туризма.

Наличие древних достопримечательностей, мечетей, мавзолеев, медресе, а также множество нетронутых уголков природы, лечебных центров позволяет развивать многие виды туризма. Всемирно известные исторические памятники, современные города, неповторимая природа Узбекистана, уникальная национальная кухня, а также непревзойденное гостеприимство нашего народа притягивают любителей путешествий, благодаря чему в стране возможен прорыв в получении валютных поступлений от туристической деятельности и пополнении бюджета страны. Другими словами, индустрия туризма производит туристический продукт, который востребован как на внешнем, так и на внутреннем рынке. Главной задачей индустрии туризма является создание качественного и востребованного туристического продукта.

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

Вопросы, связанные с инновационной деятельностью и её развитием, рассматривались в работах отечественных и зарубежных ученых, таких как Й. Шумпетер, Ю.А. Чичерина, Я.Ю. Грибова, Ф. Валента, Л. Водачек, О. Водачкова, М. Хучек, Г. Менш и др.

Инновационная деятельность сосредоточена на результатах научных исследований, а также на экспериментальных разработках.

Термин *инновации* в современном его понимании первым стал применять австрийский ученый Й. Шумпетер. Его определение инновации – это существенная смена функции производимого, состоящая в новом соединении и коммерциализации всех новых комбинаций, основанных на использовании новых материалов и компонентов, внедрении новых процессов, открытии новых рынков, а также внедрении новых организационных форм.

Производить, по Шумпетеру, – значит комбинировать имеющиеся в нашей сфере вещи и силы, производить нечто иное или, иначе, создавать другие комбинации из этих вещей и сил. Центральное место в его тео-

рии занимает предприниматель-новатор как создатель новых продуктов, новых рынков, новых технологий. Согласно концепции Й. Шумпетера, инновация является главным источником прибыли: «...прибыль, по существу, является результатом выполнения новых комбинаций», «...без развития нет прибыли, без прибыли нет развития».

Близкое к изложенному определение дают Л. Водачек и О. Водачкова. По их мнению, инновация – это «целевое изменение в функционировании предприятия как системы, которое может выражаться в количественном и качественном преобразовании в какой-либо области деятельности предприятия». Аналогичен взгляд М. Хучека, который трактует инновации как «... изменения в технике, организации, экономике, а также в социальной жизни предприятия». П.Н. Завлин, А.А. Ипатов и А.С. Кулагин [8] под инновацией (нововведением) подразумевают объект, внедренный в производство в результате проведенного научного исследования или сделанного открытия, качественно отличный от предшествующего аналога. Инновация характеризуется более высоким технологическим уровнем, новыми потребительскими качествами товара или услугами по сравнению с предыдущим продуктом.

Изучив труды ученых (Й. Шумпера, Ф. Валенты, М. Хучека, П.Н.Завлина, А.А. Ипатова, Л. Водачека, О. Водачковой, А.С. Кулагина, О.В. Смородова), мы пришли к выводу, что на основе проведенных исследований ученые рассматривали инновации как преобразование системы с использованием новых материалов, нового оборудования, технологий, внедрение новых процессов в сфере производственной деятельности, то есть создание нового потребительского товара, качество которого было намного выше предыдущих. Но со стороны ученых не была раскрыта суть инноваций сферы услуг (туристической деятельности). По нашему мнению, инновационно развитая сфера деятельности должна заниматься не только производством и поставкой товаров, но и оказанием качественных услуг.

Сегодня развитие туристической отрасли рассматривается как одно из важнейших направлений. На основе мирового опыта в стране было рассмотрено и принято множество нормативных актов. К примеру, в январе текущего года были приняты важные для сферы туризма нормативные акты, такие как Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» [1], а также Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по ускоренному развитию туристской отрасли [2]». В данных нормативных актах определены основные стратегические направления развития сферы туризма. В частности, Указом Президента Республики Узбекистан утверждена Концепция развития сферы туризма в период до 2025 года [3] с ежегодным принятием плана конкретных мероприятий по реализации Концепции.




Исходя из принятых вышеуказанных нормативных актов, ныне основными направлениями государственной политики в сфере туризма являются:

- развитие данной сферы как стратегической отрасли экономики страны;
- обеспечение прав граждан на отдых, свободу передвижения и иных прав при совершении путешествий;
- рациональное использование и сохранение туристических ресурсов;
- совершенствование нормативно-правовой базы;
- создание необходимых условий для развития внутреннего туризма, включая организацию экскурсий для детей, молодежи, людей пожилого возраста, а также лиц с инвалидностью и малообеспеченных слоев населения в рамках развития социального туризма;
- привлечение инвестиций и создание благоприятных условий для инвестирования в сферу туризма;
- развитие государственно-частного партнерства в данной сфере;
- создание равных возможностей на рынке туристических услуг для субъектов предпринимательства;
- стимулирование посредством установления налоговых и таможенных льгот для субъектов сферы туризма;
- организация и развитие научных исследований;
- подготовка, переподготовка и повышение квалификации кадров;
- развитие международного сотрудничества;
- повышение имиджа Республики Узбекистан как страны, привлекательной для туризма;
- оказание субъектам сферы туризма государственной поддержки в продвижении ими национального туристского продукта на мировом туристическом рынке;
- внедрение передовых инновационных и информационно-коммуникационных технологий;
- обеспечение развития туристических зон и туристических кластеров и т.д.

Сегодня инновации – это эффективное средство конкурентной борьбы, которая ведет к созданию новых потребностей, к притоку инвестиций, к созданию новых рабочих мест, к снижению себестоимости продукции, к повышению имиджа страны, к открытию новых рынков – как внутренних, так и внешних. В последнее время часто приходится слышать о пользе инновационного развития как экономики, так и в сфере туризма в частности.

По статистическим данным Государственного комитета Республики Узбекистан, в начале 2017 года 1 миллион 125 тысяч туристов посетили нашу республику. К концу года эти показатели выросли до 2 миллионов 520 тысяч туристов. Отмечается, что по сравнению с 2016 годом коли-

чество туристов, побывавших в Узбекистане в 2017 году, увеличилось на 24,3 процента. Общее число туристов, въехавших в республику в 2018 году, составило 5,35 миллиона человек (в 1,96 раза больше, чем в 2017 году), в том числе 4,6 млн человек – граждане стран Центральной Азии, 406 тыс. человек – из стран СНГ и 326,5 тыс. человек – из дальнего зарубежья. В течение 9 месяцев 2019 года количество иностранных туристов составило 4,9 млн человек. Данный показатель по сравнению с аналогичным периодом прошлого года на 26 процентов выше (3,9 млн человек за 9 месяцев 2018 года).




Страны дальнего зарубежья в СНГ с самым высоким количеством туристов (тыс. чел) в течение 2019 и 2018 гг.

Ниже рассмотрим диаграмму количества туристов, посетивших Узбекистан в разрезе месяцев 2018–2019 гг. По сравнению со схожим периодом предыдущего года значительно выросло количество выезжающих туристов в январе и феврале, т.е. в январе количество выезжающих туристов по сравнению с аналогичным периодом 2018 года выросло на 64 процента (с 266,2 тыс. до 437,2 тыс.), в феврале – на 48 процентов (с 264,9 тыс. до 393,5 тыс.).



Количество туристов в разрезе месяцев 2018–2019 гг. (тыс. чел.)



Количество предприятий, осуществляющих туристическую деятельность

По состоянию на 1 октября 2019 года в стране успешно функционирует 1381 туркомпания. Статистика экспорта туристических услуг с начала 2017 года составила более 694 млн долларов США. Данные показатели к концу 2017 года выросли на 1557 миллионов долларов, в 2018 году выросли до 1 млрд 4 млн долларов. Экспорт туристических услуг 2019 года составил 854,5 млн долларов. По сравнению с аналогичным периодом прошлого года (666,8 млн долларов) экспорт туристических услуг увеличился на 28 процентов.

Как показывает статистика, в сфере туризма осуществлена огромная работа. Но, несмотря на это, ныне остаётся множество нерешенных проблем, существование которых является преградами развития данной деятельности. К их числу можно отнести:

- отсутствие эффективно работающего финансово-кредитного механизма поддержки;
- отсутствие финансовых механизмов инновационно-инвестиционной системы поддержки;
- отсутствие упрощённой системы кредитования (высокая процентная ставка);
- ограничение льготного налогообложения;
- отсутствие финансового института, поддержки и развития туризма.

Решение этих проблем на основе развития государственного регулирования и поддержки деятельности сферы туризма позволит наиболее эффективно использовать имеющийся туристский потенциал страны. Другими словами, индустрия туризма производит туристический продукт, который востребован как на внешнем, так и на внутреннем рынке.

Главной задачей индустрии туризма является создание качественного и востребованного туристического продукта. В настоящее время существует ряд факторов, препятствующих развитию инновационной деятельности данной сферы, которые рассмотрим ниже в виде схемы:




Схема. Факторы, препятствующие развитию деятельности сферы туризма (составлена автором)

Исходя из вышесказанного, мы считаем необходимым в стратегическом плане устранить факторы, которые являются преградами для формирования финансовых ресурсов в целях обеспечения конкурентоспособности туристических предприятий.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Подводя итоги, можно сделать заключение, что существующие проблемы препятствуют инновационному развитию сферы туристической деятельности, что сказывается на получении дополнительных средств в доходы бюджета страны. Создание маркетинговой компании, занимающейся маркетинговыми исследованиями сферы туризма, приведет к решению вышеуказанных проблем, то есть появится возможность, позволяющая удовлетворить потребности туристов, обеспечить пополнение бюджета на всех уровнях, привлечь иностранную валюту в регион, решить социально-экономические проблемы, повысить уровень занятости населения.

По нашему мнению, основная деятельность маркетинговой компании должна заключаться в проведении следующих мероприятий:

- опросе туристов (выявление пожеланий к качеству оказанных услуг, цене потребностей);
- выявление проблем, с которыми сталкиваются туристы при прибытии в страну;
- определение предпочтений и интересов туристов в стране;
- определение важнейших тенденций в сфере туризма в стране;
- опрос и анкетирование субъектов деятельности сферы туризма;

- выявление проблем, с которыми сталкиваются субъекты деятельности сферы туризма;
- решение проблем, с которыми сталкиваются субъекты, занимающиеся туристической деятельностью;
- создание интернет-маркетинга (исследование рынка через опрос туристов в виде онлайн-режима реализации турпродуктов);
- проведении мастер-классов по подготовке квалифицированных кадров по ведению успешной работы турфирм;
- изучение, рассмотрение классификации спроса на новые виды услуг или товаров.

Маркетинговая деятельность должна осуществляться на уровне региональных и центральных органов управления туризмом, турбизнеса и общественных организаций, которые должны действовать на основе норм, установленных государственными органами республики. Деятельность всех структур должна согласовываться с Агентством по туризму «Узбекитуризм» Республики Узбекистан. И в заключение можно сказать, что сфера туризма является важнейшей частью экономики всей страны. Реализация предложенной формы государственно-частного партнерства будет способствовать развитию организации сферы туризма, активизации внедрения новых конкурентоспособных турпродуктов, повышению эффективности их деятельности, созданию дополнительных рабочих мест, стимулированию образования новых организаций, увеличению налоговых поступлений, росту благосостояния населения.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан». – 2019.
2. *Шумпетер Й.А.* Теория экономического развития (исследование предпринимательской деятельности, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). – М.: Прогресс, 1982.
3. *Валента Ф.* Управление инновациями. – М.: Прогресс, 1985. – С. 258.
4. *Водачек Л., Водачкова О.* Стратегия управления инновациями на предприятии. – М.: Экономика, 1989. – С. 620.
5. *Хучек М.* Инновации на предприятиях и их внедрение. – М.: Луч, 1992. – 340 с.
6. *Завлин П.Н., Ипатов А.А., Кулагин А.С.* Инновационная деятельность в условиях рынка. – СПб.: Наука, 1994. – С. 450.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ХИЗМАТЛАР ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ МУНОСАБАТЛАРИ

Саъдуллаева Гулноза,
таянч докторант.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини такомиллаштириш жараёнлари, таълим хизматлари ва меҳнат бозори ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ижодий рақобат майдонини яратиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, бандлик, олий таълим, жаҳон стандартлари, модернизация, самарадорлик, хизматлар ҳажми, меҳнат бозори.

Аннотация

В данной статье раскрыто значение образовательной реформы Республики Узбекистан, направленной на организацию взаимосвязи образовательной службы и трудового рынка, а также творческого конкурентного пространства, в процессе модернизации образовательной системы.

Ключевые слова: система образования, занятость, высшее образование, международные стандарты, модернизация, эффективность, объем услуг, рынок труда.

Abstract

This article deals with the modernization of educational system, economic tendencies, implementation of investing and perspective programs in the Republic of Uzbekistan. The emergence of the relationship between educational service marketing and labor marketing, and the importance of the competition in this process are mentioned as well in the research.

Key words: educational system, employment, higher education, world standards, modernization, profitability, service capacity, labor market.

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва бозор ислохотларининг самарадорлигини таъминлаш жараёнида Олий таълим тизимидаги хизматлар ва меҳнат бозори муносабатларини такомиллаштириш ҳамда тартибга солиш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, унинг объекти бўлган таълим



хизматларининг моҳияти ва таркибини тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этади. Чунки, таълим хизматлари бозори таълим хизматларини айирбошлаш тизимидир. Айнан таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шарти ҳисобланади.¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш, таълим сифатини ошириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида «2011–2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари Дастури» тасдиқланди.

Янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, шунингдек сиртки, махсус сиртки ва кечки таълим шаклларининг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги ислохотлардан бўлиб, илм-фанга қизиқиши катта бўлган ёшларни олий таълимга кенг қамраб олиш имкониятини яратди.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Мақолани тайёрлашда хориж олимлари А.М. Стрижов, Е.Д. Липкина, С.А. Зайчикованинг таълим хизматларини ташкил этишга оид илмий асарлари, Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қарор ва фармонлардан фойдаланилди. Қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тизимли ёндашув методлари қўлланилди.

¹ Ташходжаев.М.М. Таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий таҳлили.

«Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таълим хизматларининг ўзи нима эканлигини олимлар қарашларидан кўриб чиқамиз. А.М. Стрижов «таълим хизмати – иштирокчиларнинг таълим жараёни билан ўзаро муносабати ва шахснинг таълим эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли фаолият», деб таъриф беради.¹ Қиёсий таҳлил натижаларига кўра таълим хизматининг асосий иштирокчилари шахс ва жамият бўлиб, унинг бош мақсади аҳоли интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган, бироқ А.М. Стрижовнинг фикрида таълим хизмати фақат шахс манфаатини ҳимоя қилишни назарда тутди. Бу эса таълим хизматлари мақсадининг қамраб олиш доирасини чеклайди.

Е.Д. Липкинанинг фикрича эса «таълим хизмати интеллектуал ривожланиш ва касбий кўникмаларга эга бўлиш учун шахс ва жамиятнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, кўникмалар, қобилиятлар ва маълумотларнинг маълум миқдори»² дир. С.А. Зайчикова юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда «таълим хизматлари бозори – инсон, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган ва инсон капиталини оширишга йўналтирилган билим кўникмалар тизими»³ деб таърифлайди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди, етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди. Президентимиз ўз мурожаатида «Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50–60 фоизга етказамиз.

¹ Стрижов А.М. Понятие качества образовательной услуги в условиях рыночных отношений. // Стандарты и мониторинг в образовании. 1999. – №3. – С. 47–50.

² Липкина Е.Д. Конкурентоспособность вузов на современном рынке образовательных услуг: Монография. – Омск: Изд-во ОмГПУ, 2006. – С. 136.

³ Зайчикова С.А., Маяцкая И.Н. Стратегия маркетинга высшего учебного заведения в системе открытого образования: Монография. – Москва: Изд-во РГСУ, 2006. – С. 115.

Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим камровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?» деб таъкидлагани мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун юқори малакали кадрларнинг қанчалик зарурлигини англатади.

Буни Президентимизнинг 2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном беришни таклиф қилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида фундаментал, техник, экспериментал, гуманитар фанларни ўрганиш ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув жараёнида талабаларда танлаган соҳалари бўйича муаммони илмий-назарий ўрганиш, таҳлил қила олиш малакасини шакллантириш ва амалиётга жорий этиш учун янги технологиялардан фойдаланишни ўрганиш талаб этилмоқда. ЮНЕСКО ва DGP Research & Consulting консалтинг компанияси ҳамкорлигида жалб қилинган халқаро экспертлар гуруҳи Ўзбекистон таълим тизимининг 2017 йил январь – июнь оралиғидаги ҳолатини комплекс тадқиқ этди. Натижада, назария ва амалиётнинг яхлитлигини такомиллаштириш, таълим сифати назоратининг мукамал механизмини ишлаб чиқиш ва халқаро олий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш зарурати бўйича таклифлар берилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги ислохотлар доирасида кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Erasmus+ (Европа иттифоқи дастури), JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги), KOICA (Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги) шулар жумласидан. Ушбу ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ўқитувчи ва талабалари халқаро тажриба ва билимларни ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини янада ривожлантириш, сифат даражасини ошириш ва меҳнат бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватловчи лойиҳа амалга оширилмоқда. Жаҳон банки ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2017 йил 11 апрелда «Олий таълим тизимини модернизация қилиш» лойиҳаси борасида кредит келишуви тасдиқланди.¹ Лойиҳани амалга татбиқ этиш даври 2017–2022 йилларни ўз ичига олади. Лойиҳа нафақат талабалар, профессор-ўқитувчиларга балки, таълим соҳасида фаолият олиб борадиган давлат идоралари вакиллари учун ҳам манфаатли бўлади. Бундан ташқари, битирувчилар мутахассислардан кутилган зарур кўникма ва билимларга эга бўлган ҳолда янада яхшироқ тайёрландилар.

¹ www.gazeta.uz

Ушбу мақсадларнинг кўламини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюролари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар «ноу-хау»лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак. Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда илмий ишланмалар бўйича амалий натижадорликни ошириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш топширилади», деб аниқ мақсадларни белгилаб берди¹.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истикболли ривожланиш дастурларига мувофиқ ҳолда шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳаларининг истикболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларни шакллантириш, битирувчиларнинг фаолиятига доир малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилиши зарур. Олий таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни кучайтириш, илмий-тадқиқот институтларини олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига жалб этиш, олий таълим муассасаларидаги илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилишини таъминлаш зарур. Таълим хизматларини жорий этиш жараёнини тартибга солишнинг бозор механизми янада мослашувчан ва самаралидир. Бозор иқтисодиёти шароитида таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозори ўртасидаги боғлиқлик миллий иқтисодиётни зарур ҳажмдаги ва малакали ишчи кучи билан таъминлайди, бу эса пировард натижада турли тармоқлар ва соҳаларда меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Айни пайтда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2019 йилда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.



маълум касб йўналишлари бўйича талабнинг мавжудлиги талабаларни ўқитиш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. С.Ю. Рошин, Т.О. Разумованинг таърифига кўра, «меҳнат бозори – меҳнатга талаб ва меҳнат таклифини ўзаро ҳаракатлантирувчи, бозор механизми ва белгилари асосида меҳнат ресурсларини тақсимлашдир»¹. Бу эса ҳар йилги битирувчиларнинг сони меҳнат бозорида таклиф этилаётган иш ўринлари сони билан мутаносиб бўлиши керак демакдир. Олий таълим муассасаларининг вазифаси меҳнат бозори таклифларидан келиб чиққан ҳолда квоталар белгилаш ва талаб этилаётган мутахассисликлар бўйича сифатли кадрлар тайёрлашни назарда тутати. Бунда эса К.Абдурахмонов ва Ф.Мамараҳимов таъкидлаганидек, «Меҳнат бозори дейилганда ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси тушунилади».²

Ҳозирги даврда олий таълим тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

1. Олий таълим тизими фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар (олий таълим муассасининг салоҳияти, меҳнатнинг фойдалилиги ва сифати);

2. Бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимлар (ўқув жараёни кўрсаткичлари, бошқарув тизими) ўртасидаги боғлиқликни тавсифловчи кўрсаткичлар;

3. Бошқарув тизимини тавсифловчи кўрсаткичлар (тузилиши, жараён, усуллар, техника, кадрлар ва бошқариш меъёрлари), бошқарув омилларини аниқловчи кўрсаткичлар (бошқарувнинг шахсий омиллари).

Муайян мутахассисликлар бўйича талабнинг мавжудлиги олий таълим муассасаларида талабаларни қабул қилиш квотасининг кўпайиши ва ушбу йўналишларда ресурсларнинг жамланишига асос бўлади. Натижада бу йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқаларнинг ҳолатига иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркиби меҳнат биржаларида ҳисобга олинганлар ичида олий маълумотга эга бўлган шахсларнинг сони ва иш берувчи ташкилотлар орасида ҳисобга олган ишсизлар орасида олий маълумотга эга бўлган шахсларнинг сонини аниқлаш асосида баҳо бериш мумкин. Олий таълим тизимининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш тизимли таҳлилга асосланиши лозим. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш иқтисодий самарадорликни ошириш муаммосини ҳал қилишга қаратилган. Таълим тизимининг самарадорлигини ошириш муаммоси муҳим ва айти пайтда етарли даражада ўрганилмаган масала бўлиб ҳисобланади.

¹ С.Ю. Рошин, Т.О. Разумова. Экономика труда: Экономическая теория труда. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2000 г. – (серия «Высшее образование») – С. 376.

² Ш.Холмуинов. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма) – Т.: ГДИУ, 2004 й. – 10-бет.

Таълим хизматларига доир адабиётларнинг таҳлили макро ва микроиктисодий даражада таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасалари фаолиятининг ижтимоий-иктисодий самарадорлиги масаласи ҳали етарли даражада ўз ечимини топмаганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат таълим тизимидаги фаолият натижаларини микроиктисодий даражада баҳолашнинг қийинлиги билан белгиланади.

ХУЛОСА

Таълим хизматларини таклиф этувчи Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, талабалар эса уни тўлиқ ўзлаштиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Кадрлар буюртмачилари меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори орқали олий таълим муассасаларига ўз талабини қўяди. Кадрлар буюртмачиларининг талабларида ўзлари учун зарур бўлган кадрлар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар рўйхатини тақдим этади.

Талабнинг мавжудлиги ўқув муассасалари ихтиёридаги ресурсларни ушбу талабларни кондиришга йўналтириш имконини беради, бу эса талабаларни ўқитиш сифатининг ошишига, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш имкониятини яратади. Таълим тизимини ижтимоий-иктисодий бошқариш мураккаб, зиддиятли бўлиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ёки хизматлар соҳасининг бозор тан оладиган кўпгина тармоқларини бошқаришдан бир қатор сифат белгиларига кўра фарқланади. Асосийси, таълим тизими нафақат бозор учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан чекланади, балки жамият ва давлатнинг сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ва бошқа эҳтиёжларини таъминлашда муҳим омил бўлган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ва такомиллаштириб боришни амалга оширади. Шу сабабли таълим тизимини бошқариш, таълим хизматлари бозорини тартибга солиш ва маркетинг фаолиятлари самарадорлигига баҳо беришга жамиятнинг кенг қамровли эҳтиёжлари нуктаи назаридан ёндошиш лозим.

Таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, унинг объекти бўлган таълим хизматларининг моҳияти ва таркибини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки таълим хизматлари бозори таълим хизматларини айирбошлаш тизимидир. Айнан таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шартини ҳисобланади. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, таълим тизими малакали ишчи кучини шакллантириш ва унинг сифатини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсишига эришини таъминлайди. Шу билан бирга таълим тизими ва фан соҳаси

ўртасидаги боғлиқлик фан-техника тараққиёти натижаларини (инновациялар) ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 24 январь.

3. *Ташходжаев М.М.* Таълим хизматлари бозори ва унинг ривожланишининг иқтисодий тахлили. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил.

4. *Набиев Д.Х.* Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. – Т.: ТДИУ, 2009.

*Рахмонжонова Гавхаршодбегим
студент 3-курса
факультет международной журналистики УЗГУМЯ*

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы повышения имиджа Республики Узбекистан в мировом медиапространстве, формирования позитивных взглядов, места национальной журналистики в установлении дружественных отношений, основанных на взаимном уважении, влияния государственных организаций страны на средства массовой информации в целях повышения международного медиаимиджа государства.*

Ключевые слова: *имидж, информационное пространство, национальная журналистика, медиасреда, медиаимидж, средства массовой информации, информационное агентство.*

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот бозоридаги имижини янада оширишда, чет элларда давлатимиз ҳақида ижобий тасаввурларни шакллантириш, турли давлатлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган дўстлик алоқаларини ўрнатишда миллий журналистиканинг ўрни, мамлакатнинг халқаро медиа имижини ривожлантириш мақсадида давлат ташиқлотларининг мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларига таъсири масаласи кўриб чиқилган.*

Калим сўзлар: *имиж, ахборот макони, миллий журналистика, медиамакон, медиаимиж, оммавий ахборот воситалари, ахборот агентлиги.*

Abstract. *The article deals with improving the Image of the Republic of Uzbekistan in the global media space, the formation of positive attitudes, the place of the national journalism in establishing friendly relations based on mutual respect, the impact of state organizations to the national media in order to enhance the country's international media image.*

Key words: *image, information space, national journalism, media space, media image, mass media, information agency.*

С первого дня независимости в Узбекистане вопрос поднятия имиджа страны был определяющим, т.е. приоритетным.

Известно, что период перехода страны к рыночным отношениям был сложным, поэтапным, стадийным, и имидж страны оставался также значимым фактором государственной политики.

Вместе с развитием механизма сотрудничества с зарубежными странами, естественно, формировался и имидж. Со временем он стал развиваться в соответствии с внешней средой. Время поставило на повестку дня вопро-



сы реформирования внутренней информационной среды страны, превращая ее в неотъемлемую часть мирового информационного пространства. Поэтому формирование имиджа – это дело рук не только государственных деятелей, но и наше дело – журналистов.

Участие национальной журналистики национальных СМИ в формировании внешнего имиджа государства всегда было актуальным и в дальнейшем останется важной темой.

Обращая внимание на значимость СМИ в формировании медиаимиджа страны на мировой арене, использовании его в качестве площадки для плюрализма мнений и взглядов, расширения национального медиапространства, Президент Шавкат Мирзиёев в своём поздравлении с профессиональным праздником работников печати и средств массовой информации 27 июня 2018 г. подчеркнул: «Мы приветствуем атмосферу гласности, объективного анализа и критики в публикациях, телерадиопередачах, рост количества материалов, поступающих от наших журналистов из-за рубежа.

Сегодня, укрепляя сотрудничество с государствами ближнего и дальнего зарубежья, наращивая темпы демократических преобразований в стране, мы хорошо понимаем, что наряду с другими сферами нам предстоит большая работа и в области информации. Средства массовой информации должны не на словах, а на деле стать «четвертой властью». Это – веление времени, требование наших реформ».

Чтобы быть на уровне мировой медиасреды, более того, противостоять жестокой конкуренции, необходимо поэтапное осуществление престижа профессии журналиста. В этом направлении принимается ряд практических мер. Открыт новый университет журналистики, увеличиваются квоты по приему в бакалавриат и магистратуру и т.д.

В целях повышения роли национальных СМИ, видимо, нам необходимо объединение своих сил, так как журналистские кадры сейчас готовятся в нескольких вузах. Хорошо было бы провести координацию сил и специализации между ними, где и чем будут заниматься и где будут готовить наших специалистов.

В таких условиях большое значение имеет разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по повышению активизации уровня подготовки профессиональных и международных журналистов.

Хотим мы этого или нет, но для завоевания умов нашей молодежи, отвлечения их внимания от зарубежных телеканалов наши национальные телепередачи должны коренным образом измениться и укрепить свою конкурентоспособность. Сначала мы должны укрепить имидж своей страны внутри своей страны, привлечь внимание подрастающего поколения к своим СМИ и телевидению. Широкое внедрение зарубежного опыта в

сфере использования национальных СМИ в интересах государства имеет свои плюсы. В условиях глобализации высокий уровень положительного имиджа государства ещё выполняет и функцию обеспечения граждан страны информацией и их воспитания.

Острой остаётся у нас подготовка журналистов-международников, которые должны работать за рубежом и служить повышению имиджа Узбекистана.

Медиаимидж – это элемент опосредованного имиджа, который создаётся и транслируется через СМИ. Именно он способен определять совокупность представлений, эмоциональных реакций и поведенческих интенций у целевых аудиторий в отношении государства в течение определенного временного интервала.

Фотографии, нарисованные изображения, карикатуры, которые публикуются в прессе у нас в стране, за рубежом и отражают различные стороны политической, социальной и культурной жизни, формируют представление о стране, выступая основными визуальными элементами медиаимиджа.

Деятельность периодических изданий, телерадиоканалов, информационных агентств, в том числе Национального информационного агентства Узбекистана – УзА и информационного агентства «Жахон» в данном направлении имеет большое значение. Ими осуществляется ряд мер по ускоренному развитию данной сферы. Так, такие традиционные жанры, как новости, информация, репортаж, статья, а также фото- и видеосюжеты, передаваемые этими информационными агентствами в странах всего мира, совершенствуются поэтапно, хотя их деятельность пока не удовлетворяет потребность наших людей.

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев, выступая на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН, отметил: «сегодня Узбекистан стремительно развивается. Бережно храня мудрость прошлых поколений, мы осознанно идём на решительные реформы, привержены формированию нового облика страны».

Двери Узбекистана сегодня открыты миру. Динамичная, гуманная, дружелюбная внешняя политика сегодня находит позитивный отклик далеко за пределами Азии, во всех концах мира.

Разъяснение сути этих дел требует от журналистов повышенной энергии и патриотизма по последовательному проведению политики, способствующей росту имиджа страны, доведению до мировой общественности правдивой информации. В этом направлении проводятся соответствующие работы по ускорению интернета и выпуску своего спутника по распространению информации Узбекистана в зарубежные страны.

Подытоживая свою статью, мне бы хотелось ещё раз подчеркнуть, что имидж страны непосредственно необходимо довести до имиджа нацио-



нальных СМИ. Успешное функционирование СМИ, в свою очередь, зависит от подготовки конкурентоспособных кадров журналистов. Мы, будущие журналисты, хорошо понимаем это и сегодня готовим себя к большой интересной работе по повышению имиджа своей страны и, в частности, СМИ независимого Узбекистана.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. *Мирзиёев Ш.* Выступление на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН.
2. <http://www.uza.uz/ru/politics/presiden-uzbekistana-shack-at-mirziyeev-vvistupil-na73-y-ses-20-09-17>.
3. *Мирзиёев Ш.* Поздравительная речь сотрудников СМИ от 27 июня 2018 г. // www.xabar.uz
4. *Мўминов Ф.* Ахборот хафсизлиги ва ижтимоий тарақиёт// Ўзбекистон матбуоти, 2007 й. 5-сон, 18-19 б.
5. *Данаева З.* Имидж страны. Страновой брендинг. – Электронное издание // www.zakon.kz.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН МУҲИТ БОШҚАРУВИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ҲОЛАТИ

*Саримсақов Дониёр Хамидович,
стажер тадқиқодчи.
Андижон давлат университети*

Аннотация.

Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт ва унинг муаммолари, ечимлари ҳамда унинг жамиятимиз барча соҳаларига изчил кириб келиши, шунингдек, жамиятга таъсири ҳақида фикр билдирилган.

***Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, коммуникацион тизим, самарадорлик, рақобатбардошлик, трансформация, бифуркация.*

Аннотация

Эта статья дает представление о цифровой экономике и ее проблемах, решениях и их последовательной интеграции во все аспекты нашего общества, а также об их влиянии на общество.

***Ключевые слова:** цифровая экономика, система связи, эффективность, конкурентоспособность, трансформация, бифуркация.*

Annotation

This article provides insights into the digital economy and its challenges, solutions, and their consistent integration into all aspects of our society, as well as their impact on society.

***Key words:** digital economy, communication system, efficiency, competitiveness, transformation, bifurcation.*

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган рақамли технологиялар жамиятимизнинг барча соҳаларига изчил кириб келиши иқтисодиёт, банк тизимларига, давлат сиёсати ва ижтимоий муносабатларга, шунингдек, фуқароларимизнинг кундалик ҳаётига ўз ижобий таъсирини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Ушбу соҳада иш олиб бора-




ётган хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари тизимли таҳлил асосида рақамли иқтисодиёт ва унинг муаммоли масалаларини таҳлил қилиб, таркибини, мазмунини, қонуниятларини узлуксиз такомиллаштириб, амал қилиш механизминини бугунги ва эртанги кунга талабларига мослаштирмоқдалар. [1;2].

Шунингдек, ҳозирги кунда жаҳон миқёсида бизнес моделининг ўзгариши давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб юбормоқда, оқибатда бизнинг ўзлигимизни, коммуникацион тизимларни ўзгаришига олиб келмоқда.

Юқоридаги фикрлар муҳим концептуал мулоҳазалар юритишга сабаб бўлди.

Улар қуйидагилардир:

1. Соҳаларни инновацион бошқаришда ҳаёт тарзини ўзгартириш ва сифатини ошириш, иқтисодий самарадорлик, рақобатбардошлик, хавфсизликларни асосий кўрсаткичлар сифатида қарашга мажбурий ёндошув;
2. Инновацион муҳитни бошқариш натижасида экосистемалар ва синергия ўзаро ташкил этиш самарадорлиги кузатилади;
3. Рақамли технологиялар шароитида инновацион муҳит учта туркумга: рақамли инфраструктура, асбоб ускуналар ва компонентларга асосланади (1-расм).



1-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион муҳитнинг кўриниши

4. Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацион муҳит жамият ва унинг барча жабҳаларига таъсир этувчи бир қатор истикболли хусусиятларга эга. Шу боисдан инновацион муҳит шароитида пайдо бўладиган хусусиятлар ва трансформациялаш жараёнларига таъсир этувчи тўсиқлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

Жадвал 1.1.

Инновацион муҳитни рағбатлантиришга таъсир этувчи тўсиқлар

Инновацион муҳитни рағбатлантириш	Инновацион муҳитга таъсир этувчи тўсиқлар
<p>Институционал:</p> <p>Т а в а к к а л ч и л и к хусусиятига инвестицион ресурслар сони (венчур типдаги).</p> <p>Тўпланган интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланишни таъминлаш.</p> <p>Инновацион муҳитда инфраструктура ни рағбатлантириш.</p>	<p>Йирик бизнеснинг ички муаммолари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • раҳбарият инновацион чакирувга етарлича эътибор қаратмайди; • ўрта бўғиндаги маъсулиятнинг йўқлиги; • ваколатларнинг етишмаслиги; • бозор шароити тўсиқлари; • баҳолаш тизимида давлат томонидан мулкларни сотиб олишда инновация ва кооперацияни ривожлантиришига қаратилган рағбатлантириш механизми йўқлиги; • бозорда хорижий компаниялар учун рақобатбардошликнинг йўқлиги; • экспорт қаратилган таклифларнинг етишмаслиги. <p>Етказиб берувчилар учун инновацион ривожланишдаги тўсиқлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • йирик бизнеснинг вертикал бирлашиши туфайли; • пудратчилар сонининг чекланиши; • инновацияда воситаларнинг йўқлиги; • четга чиқиш учун чегараларнинг юқорилиги; • тармоқ стандартларига стратегик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги;



- | | |
|--|--|
| | <ul style="list-style-type: none">• тугатилаётган корхоналар учун қўллаб-қувватлашни камайтиришга қаратилган мажбуриятларни йўқлиги;• инновацион қўллаб-қувватлаш ҳажмининг тўлиқ эмаслиги;• сотиб олишдаги процедуралар ва саноат хавфсизлиги талаблари инновацион фаолликка халақит беради;• инновацион тизимнинг муҳим элементлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини йўқлиги;• инновацион муҳитнинг институционал тўсиқлари. |
|--|--|

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг ҳозирги давригача глобал трансформациялаш янги воқеликларни келтириб чиқарди.

Жамиятнинг тез ўзгариши шароитида ишчи кучи тизими бизнес жараёнлар, технологиялар ва бошқарув ташкилот шакллари активларни ижодий ва тизимли характери хусусийлаштириш ҳуқуқларини трансформациялаш, иқтисодий тизимни трансформациялашни мазмуни ва босқичлари қуйидаги 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Иқтисодий тизимларни трансформациялаш босқичлари

2-расм асосида иқтисодий тизимни ўзгартиришнинг ҳар бир босқичи мазмунини батафсил кўриб чиқайлик. Иқтисодий тизимнинг ривожланишини иккита йўналишда амалга ошириш мумкин.

Биринчи йўналиш нисбатан барқарор ҳолатни сақлаш билан бирга тизимнинг функционал ривожланишини назарда тутди.

Иккинчи йўналиш иқтисодий тизимни трансформациялашни ўзида акс эттиради.

Иқтисодий тизимни трансформациялашнинг ўзгариши учта жараёнда содир бўлиши мумкин. Улар қуйидагилар:

Трансформациялашдаги биринчи жараён – бу барқарорликни сақлаш доирасидаги ўзгаришлар ҳисобланади;

Трансформациянинг иккинчи жараёни – бу бузилган барқарорлик билан сифатли ўзгаришлар орқали тўғридан-тўғри янгиланишдир (бизнинг тадқиқот натижамизга кўра, бу янгиланишнинг моҳияти бўйича трансформациялашдир);

Трансформациялашнинг учинчи жараёни – иқтисодий тизимнинг бузилиши ва қонуний парчаланиши ҳисобланади.



Иқтисодий тизимнинг янгиланишлари эса тўртта жараёнда амалга оширилиши мумкин.


Биринчи жараёнда, асосан, сифат ўзгаришлари айрим тебранишлари ва барқарорлигининг бузилиши кузатилади.

Янгиланишнинг иккинчи жараёнида фикрлар ва «ютиш зоналари» деб аталадиган бифуркация (аниқлаш) зоналари пайдо бўлади.

Янгиланишнинг учинчи жараёнида янги тизимнинг шаклланиши содир бўлади.

Янгиланишнинг тўртинчи жараёнида янги тизим тасдиқланади.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий трансформациялар нафақат инновацион муҳитни ривожлантиришнинг мосланувчанлигини таъминлаш имконини беради, балки, ўз навбатида, инновацион муҳитга қарши мосланувчанликни ҳам таъминлайди [3;4]. Бу ички ўзгаришларни тезлашиб кетиши фаол бошқарув ҳисобига таъминланади.



3-расм. Инновацион муҳитнинг реактив, фаол ҳамда прогнозли бошқарилиши


Рақамли иқтисодиётга ўтиш, ишлаб чиқариш ва унинг тармоқлари учун янги талабларни келтириб чиқариб колмасдан, балки рақамли иқтисодиёт учун кадрлар потенциалини шакллантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш, шунингдек, инсон капиталини инновацион бошқарувни ҳам талаб қилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий ташкилотларнинг инновацион муҳитни трансформациялаш жараёнларини олтига

лойиҳада кўриш мумкин. Ушбу олти лойиҳанинг тузилиши 4-расмда келтирилган.

Шундай қилиб, рақамлаштиришда мижозлар тажрибаси даражасида инновацион муҳит узлуксиз кўп каналли тажрибанинг пайдо бўлиши соҳасида, шунингдек, исталган вақтда, исталган жойда хизматларни таклиф қилиш соҳасида ўзгаради.

Маҳсулотларни инновациялаш ва хизматларни рақамлаштириш лойиҳасида янги рақамлаш маҳсулотлар ва хизматларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, бундан ташқари, ҳамкорликда янги маҳсулотларни яратади. Маркетинг ва савдо лойиҳасида рақамли трансформациялаш юқори рентабеллик рақамли маркетингни пайдо бўлишига сабаб бўлади, бундан ташқари, рақамли алмашиш анъанавий каналларга ўтади. Рақамли бажариш тўлиқ ўзгарувчан қайта ишлаш ва автоматлаштирилган бошқарув, виртуал хизмат администрацияда ишлатилади.



4-расм. Корхона даражасидаги инновацион муҳитни трансформациялаш лойиҳаси

Рақамли ишлаш тўлик йўналишда ўзгаради, якуний ишлов бериш ва автоматлаштириш, шунингдек, виртуал хизмат ва маъмуриятда кенг фойдаланилади.

Рақамли трансформациялаш шароитида таваккалчиликни оптималлаштириш рақамли мижозларни ўрганиш рақамли таргетинг (мўлжал) орқали ифодаланади, яъни автоматик ва хавфларни бошқариш таваккалчилиги жорий этилади.



5-расм. Рақамли трансформациялашнинг замонавий корхонага таъсири.

Яхшиланган корпоратив назорат ахборот тизимларини ўз вақтида бошқариш ва қарорлар қабул қилишни такомиллаштириш, шунингдек, учинчи томонга узлуксиз интеграциялаш имконини беради. Замонавий корхоналарни рақамли трансформациялашни тизимли таъсири юқоридаги 5-расмда кўрсатилган [4].

Хулоса қилиб айтганда, бошқарувнинг ишлаб чиқилган концептуал қоидалари рақамли иқтисодиётдаги инновацион муҳит ўрганилаётган фан соҳаларининг муаллифлик тезислари ва онтологиясига асосланади. Муаллиф ўз ёндашувининг ўзига хос хусусиятини, иқтисодиёт соҳасидаги ҳолатларнинг қандай бўлишини кўриб, ундаги ресурс, инфратузилма, технологик хавфсизлик, институционал қўллаб-қувватлаш шароитлари даражаси, ривожланиш мақсадлари ва истиқболлари, инновацион муҳит элементлари ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини очиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Аузан А.А.* Альтернативные стратегии оптимизации государственного регулирования / А. Аузан // Журнал новой экономической ассоциации. – 2014. – № 3 (23). – С. 154–157.
2. *Андреев А.В.* Основы региональной экономики: учебное пособие // А.В. Андреев, Л.М. Борисова, Э.В. Плучевская. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2000. – С. 141–145, 264.
3. *Анисимов Ю.П.* Менеджмент инноваций // Ю.П. Анисимов, В.П. Бычков, И.В. Куксова. – М., 2015.
4. *Головко М.В.* Определение факторов инновационного развития региональных промышленных комплексов // М.В. Головко, О.Ф. Цуверкалова, В.В. Рябцун // Региональная экономика: теория и практика. – 2017. – Т. 15, вып. 3. – С. 579–591.



МУНДАРИЖА

Салимов О.У.

Таълим ва фан мамлакат кудратини таъминлаш омили 4

Маджидов И.У.

Инсон капиталига инвестиция – келажакка киритилган сармоядир 8

Шойимардонов С.К.

Эндемик SISI моделининг ночизикли динамик системаси 13

Тўхтаев Ф.С.

Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида композицион полимер сорбентлар олиш 19

316

Мирзиёева Ш.

Структурно-содержательная модель процесса формирования и развития инновационной компетентности руководителей дошкольных образовательных организаций 26

Юсупов Ю.С.

Численное моделирование одномерной связанной динамической термо-упруго-пластической задачи для изотропных тел 38

Тўхтасинов А.Х.

Худудларни микросейсмик районлаштиришда инструментал кузатувларни ўтказиш услубияти 45

Холикулов М.А.

Сув ресурсларини самарали бошқариш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликка эришишда замонавий технологиялар 51

Рахимова Х.М.

Ўртача шўрланган тупроқларда нитрагин штаммининг соя уруғи ўсиш ва ривожланишига таъсири 59

Махкамова Д.Ю.

Мирзачўлнинг мелиоратив ҳолати оғир гипсли тупроқларнинг микробиологик фаоллиги 65

Акратова М.М. Бентонит лойқаси қўллашнинг кузги буғдой маҳсулдорлигига таъсири.....	73
Муратбаева З.Ш. Ипак курти уруғчилиги тизимини ривожлантириш бўйича Ҳиндистон тажрибаси	81
Уринова Х.Ш. Биоэкологические особенности нетрадиционных культур indigofera tinctoria L. Кызылкумского региона.....	87
Nomozova M.N. Tomorqa xo‘jaliklarida kartoshka yetishtirishda resurslardan samarali foydalanishda yangicha yondashuv	94
Джураев Т.А. Экспериментал шўрланиш шароитида глицирризин кислотасининг фитогормонлар билан супрамолекуляр комплексларини ўзанинг (gossypium hirsutum l.) униш босқичидаги биологик фаоллиги	104
Мамуров Б.А. Экстракцион фосфат кислотани оҳақтош хомашёси билан нейтраллаш асосида кальций ва магний фосфатли ўғитлар олиш жараёнини ўрганиш.....	112
Фузайлов О.У. Микроволновая обработка упорных золотосодержащих концентратов	120
Норинов М.У. Қўп ракурсли телевизион тасвирларни тасвирлаш имкониятлари.....	127
Исмоилова Х.М. Таркибида амин ва фосфит гуруҳ тутган полиионитларга оғир металлларнинг адсорбцияси	136
Zikriyoyev A. Modern reforms in construction sector in the light of liberahzation of economy in Uzbekistan.....	143
Хайруллаев О.А. Электрон тезлаткичларда радиоизотоплар олиш имкониятларини ўрганиш	150
Kambarov I. The Path to Industry 4.0. Creation of Learning Factory for training students of technical universities in Uzbekistan (Sanoat 4.0 sari yo‘l. O‘zbekistonda texnik oliy o‘quv yurtlarining talabalari uchun o‘quv stendlarini yaratish.....	157



Xalilova F.

Mentality of peoples 164

Sharipov A.K.

In order to reduce air pollution hydrogen used as a fuel in the ICE in Uzbekistan 172

Мамадалиев Ж.Х.

Маломощная ветроэнергетическая установка с вертикальной осью на основе магнитной левитации для условий Республики Узбекистан 181

Жабборова Х.А.

Таркибида кислород, олтингугурт ва фосфор бўлган экстрагентлар ёрдамида нодир металллар экстракцияси 189

Холназаров Б.А.

Крахмал сополимерлари асосида сув ва минерал ресурсларни тежовчи кишлок хўжалиги гидрогелларини синтез қилиш 197

Тураходжаева Ф.

Методы улучшения механических свойств биомассы 205

Чоршанбиев Ш.М.

Вал-шестерня тишларининг ейилиш бардошлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш 212

Аликулов Ш.Ш.

Обоснование технологии отработки запасов урановых руд с низконапорными водоносными горизонтами 221

Ханкелов Т.К.

Определение основных параметров устройства для сортировки твёрдых бытовых отходов 228

Худайкулов Р.М.

Изучение влияния капиллярного увлажнения на плотность дисперсных грунтов при строительстве транспортных сооружений 235

Кушиев Ж.Х.


Лечение осложнений язвенной болезни эндоскопическим методом 248

Муродов Б.З.

Янги иқтисодий ислохотлар шароитида энергия ва ресурс тежамкор замонавий деворбоп материалларни қўллаш самарадорлиги 255

Kasimova Z.G'.

Xalqaro maydonda O'zbekiston yangi ijobiy imijining shakllanish jarayonlari va istoqbollari 262



Зайтов И.И.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятидаги хатарлар ва уларни бошқариш масалалари 271

Сулаймонова Н.А.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсирийнинг тошбосма нусхалари ҳақида 279

Каримова А.М.

Роль маркетинга в инновационном развитии сферы туризма 287

Саъдуллаева Г.С.

Олий таълим тизимидаги хизматлар ва меҳнат бозори муносабатлари..... 295

Раҳмонжонова Г.

Вопросы медиаимиджа Узбекистана 303

Саримсоқов Д.Х.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида инновацион муҳит бошқарувининг концептуал ҳолати 307



Илмий-оммабон нашр

**Тузувчи ва нашр учун масъуллар:
О. Салимов, У. Бегимкулов, Қ. Қуронбоев,
М. Бекмуродов, Н. Халилов**

Тахририят ҳайъати:

**У. Бегимкулов, Қ. Аллаев, М. Бекмуродов, А. Садуллаев,
О. Тўйчиев, М. Бўронов, Н. Халилов, С. Расулов**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

(Илмий ишлар тўплами)

Биринчи китоб

Нашр учун маъсул *Н. Халилов*

Мухаррирлар: *М. Қулиева, З. Қудратов, Л. Бабаева*

Бадий муҳаррирлар: *Ж. Одилов, У. Сулаймонов*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Компьютерда саҳифаловчилар: *Ф. Тугушева, А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси А1 № 102., 15.2008. Оригинал макетдан босишга
2020 йил 12 мартда руҳсат этилди. Бичими 70x100 $\frac{1}{16}$.
Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Шартли 26,0 б.т.
Ҳисоб-нашр т. 23,87. Адади 1000 дона. Буюртма № 20-161.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 255-52-29

Факс: (371) 294-96-12